

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY TA’LIM, FAN VA
INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI**

**BUXORO DAVLAT UNIVESITETI HUZURIDAGI PEDAGOG
KADRLARNI QAYTA TAYYORLASH VA ULARNING MALAKASINI
OSHIRISH MINTAQAVIY MARKAZI**

MAXSUS PEDAGOGIKA

MODULI BO‘YICHA

O‘QUV-USLUBIY MAJMUA

Buxoro – 2024

Mazkur o'quv uslubiy majmua Oliy ta'lim, fan va innovatsiyalar vazirligi buyrug'i bilan tasdiqlangan oliy ta'lim muassalarining maktabgacha ta'lim, boshlang'ich ta'lim, filologiya va psixologiya ta'lim yo'nalishlarini bitirgan mutaxassislar **defektologiya(logopediya)** kasbiy qayta tayyorlash 5 oylik kursining Namunaviy o'quv reja va dasturiga muvofiq ishlab chiqilgan.
O'quv uslubiy majmua Buxoro davlat universiteti Kengashining 2023 yil "28" dekabrda 5– sonli yig'ish qarori bilan tasdiqlangan.

Tuzuvchi: **M.M.Gadoyeva – Katta o'qituvchi**

Taqrizchilar: **Sh.Olimov –pedagogika fanalri professori**
U.A.Qosimov- psixologiya fanlari nomzodi dotsent

**O'quv -uslubiy majmua Buxoro davlat universiteti Ilmiy
Kengashining qarori bilan nashrga tavsiya qilingan
(2023 yil "28" dekabrda 5– sonli bayonnoma)**

МУНДАРИЖА

I. Ишчи дастур	5
II. Модулни ўқитишда фойдаланиладиган интерфаол таълим методлари	12
III. Назарий машғулот материаллари	19
IV. Кейслар банки	76
V. Мустақил таълим мавзулари	80
VI. Глоссарий	82
VII. Адабиётлар рўйхати	87

ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, мактабгача таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш, малакали педагог кадрлар билан таъминлаш, болаларни мактаб таълимига тайёрлаш даражасини тубдан яхшилаш, таълим-тарбия жараёнига замонавий таълим дастурлари ва технологияларини татбиқ этиш, болаларни ҳар томонлама интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида “2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2707-сонли қарори (29.12.2016 й.) “Нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3276 - сонли қарори (15.09.2017й). “Мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3261 -сонли қарори (09.09.2017 й) “Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-3305-сонли қарори (30.09.2017 й.) “Мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-5198-сонли Фармони (30.09.2017 й.) қабул қилинди.

Қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар мактабгача таълим муассасаларида илғор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда болаларни ҳар томонлама интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожлантириш шароитларини яратиш; мактабгача таълим сифатини ошириш, мактабгача таълим муассасаларида болаларни мактабга сифатли тайёрлашни тубдан яхшилаш, таълим-тарбия жараёнига жаҳон амалиётида кенг қўлланиладиган замонавий таълим дастурлари ва технологияларини жорий этиш имкониятини яратади.

Таълим босқичларининг узлуксизлиги ва изчиллигини таъминлаш, таълимнинг замонавий методологиясини яратиш, давлат таълим стандартларини компетенциявий ёндашув асосида такомиллаштириш, ўқув-методик мажмуаларнинг янги авлодини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш, мактабгача таълим муассасаларининг сифатини яхшилаш ҳамда уларни ривожлантириш чора-тадбирларини амалга ошириш ҳамда педагог ходимларини касбий қайта тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш тақозо этади.

“Махсус педагогиканинг масалалари ” модулининг ишчи ўқув дастури махсус педагогиканинг долзарб масалаларини мазмун ва моҳиятини очиқ беради.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

Модулнинг мақсади: тингловчиларда махсус педагогика назарияси ҳамда уни усулларини амалиётда қўллашга ўргатиш бўйича билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш.

Модулнинг вазифалари:

- тингловчиларда махсус мактабгача таълимда замонавий ёндашувларни амалга ошириш учун зарур бўлган методологик билимларни шакллантириш, кўникмаларни таркиб топтириш;

- тингловчиларда махсус педагогика ҳамда уни усуллари амалиётда қўллашга ўргатишдан иборатдир.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникма ва малакаси ва компетенцияларига қўйидаги талаблар қўйилади:

Тингловчи: Махсус педагогика ўқув модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

-ривожланишида нуқсони мавжуд болаларни ривожлантириш ва коррекциялаш жараёнида махсус таълим-тарбия роли;

– коррекцион-тарбия жараёнини ташкил этиш ,таҳлил этиш ва баҳолаш, ривожланишида нуқсони мавжуд болалар коррекцион-тарбия мазмунини ҳақида **тасаввурга эга бўлиши ;**

Махсус педагогика йўналишлари, махсус таълимни ташкил этиш шакллари ва методлари, махсус таълим тамойилларини **билиш керак;**

- Махсус педагогика йўналишлари, махсус таълимни ташкил этиш шакллари ва методлари, махсус таълим тамойиллари қўллай олиш кўникмаларига;

- Махсус педагогика йўналишлари, махсус таълимни ташкил этиш шакллари ва методлари, махсус таълим тамойилларини қўллай малакаларига эга бўлиши лозим.

-махсус мактабгача таълимга қўйиладиган психологик талаблар асосида ва машғулотларга ташкил этиш;

- машғулотларда тарбияланувчиларнинг билиш фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш;

- тарбияланувчиларнинг мустақил ишларини ташкил этиш ва касбга йўналтириш **компетенцияларини эгаллаши лозим.**

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

Мактабгача таълимда замонавий ёндашувлар **модули** назарий ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Назарий дарс-машғулотларида мактабгача таълимга оид илғор хорижий тажрибалар, замонавий ёндашувлар ва инновацион технологиялар ҳақида маълумотлар берилади.

Амалий машғулотларда махсус педагогиканинг масалалари, машғулотларга қўйилган психологик талаблар ўргатилади.

Машғулотларда техник воситалардан, тест сўровлари, ақлий хужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш ва бошқа интерактив таълим усулларида фойдаланиш назарда тутилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

Модул мазмуни ўқув режадаги “Илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат” блоки модуллари, “Мактабгача таълимда инновациялар ва хорижий тажриба”, “Махсус мактабгача таълимга замонавий ёндашувлар фанининг”, “Дефектологнинг касбий маҳорати ва компетентлиги” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қилади.

Модулнинг услубий жиҳатдан узвий кетма-кетлиги

Мазкур модул “Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг ҳуқуқий-меъёрий асослари”, “Илғор таълим-тарбия технологиялари ва педагогик маҳорат”, “Махсус педагогика ва махсус педагогика асослари” модулларидан кейин ўрганилади. Унда юқоридаги блокларда ўрганилган мазмун йўналишлари ва услубий жиҳатларини махсус мактабгача таълимга татбиқ этиш имкониятлари очиқ берилади.

Модулнинг таълимдаги ўрни

Тингловчиларни махсус мактабгача таълимда замонавий ёндашувлар ва инновацияларни ўргатиш ҳамда амалда қўллаш кўникмаларини шакллантириш орқали таълим самарадорлигини таъминлашдан иборат.

Модул бўйича соатлар тақсимооти

3.2. Махсус педагогиканинг масалалари

№	Модул мавзулари	Ҳаммаси	Жами ўқув юкламаси	Жумладан			Мустақил таълим
				Назарий	Амалий	Қўчма машғулот	
1.	Махсус педагогиканинг мақсад ва вазифалари, методологик асослари	10	8	4	4	-	2
2.	Мактабгача ёшдаги болаларни мактаб таълимига тайёрлаш технологиялари	10	8	4	4		2
3.	Махсус мактабгача таълим тизимида коррекцион ишлар самарадорлигини ошириш йўллари	10	8	4	4	-	2
4.	Инклюзив таълим мазмуни, моҳияти	6	4	2	2	-	2
Жами		36	28	14	14		8

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу: Махсус педагогиканинг мақсад ва вазифалари, методологик асослари (4соат)

Махсус педагогиканинг мақсад, вазифалари, назарий-методологик асослари, бошқа фанлар билан ўзаро алоқадорлиги. Махсус педагогика йўналишлари. Махсус таълимни ташкил этиш шакллари ва методлари. Махсус таълим тамойиллари.

2-мавзу: Мактабгача ёшдаги болаларни мактаб таълимига тайёрлаш технологиялари (4 соат).

Мактабгача ёшдаги болаларни мактаб таълимига нутқий тайёрлаш технологиялари. Мактабгача ёшдаги болаларни мактаб таълимига тайёрлашда ўйин, меҳнат фаолиятини шакллантириш. Мактабгача ёшдаги болаларни мактаб таълимига тайёрлаш жараёнида ўйиннинг мазмунини, қондасини, вазифасини белгилаш. Мактабгача ёшдаги болаларни мактаб таълимига нутқий тайёрлашда оила ва махсус мактабгача таълим муассасаси ҳамкорлиги.

3-мавзу: Махсус мактабгача таълим тизимида коррекцион ишлар самарадорлигини ошириш йўллари (4 соат).

Махсус мактабгача таълим тизимида коррекцион ишлар мазмуни. Махсус мактабгача таълим тизимида коррекцион ишлар самарадорлигини ошириш йўллари

4- мавзу : Инклюзив таълимнинг мазмун ва моҳияти (2 соат).

Инклюзив таълимнинг мазмун-моҳияти. Инклюзив таълимда амалга ошириладиган вазифалар.Инклюзив таълимнинг ҳуқуқий-меъёрий асослари.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

5-мавзу: Махсус педагогиканинг мақсад ва вазифалари, методологик асослари (4 соат)

«Таълим тўғрисида»ги Қонун, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури», «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонун ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ўрганиш ва таҳлил қилиш. Махсус педагогиканинг мақсад, вазифалари, назарий-методологик асослари, бошқа фанлар билан ўзаро алоқадорлигини қиёсий таҳлил қилиш. Махсус педагогика йўналишлари, махсус таълимни ташкил этиш шакллари ва методлари, махсус таълим тамойиллари, махсус педагогикада сифат ва самарадорлик масалалари мавзулари бўйича баҳс – мунозара ўтказиш.

6-мавзу: Мактабгача ёшдаги болаларни мактаб таълимига тайёрлаш технологиялари (4 соат)

Мактабгача ёшдаги болаларни мактаб таълимига нутқий тайёрлаш технологияларини таҳлил қилиш. Мактабгача ёшдаги болаларни мактаб таълимига тайёрлашда ўйин, меҳнат фаолияти кўникмаларини шакллантириш усуллари қиёсий таҳлил қилиш, ўрганиш. Мактабгача ёшдаги болаларни мактаб таълимига тайёрлаш технологиялар лойиҳасини .

7-мавзу: Махсус мактабгача таълим тизимида коррекцион ишлар самарадорлигини ошириш йўллари (4 соат).

Махсус мактабгача таълим тизимида коррекцион ишлар самарадорлигини ошириш йўллари таҳлил қилиш. Туғма ва орттирилган нуқсонлар, билиш жараёнлари камчиликларини коррекциялашда қўлланиладиган технологиялар лойиҳасини ишлаб чиқиш

8-мавзу : Инклюзив таълимнинг мазмун ва моҳияти (2 соат).

Инклюзив таълимнинг мазмун-моҳияти. Инклюзив таълимда амалга ошириладиган вазифалар.Инклюзив таълимнинг ҳуқуқий-меъёрий асослари.

МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАЗМУНИ

Модулга оид ўрганилган материаллар асосида “Махсус педагогиканинг масалалари” мавзусида мустақил иш бажарилади.

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларида фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- давра суҳбатлари (кўрилаётган топшириқлар ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий ҳулосалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (топшириқлар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

Фойдаланиш тавсия этиладиган ўқув-услубий адабиётлар рўйхати

I. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2014.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сон Фармони.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июлдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги 5106-сон Фармони.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 26 сентябрдаги “Педагог кадрларни тайёрлаш, халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги № ПҚ-3289-сонли Қарори.

5. Ш.М.Мирзиёев. “2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори. 2016 йил 29 декабрь.

6. Ш.М.Мирзиёев. “Мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори. 2017 йил 9 август.

II. Махсус адабиётлар

1. П.М. Пулатова, З.Н. Мамаражабова Махсус педагогика. –Т.; Фан ва технология, 2014.

2. З.А.Рахмонқулова, М.Файзуллаева. Мактабгача ёшдаги болаларни атроф-муҳит билан таништириш (*илк, кичик, ўрта гуруҳлар учун*). –Т., 2015.

МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАР

ФСМУ технологияси

Ушбу технология мунозарали масалаларни ҳал этишда ҳамда ўқув жараёнини бахс-мунозарали ўтказишда қўлланилади, чунки бу технология тингловчиларни ўз фикрини химоя қилишга, эркин фикрлаш ва ўз фикрини бошқаларга ўтказишга, очиқ холда бахслашишга ҳамда шу билан бирга бахслашиш маданиятини ўргатади. Тингловчиларга тарқатилган оддий қоғозга ўз фикрларини аниқ ва қисқа ҳолатда ифода этиб, тасдиқловчи далиллар ёки инкор этувчи фикрларни баён этишга ёрдам беради.

Ф – фикрингизни баён этинг

С – фикрингиз баёнига сабаб кўрсатинг

М – кўрсатган сабабингизни исботловчи далил келтиринг

У – фикрингизни умумлаштиринг

Савол

Мактабгача ёшдаги болаларни
тасвирий қобилияти ва
иждоқорлигини
ривожлантиришга тавсиф.

(Ф) Фикрингизни баён этинг

(С) Фикрингиз баёнига сабаб
кўрсатинг

(М) Кўрсатган сабабингизни
исботловчи далил келтиринг

(У) Фикрингизни
умумлаштиринг

Инсерт усулидан фойдаланиб ишлаш қондаси

Маъруза матнини ўқиб, матннинг четига қуйидаги белгиларни қўйиб чиқинг:

Б./ Б. /Б. технологияси

Б - биламан

Б - мен учун янги маълумот

Б - мен билган маълумотни инкор қилади

? – ноаниқ (аниқлаштириш талаб қиладиган) қўшимча маълумот.

2. Олинган натижаларни жадвал шаклида расмийлаштиринг.

Мавзу саволлари	Б	Б	Б	?
Кўргазмали метод ва ўргатиш усуллари				
Оғзаки метод ва ўргатиш усуллари				
Сухбат ўргатиш методи				
Амалий ўргатиш методи				
Натурадан фойдаланиш.				
Намунадан фойдаланиш				
Расмлардан фойдаланиш				
Дефектолог томонидан ишлаш усулини кўрсатиб бериш				
Болалар ишларини тахлил қилиш				
Бадиий адабиётнинг образларидан фойдаланиш.				

Мунозара технологияси **Мунозара қатнашчиларига эслатма**

1. Мунозара муносабатлар йиғиндиси эмас, балки муаммо ечими услубиятидан иборат.
2. Кўп гапирмасдан, бошқаларнинг сўзлашига имкон бер.
3. Мақсадга эришиш йўлида хиссиётларинни жиловлаб, батафсил ўйлаган ҳолда сўзла.
4. Рақибларинг вазиятини ўрганиб, уларга хурмат билан мурожаат қил.
5. Рақибларинг томонидан айтилган фикрларга танқидий ва мулоҳазали ёндаш.
6. Мунозара предмети бўйича четга чиқмаган ҳолда тўғри ёндашиб гапир.

Мунозара маърузанинг бошқарув дастаклари

Бошловчи барча вазифаларни ўзига олади – мунозара босқичларини бошқариш, жавобларнинг асосланиши ва тўғрилигини тасдиқлаш, қўлланган атама ва тушунчаларни аниқлаш, муносабатларни тўғри йўлга қўйиш кабилар. Тақдимотларнинг тақсимотини тўғри бошқариш.

Тақризчи – томонларнинг маърузаларини йўналишлар бўйича белгилаш ва тўлиқ характерда баҳолаш: долзарблиги, илмий жиҳати, мантиқийлиги ва масалаларнинг аниқ қўйилганлиги, хулосаларнинг аниқ кўрсатилиши.

Рақиб – қабул қилинган тадқиқот ўртасида рақобатчилик жараёнини шакллантиради. У фақатгина маърузачининг асосий ҳолатини танқид қилиш эмас, шу билан биргаликда, унинг айтган фикрларидан заиф ёки ҳато томонларини топиш ҳамда ўзининг ҳал қилувчи фикрларини таклиф қилади.

Эксперт – барча мунозараларнинг, жумладан, мунозара қатнашчилари томонидан айтилган фикрларнинг, қилинган хулосаларнинг, таклиф ва фаразларнинг махсулдорлигини баҳолайди.

Мунозара регламентини ўтқозиш тартиби

1. Бошловчи маъруза мавзуси ва маърузачиларнинг тақдимотларин эълон қилади.
2. Маъруза 5 минут давом этади.
3. Тақризчи – 2 минут.
4. Рақиб – маъруза мавзуси бўйича фикрларини 1-3 минут тақдим этади.
5. Жамоавий муҳокама – 5-10 минут.

Кластер методи



“КЛАСТЕР” МЕТОДИНИ ЎТКАЗИШ БОСҚИЧЛАРИ

Ўқитувчи: - Тингловчиларни янги мавзу билан таништиради;

- Доскага “**Махсус педагогика**” сўзини ёзади.

1. Ниманики ўйлаган бўлсангиз, шуни қоғозга ёзинг. Фикрингизни сифати тўғрисида ўйлаб ўтирмай уларни шунчаки ёзиб боринг;

2. Ёзувингизни орфографияси ёки бошқа жиҳатларига эътибор берманг;

3. Берилган вақт ниҳоясига етмагунча ёзишдан тўхтаманг. Агар маълум муддат бирон бир ғояни ўйлай олмасангиз у ҳолда қоғозга бирор нарсани расмини чиза бошланг. Бу ҳаракатни янги ғоя туғулгунга қадар давом эттиринг;

4. Муайян тушунча доирасида имконият қадар кўпроқ янги ғояларни йиғиндисининг сифати ва улар ўртасидаги алоқаларни кўрсатишни чекламанг.

Тингловчи: Ҳамма тушунчаларни қабул қилади.

1. Ниманики ўйлаган бўлса, шуни қағозга ёзади;

2. Ёзувларнинг орфографик, грамматик жиҳатларига эътибор бермайди;

3. Берилган вақт ниҳоясига етмагунга қадар ўз фикрини давом эттиради;

4. Муайян тушунча юзасидан кўпроқ маълумотларни ёритишга ҳаракат қилади;

Технология ниҳоясига етгач ўқитувчи бошчилигида таҳлил қилинади.

Кутиладиган натижа: Талабалар ўйинли технологияларнинг мазмуни, моҳияти, вазифалари, турлари билан танишадилар.

“ЧАРХПАЛАК” МЕТОДИНИ ЎТКАЗИШ БОСҚИЧЛАРИ

Ўқитувчи: Ҳамма тингловчиларга тарқатма материаллар тарқатилади ва ўтказиш йўллари тушунтиради.

1. Яхшилаб ўқиб чиқиб, таҳлил этинг.

2. Берилган ҳаракат хусусиятлари ичидан ўзингиз тўғри деб топган ҳаракатни кўрсатилган катаклар ичига истаган белгингиз билан белгиланг.

3. Тўрт кишидан иборат кичик гуруҳга бўлининг ва ҳар бир гуруҳ аъзоси ўз белгингизни кўрсатилган катакларга белгиланг, бу ҳаракат соат стрелкаси бўйича амалга оширилади.

Шу бу ҳаракат тўрт маротаба амалга оширилади. Материал ўз эгаларига етиб келганидан сўнг ўқитувчи тўғри жавобларни ўқийди.

4. Агар шахсий белгиларингиз тўғри жавоб билан бир хил бўлса, у ҳолда тартиб рақамларни доира остига олинг, мос келмаса очик қолдиринг.

5. Тўғри ва нотўғри жавоблар ҳисобланиб тегишли натижа олинади.

Тингловчи: Ҳамма тушунчаларни қабул қилади.

1. Ҳаракатларни таҳлил этиб керакли белгиларни қоғозга ёзади.

2. Гуруҳларга бирлашадилар.

3. Ўзлари тўғри деб топган ҳаракатларнинг керакли катакларига ўз белгиларини қўядилар.

4. Гуруҳ аъзолари фикрини таҳлил этиб чиқадиладар.

5. Жавобларни қабул қиладиладар ва тартиб рақамларни доира остига оладиладар, мос келмаса очик қолдирадиладар.

6. Тўғри ва нотўғри жавоблар ҳисобланиб тегишли ҳулоса чиқарадиладар.

Кутиладиган натижа: Тингловчилар ушбу педагогик технологияни амалиётга тадбиқ этишни ўрганадиладар.

«ҚАРОРЛАР ШАЖАРАСИ» («ҚАРОРЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ») МЕТОДИ

Мақсади: «Қарорлар шажараси» методи муайян фан асослари борасидаги бир қатор мураккаб мавзуларни ўзлаштириш, маълум масалаларни ҳар томонлама, пухта таҳлил этиш асосида улар юзасидан муайян хулосаларга келиш, бир муаммо хусусида билдирилаётган бир неча хулосалар орасидан энг мақбул ҳамда тўғрисида топишга йўналтирилган техник ёндашувдир. Ушбу метод, шунингдек, аввалги вазиятлар қабул қилинган қарорлар моҳиятини яна бир бора таҳлил этиш ва уни мукамал тушунишга хизмат қилади.

Гуруҳ тингловчилари иштирокида қўлланиладиган «Қарорлар шажараси» бир неча ўн нафар тингловчиларнинг билимлари даражасини аниқлаш, уларнинг фикрларини жамлаш ва баҳолаш имконини беради. Таълим жараёнида мазкур методнинг қўлланилиши муайян муаммо юзасидан оқилона қарор қабул қилиш да ўқувчилар томонидан билдираётган ҳар бир вариант, уларнинг мақбул ҳамда номақбул жиҳатларини муфассал таҳлил этиш имкониятини яратади. Машғулот жараёнида ўқувчилар қуйидаги чизма асосида тузилган жадвални тўлдирадилар:

«Қарорлар шажараси» методи қуйидаги шартлар асосида қўлланилади:

1. Ўқитувчи машғулот бошланишидан олдин мунозара, таҳлил учун мавзуга оид бирор муаммони белгилайди. Гуруҳлар томонидан қабул қилинган хулосаларни ёзиш учун плакатларни тайёрлайди.

2. Ўқитувчи ўқувчиларни 4 ёки 6 нафар кишилардан иборат гуруҳларга ажаратади. Муаммонинг ҳал этилиши, у борадаги энг мақбул қарорнинг қабул қилиниши учун муайян вақт белгиланади.

3. Қарорларни қабул қилиш жараёнида гуруҳларнинг ҳар бир аъзоси томонидан билдирилаётган вариантларнинг мақбуллик ҳамда номақбуллик даражалари батафсил муҳокама қилинади. Ҳар бир вариантнинг афзаллик ва ноафзаллик жиҳатлари ёзиб борилади. Билдирилган вариантлар асосида муаммони ижобий ҳал этишга хизмат қилувчи усул хусусида гуруҳ аъзолари бир тўхтамга келиб оладилар.

4. Мунозара учун ажратилган вақт ниҳоясига етгач, ҳар бир гуруҳ аъзолари ўз гуруҳи қарори борасида ахборот берадилар. Зарур ҳолларда ўқитувчи раҳбарлигида барча ўқувчилар томонидан билдирилган хулосаларни бир-бири билан қиёслайдилар. Муаммо юзасидан билдирилган қарорлар, саволлар туғулгудек бўлса, уларга жавоблар қайтариб берилади, ноаниқликларга аниқликлар киритилади. Агарда барча гуруҳлар томонидан муаммо юзасидан бир хил қарорга келинган бўлса, ўқитувчи бунинг сабабини изоҳлайди. «Қарорлар шажараси» методи қуйидаги лойиҳага асосланади:

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1-мавзу: Махсус педагогиканинг мақсад ва вазифалари, методологик асослари

Режа:

1. Махсус мактабгача таълим муассасаларда таълим-тарбия ишини ташкил қилиш.

2. Ривожланишида нуқсони бўлган мактабгача тарбия ёшидаги болаларга таълим-тарбия бериш тамойиллари .

3.Мактабгача тарбия ёшидаги болаларга таълим-тарбия бериш методлари.

таянч тушунчалар: таълим, тарбия, тамойиллари, методлар, нутқий фаоллик, лексик маъно, педагог, дефектолог

1.1 Махсус мактабгача таълим муассасаларда таълим-тарбия ишини ташкил қилиш

Давлат умумиллий дастури таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш, уни ҳам шаклан, ҳам мазмунан замон талабларига мослаштириш, таълим сифат-самарадорлигини узлуксиз такомиллаштириб боришга йўналтирилди.

Махсус мактабгача таълим таълим муассасаларда ташкил этиладиган таълим болаларни ҳар томонлама камол топтириш, мактаб таълимига таёрлашга қаратилади. Таълим жараёнида педагоглар болаларнинг билиш фаолиятини ташкил этади, йўналтиради, болалар эса билим кўникма ва малакаларни эгаллайдилар, улар амалий, ақлий, нутқий фаолият турлари ва усулларини ўзлаштирадilar. Махсус мактабгача таълим-тарбия мазмуни махсус таълим дастурларида акс эттирилган бўлиб, мактабгача муассаса педагоглар олдида қуйидаги вазифаларни қўяди:

1.Боланинг умумий ривожланишини бойитиш;

2.Ривожланишдаги мавжуд камчиликларни коррекциялаш;

3.Мактаб таълимига тайёрлаш. Хозирги кунда махсус таълим-тарбия жараёнининг мазмуни ва ташкилий шакллари танлашда умумий ёндашувга амал қилиш талаб этилмоқда.

Юқорида қайд этилган вазифалар амалга оширилган ҳолда болаларнинг ижтимоий ривожланиши, билиш фаолиятининг ўсиши, шахсий сифатларининг ривожланиши таъминланади. Бунинг учун болаларнинг умумий ривожланишини бойитиш, ривожланишидаги камчиликларни коррекциялаш, билим ва кўникмаларни имкон борица болаларга бериш керак. машғулотлари болаларда, ўқув фаолиятида зарур бўлган малака кўникмаларни шакллантиради.

Махсус мактабгача таълим таълим муассасаларда ташкил этиладиган таълим болаларни ҳар томонлама камол топтириш, мактаб таълимига таёрлашга қаратилади. Таълим жараёнида педагоглар болаларнинг билиш фаолиятини ташкил этади, йўналтиради, болалар эса билим кўникма ва малакаларни эгаллайдилар, улар амалий, ақлий, нутқий фаолият турлари ва усулларини ўзлаштирадilar. Махсус мактабгача таълим-тарбия мазмуни махсус таълим дастурларида акс эттирилган бўлиб, мактабгача

муассаса педагоглар олдида қуйидаги вазифаларни қўяди:

1. Боланинг умумий ривожланишини бойитиш;

2. Ривожланишдаги мавжуд камчиликларни коррекциялаш;

3. Мактаб таълимига тайёрлаш. Хозирги кунда махсус таълим-тарбия жараёнининг мазмуни ва ташкилий шакллари танлашда умумий ёндашувга амал қилиш талаб этилмоқда.

Юқорида қайд этилган вазифалар амалга оширилган ҳолда болаларнинг ижтимоий ривожланиши, билиш фаолиятининг ўсиши, шахсий сифатларининг ривожланиши таъминланади. Бунинг учун болаларнинг умумий ривожланишини бойитиш, ривожланишидаги камчиликларни коррекциялаш, билим ва кўникмаларни имкон борича болаларга бериш керак. Махсус машғулотлар -Ривожланишида нуқсони бўлган болаларни мактабгача таълим муассасаларда таълим-тарбия ишини ташкил қилишнинг асосий шакли сифатида мактабгача муассасаларда таълимнинг муҳим воситаси ҳисобланади. Машғулотлар жадвал асосида эрталабки ва кечки соатларда олиб борилади. Эрталабки соатларда педагог ва дефектолог 2та машғулот ўтказади. Куннинг иккинчи ярмида дефектолог ўз машғулотларини барча гуруҳ болалари билан ўтказади. Ўқитувчи-дефектолог нутқ ўстириш, элементар математик тасаввурларни шакллантириш, эшитиш қобилиятини ривожлантириш ва талаффузни шакллантириш машғулотларини олиб боради. Дефектолог нинг зиммасига болаларнинг кун тартибини ташкил этиш, жисмоний тарбия, тасвирий фаолият, ўйин, меҳнат, теварак-атроф билан таништириш машғулотларини ташкил этиш, музика машғулотларида қатнашиш юклатилади. Болалар боғчасининг кун тартибида махсус ташкил этилган ялпи машғулотларга таълимнинг 1-2 йилларида ҳафтасига 24 соат, 3-4-5- йилларда -30 соат ажратилади. Алоҳида-алоҳида машғулотларга дастур бўйича ҳар куни 2 соатдан ажратилади, шунда ўрта ҳисобда ҳар бир болага кунига 15-25 дақиқадан сарфланади. Махсус мактабгача тарбия муассасаларида ташкил этилган таълимнинг асосий вазифалари болаларнинг билиш фаолиятини мақсадли йўналтириш, дастур талабларига мувофиқ билим, малака ва кўникмаларни ривожлантириш ҳамда сўзли нутқни ўстиришдан иборат. Дефектолог нутқ ўстириш машғулотлардан ташқари эшитиш қобилиятни ривожлантириш ва талаффузни шакллантириш машғулотларни олиб боради. Машғулотларда болаларнинг эшитиш қобилиятини шакллантириш ва ривожлантириш, нутқий ва нутқсиз товушларни фарқлаш, сўз, сўз бирикмалари, гап, матнларни эшитиб фарқлашга ўргатилади. Талаффузни ўргатиш соҳасида болаларда табиий, аниқ, равон нутқни шакллантириш каби муҳим вазифалар амалга оширилади. Машғулотларда нутқий нафасни ривожлантириш, овозни ҳосил қилиш, товушларни қўйиш, сўз, гап, матн устида иш олиб борилади. Ривожланишида нуқсони бўлган мактабгача ёшидаги таълим-тарбия бериш ишининг мазмуни дастурнинг жисмоний тарбия, ўйин, меҳнат, тасвирий фаолият ва қуриш-ясаш, теварк-атроф билан таништириш, нутқ ўстириш, эшитиш

қобилиятини ривожлантириш ва талаффузни шакллантириш, элементар математик тасаввурларни шакллантириш, муסיқа тарбияси бўлимларида акс эттирилган. Ҳар бир кўрсатилган дастур бўлими болаларни умумий ривожлантириш вазифасини амалга оширади. Дастур бўлимлари бўйича олиб борилган таълим-тарбиявий иш боланинг умумий ривожланишини бойитибгина қолмай, уни нормал болалар ривожланишига яқинлаштиради ҳамда коррекцион ишни олиб бориш учун замин яратади. Нутқий ривожланишидаги издан чиқишлар мулоқотнинг бузилишига ва у ўз навбатида, билиш фаолиятидаги ва шахсий ривожланишидаги ўзига ҳосликларини келтиради. МТМда махсус машғулотлар қуйидаги мақсадларни амалга оширилиши кўзда тутилади:

I. Таълимий мақсад: болаларда таълимий дастур ҳажмидаги назарий билим ва амалий кўникмалар ҳамда нутқий мулоқот кўникмаларини шакллантириш.

II. Тарбиявий мақсад: болаларни миллий истиқлол руҳида тарбиялаш, уларнинг шахсий ва ахлоқий сифатларини шакллантириш, ижтимоий ҳаётда ўз ўрнини топа олишларига имкон берувчи кўникма ва малакалар билан қуроллантириш.

III. Ривожлантирувчи мақсад: Ривожланишида нуқсони бўлган болаларда нутқий ва ижодий фаолликни, мустақиллик ва эркинликни шакллантириш.

IV. Коррекцион мақсад: Ривожланишида нуқсони бўлган ҳар бир боланинг бирламчи нуқсони натижасида юзага келувчи иккиламчи нуқсонни ҳисобга олиб, табақаланган ҳолда ёндашган ҳолда уларнинг сифатли таълим олишларини таъминлаш.

МТМда махсус машғулотларга қўйилувчи қуйидаги талаблар амалга оширилиши кўзда тутилади

Машғулотларга қўйилувчи педагогик талаблар:

- машғулотнинг вазифалари ҳамда таълим жараёнининг босқичлари дастурий талаблардан, шунингдек, гуруҳ болаларининг умумий ва нутқий ривожланиш даражасидан келиб чиққан ҳолда белгиланиши;

- тарбияланувчиларнинг билиш фаолиятини фаоллаштиришга қаратилган иш усуллари, моҳирона ва ўринли фойдаланиш мақсадида, олдиндан лойиҳалаштириб қўйилиши;

- билим, кўникма ва малакаларнинг болалар сўзлашув нутқини мулоқот қуроли сифатида шакллантириш замирида эгалланишига аҳамият бериш;

- Ривожланишида нуқсони бўлган болаларнинг ривожланиш хусусиятларидан келиб чиқиб, кўрсатмалилик, кўргазмалилик ва амалий иш жараёнига алоҳида эътибор қаратиш;

- машғулотда нутқнинг қайси шаклидан фойдаланишни аввалдан аниқлаб олиш (бунда қайси нутқ шаклининг етакчилиги босқич талабларидан, шунингдек, гуруҳ болаларининг умумий ва нутқий ривожланишидан келиб чиққан ҳолда белгиланди);

- болаларнинг ривожланиш хусусиятидан келиб чиқиб, доскада бажариладиган ишга ажратилган вақтнинг тўғри тақсимланишига эътибор бериш;

- болалар кўриш ўткирлиги пасайишининг олдини олиш мақсадида намоёниш қилинувчи расм ва намуналар ўлчамларининг мос равишда танланишига эътибор қаратиш;

- машғулотда қўлланувчи сўз ва ибораларни табличкаларда кўк рангда, босма ҳарфларда бериш (қизил, оч яшил, пушти ранглар болаларнинг толиқишини келтириб чиқариш билан бирга кўриш ўткирлигининг пасайишига ҳам олиб келиши мумкин) лозим.

Машғулотларга қўйилувчи психологик талаблар:

Ҳар бир педагог:

- ўз тарбияланувчиларининг руҳий жараёни ҳақида аниқ маълумотга эга бўлиши;

- болаларга илиқ муносабатда бўлиши;

- тарбияланувчиларни моҳирона қўллаб-қувватлаши;

- улар билан мулоқот ўрната олиш малакасига эга бўлиши талаб этилади.

Машғулотларга қўйилувчи гигиеник талаблар:

- машғулот олиб бориладиган хона деворларининг талаб даражасидаги рангларда бўлиши;

- машғулот хонасининг меъёрадаги ёруғликка эга бўлиши;

- хонанинг машғулотдан аввал ва машғулотлар орасида шамоллатиб турилиши;

- болалар толиқишининг олдини олиш мақсадида фаолиятнинг турли–туман кўринишларидан фойдаланиш;

- дам олиш дақиқаларини ўтказиб туриш;

- машғулотлар ўртасида мажбурий танаффусга риоя қилиш лозим.

Машғулотларга қўйилувчи ташкилий талаблар:

- зарурий жиҳоз ва ускуналарнинг, коррекцияни амалга ошириш имконини берувчи асбоб ва техник воситаларнинг машғулотга шайлиги, баъзи носозликларнинг эрта бартараф қилиниши;

- кўргазмали ва дидактик материалларнинг тайёрлиги;

- хона ва ундаги бошқа воситаларнинг машғулотга аввалдан тайёрлаб қўйилиши лозим.

Шундай қилиб, махсус машғулотлар -коррекцион-тарбиявий ишлар иккиламчи бузилишларни, яъни, нутқий ва мулоқотдаги камчиликларни бартараф этишга қаратилади.

Умумий ривожлантирувчи ва коррекцион вазифаларни уйғунликда амалга оширилиши Ривожланишида нуқсони бўлган болаларнинг тўлақонли ривожланишини таъминлаб, мактаб таълимига тайёрланишига ёрдам беради.

1.2 Ривожланишида нуқсони бўлган мактабгача тарбия ёшидаги болаларга таълим-тарбия бериш тамойиллари

Ривожланишида нуқсони бўлган мактабгача ёшдаги болаларни ўқитишда қуйидаги тамойилларга асосланади: таълим тарбиянинг илмийлиги ва изчиллиги, тушунарлилиги, кўргазмалилиги, билим олишда фаоллик ва мустақиллик, болаларнинг ёш ва алоҳида хусусиятларини ҳисобга олиш, таълимни ҳаёт билан боғлиқлилиги.

Таълим тарбия тамойилларига асосланган ҳолда таълимнинг мазмуни, методлари, ташкил этиш шакллари танланиб, унинг самарадорлигини оширишга йўналтирилади.

Илмийлик ва тушунарлилик тамойили. Мактабгача муассаса тарбияланувчиларига уларнинг идрок этиш қобилиятларини ҳисобга олган ҳолда илмий асосланган маълумотлар бериб борилади. Дастурдаги ўқув материал мавзуларга ажратилади, мавзуларнинг мазмуни йилдан йилга кенгайиб, чуқурлаштирилиб, аниқлаштирилаб борилади ва уни ўзлаштириш учун болалардан ақлий фаоллик талаб этилади. Дастур материалларида илмийлик билан тушунарлилик тамойилларининг уйғунлашуви, болаларнинг ўқишга бўлган қизиқишини уйғонишига, мантиқий тафаккури, тақлил қилиш, синтезлаш, умумлаштириш, солиштириш, абстраксиялаш каби психик жараёнларининг такомиллашувига хизмат қилади. 4-5 ёшли болаларни аналитик ўқишга ўргатиш мақсадида сўзли нутқнинг дактил, оғзаки, ёзма шакллари қўлланилади.

Кўргазмалилик тамойили ривожланишида нуқсони бўлган мактабгача ёшдаги болаларни тарбиядашда муҳим аҳамият касб этади, зеро болаларнинг кўргазмали-образли тафаккурини ўсишига ёрдам беради, билимларни онгли равишда ўзлаштирилишини таъминлайди. Машғулотларда, турли фаолиятлар жараёнида тарбияланувчилар буюмларни кўздан кечиради, таққослайди, ўхшаш ва фарқли томонларини аниқлайди, сифат ва ҳоссаларини билиб олади, буюмларнинг турли белгиларига асосланиб гуруҳларга ажратадилар. Элементар математик тасаввурларни шакллантириш машғулотларида болаларнинг сон, санок, катталиқ, шакл, вақт, фазовий муносабатлар ҳақидаги тушунчаларини шакллантириш учун турли расм, буюмлар, тарқатма материал, компьютер, техника воситалардан кенг фойдаланилади. Кўргазмалилик тамойили болаларнинг амалий фаолиятида рўёбга

чиқарилади: улар жонли объектларни кузатадилар, буюм ва расмларни кўздан кечирадилар, модел, чизмалардан фойдаланадилар, диафилм, кинофилмларни томоша қиладилар, мусиқани тинглайдилар, визуал аппаратурадан фойдаланадилар. Онглилик ва фаоллик тамойили. Дефектолог ва дефектолог ўз фаолиятида болаларнинг билиш қобилиятларини фаоллаштирувчи усулларни қўллаши керак бўлади. Бола машғулотларда қўйилган билиш вазифаларни амалий фаолиятида ечмоқи зарур. Тарбияланувчиларнинг билиш фаоллигини ошириш мақсадида "Сен нима учун шундай ўйлайсан", "Сен қандай билдинг", "Нима учун" каби саволлар қўйиш мақсадга мувофиқ. Турли фаолиятларни ташкил этиш чоғида болаларнинг мустақиллиги ва фаоллигини ошириб бориб, таълимнинг сифат ва самарадорлигини оширилиши ҳамда боларнинг ҳар томонлама ривожланишига эришилади.

Мунтазамлилик ва изчиллик тамойили. Мактабгача таълим жараёнида атрофдаги нарсалар, табиат ҳодисалари, ижтимоий ҳаёт воқеалари тўқрисидаги маълумотлар бериб борилади. Кўп маротаба ўтказилган кузатишлар, амалий фаолият жараёнида умумлашган тасаввур ва тушунчалар шаклланиб боради. Барча бўлимлар бўйича ўқув дастур концентрик тузилган бўлиб, ҳар йили ўқув материал чуқурлаштирилган ва кенгайтирилган ҳолда такрорланиб боради. Дефектолог ва дефектолог ўқув материални аста-секин мураккаблашиб боришини таъминлаб тақсимлайдилар.

Мунтазамлилик ва изчиллик тамойилига амал қилган ҳолда билимлар пухта ўзлаштирилиши таъминланади. Ҳаёт билан боғлиқлик тамойили. Олинган билим, кўникма ва малакалар болаларнинг амалий фаолиятида рўёбга чиқарилади. Тарбияланувчиларнинг ўйин, меҳнат, ўқув фаолияти давомида кейинчалик ҳаётида зарур бўладиган билим, малака ва кўникмалар ҳосил бўлади. Теварак атроф билан таништириш жараёнида жамиятимиз ҳаёти ҳақида оддий тушунчалар, сайр-саёҳат давомида олинган билим ва малакалар меҳнат ва ўйин фаолиятларда мустаҳкамланади. Масалан, болалар катталар меҳнати билан таништирилади, меҳнатга ижобий муносабат тарбияланади, олинган билимлар катталарнинг фаолияти, ўзаро муносабатини акс эттирувчи сюжетли-ролли ўйинларда, нутқий мулоқотида мустаҳкамланади.

Умумий дидактик тамойиллардан ташқари, мактабгача тарбия ёшидаги ривожланишида нуқсони бўлган болаларнинг ўзига ҳос хусусиятларини, коррекцион-таълимнинг мазмунини ҳисобга олган ҳолда таълимнинг махсус тамойиллари фарқланади. (Н.И.Белова, Б.Д.Корсунская, Л.П.Носкова ва х.к.).

1. *Генетик тамойил.* Мазкур тамойил Ривожланишида нуқсони бўлган болалар таълим-тарбиясида психик функцияларнинг ривожланиш босқичларини, психик ривожланиш қонуниятларини, ҳамда сензитив дафврларни ҳисобга олган ҳолда самарали таълимни ташкил этишга ёрдам беради.

2. *Нутқий мулоқотни ривожлантириш тамойили.* Болаларнинг нутқи мулоқот воситаси сифатида шакллантирилади. Болаларнинг нутқи машғулотларда, кун давомида уларнинг амалий фаолият жараёнида шакллантирилади. Болаларда нутқий мулоқот қилиш эҳтиёжи тарбияланади, ўз хохиш-истакларини сўзли нутқ воситасида баён этишга ўргатиб борилади. Дастурда болалар эгаллаши лозим бўлган луғат бойлиги белгиланади. Махсус мактабгача муассасаларда сўзли нутқнинг уч шакли, яъни оғзаки, ёзма, дактил нутқ қўлланилади. Ёзма нутқ ўқиш ва ёзиш жараёнида ишлатилади, дастлабки маълумотлар болаларга ёзма равишда (ёзувли карточкаларда) берилади. Сўз таркиби ва тузилишини ўзлаштириш, ўқишни ўргатиш жараёнини тезлаштириш, мулоқотни осонлаштириш мақсадида ёрдамчи восита этиб дактил нутқдан фойдаланилади. Оғзаки нутқ мактабгача таълимнинг якунида, машғулотларда асосий мулоқот воситаси бўлиб қолиши керак. Нутқий мулоқотни ривожлантириш тамойили коррекцион-тарбиявий иш давомида рўёбга чиқарилади, дастур талабларида, айниқса нутқ ўстириш бўлимида ўз аксини топади.

3. *Таълимнинг ривожлантирувчи характериға эға бўлиши.* Мазкур тамойил Л.С.Виготскийнинг "яқин ривожланиш зонасини ҳисобға олиш" ғоясига асосланади. Боланинг соғлом функцияларига асосланган ҳолда, ёшига мос психик ривожланишни таъминлаш коррекцион ишнинг мазмуни ҳисобланади. Ривожланишида нуқсони бўлган бола ривожланишининг ўзига ҳослиги, айрим билимларни мустақил эгаллаб ололмаслиги, оналар томонидан етарли эътибор берилмаётгани оқибатида, боланинг психик ривожланиш савияси меъёрдан орқада қолиши мумкин. Мактабгача муассасасида боланинг барча имкониятларининг рўёбга чиқарилишига шарт-шароитлар яратилиши лозим. Педагоглар боланинг имкониятлари, "яқин ривожланиш зонасини" аниқлаб, унинг уйқун ривожланишини таъминлаши лозим.

4. *Таълим-тарбиянинг коррекцион йўналтирилганлиги.* Таълимнинг етакчи тамойилларидан бири бўлиб, коррекцион таълимнинг барча жабҳаларини қамраб олади. Болалар нуқсонининг тузилиши ва мураккаблиги, уларнинг алоқида хусусиятлари ва имкониятлари аниқланиб, ҳар бир тарбияланувчига алоҳида дифференциал ёндашилади. Ривожланишида нуқсони бўлган болалар ривожланишининг ўзига ҳослиги, нутқий ривожланишидаги етишмовчиликлар ва мулоқотнинг чекланиши систематик коррекцион ишнинг олиб борилишини талаб этади. Коррекцион таълимнинг мазмунига нутқ ўстириш, эшитиш қобилиятини ривожлантириш ва талаффузни шакллантириш каби махсус коррекцион йўналтирилган бўлимлар киритилади. Кун тартибида ҳар куни 2 соат алоҳида машғулотларга ажратилади. Ялпи машғулотларда болалар учун, нутқий малакалари, лабдан ўқиш ҳамда эшитиш қобилиятини ҳисобға олган ҳолда турли мураккабликдаги топшириқлар берилади. Жамоа бўлиб ишлатиладиган ҳамда индивидуал қўлланиладиган эшитув мосламалардан кенг фойдаланилади. Овозни кучайтирувчи аппаратлар

воситасида нутқни қабул қилиш малакаларини ривожлантирилади, оғзаки нутқ сифатини яхшиланади, товушлар оламини ўрганишга имкониятини кенгайтиради.

5. Таълимни турли фаолиятлар давомида амалга ошириш тамойили. Боланинг психик ривожланиши турли фаолиятларда кечади. Фаолиятлар жараёнида бола борлиқни ўрганади, атроф муҳитда мўлжал олиш усуллари ўрганади, ижтимоий ҳаётни билиб олади, инсонлар муносабатларини ўзлаштириб боради. Психиканинг ривожланиши етакчи фаолият билан боғлиқ бўлади, фаолият давомида психик жараёнлар ва шахсий хусусиятлар шаклланади (А.Н.Леонтев). Илк ва ва мактабгача ёшдаги болаларнинг ривожланиши буюмли, ўйин, тасвирий, конструкторлик, оддий меҳнат фаолияти билан боғлиқдир.

Дастурнинг турли бўлимларида умумривожлантирувчи ва коррекцион вазифалар турли фаолиятлар билан боғланган ҳолда амалга оширилади. Нутқнинг шаклланишида фаолиятли ёндашув катта аҳамиятга эга. (С.А.Зиков, Б.Д.Корсунская, Л.П.Носкова) Ўйин ва бошқа фаолиятларда нутқий воситаларни қўллаш, нутқни тушуниш учун табиий шарт-шароитлар яратилади.

6. Нуқсоннинг тузилиши ва мураккаблигини ҳисобга олиш тамойили. Кар ва заиф эшитувчи болалар эшитув ҳолати, нутқи, ақлий ривожланиши жиҳатдан ҳар хил бўладилар. Уларнинг таълим-тарбиясини ташкил этишда нуқсоннинг тузилишини ҳисобга олиш зарур. Дифференциал тамойилга мувофиқ кар ва заиф эшитувчи болаларга нутқ ўстириш, эшитув қобилиятини ривожлантириш, талаффузга ўргатиш бўйича турли талабларни эттирган дастурлар қўлланилади. Кар ва заиф эшитувчи болалар гуруҳлари нутқий ҳолатга кўра иккига бўлинади. Болаларнинг ақлий ривожланиш даражаси, қўшимча мураккаб камчиликлар (психик ривожланишининг сустлашуви, ақлий заифлик, хулқ-атвордаги бузилишлар ва б.) уларнинг таълимига дифференциал ёндашувни талаб этади.

1.3 Мактабгача тарбия ёшидаги болаларга таълим-тарбия бериш методлари

Мактабгача педагогикада метод деб, таълим-тарбия бериш мақсадида қўлланиладиган педагогик таъсир этиш услублари тушунилади. Метод ўз ичига болалар фаолиятини ташкил этиш ва унга рағбарлик қилишга қаратилган педагогик фаолият усуллари, шунингдек, тарбияланувчиларнинг фаолият турлари ва усуллари қамраб олади. (Л.А.Головчис). Ҳар бир методда ташқи ва ички томонлар фарқланади. Методнинг ташқи томони бу тарбияланувчи ва педагогнинг ҳаракат усуллари системасидир. Методнинг ички томони у ёки бу ҳаракат усуллари замирида ётадиган психик билиш жараёнларидан иборат. Методнинг у ёки бу аниқ элементларини усуллар деб номлаш қабул қилинган. Методни ташкил этувчи усуллар қанчалик турли-туман ва бой бўлса, ўқув-билиш ва ўқув-амалий вазифаларни ҳал этиш ҳам шунча

муваффақиятли амалга оширилади. Метод ва усул ўзаро диалектик алоқададир: методнинг таркибий қисми бўлган усул айрим ҳолларда метод сифатидан намоён бўлади. Метод ва усул ўртасидаги фарқ улар ёрдамида



ҳал этиладиган ўқув билиш вазифаларининг ҳажми ва табиатига боғлиқ: метод умумий ўқув вазифасини (ёки унинг йирик мантикий қисмини) бутунлай ҳал этишга, усул бирмунча кичикроқ вазифани ҳал этишга қаратилгандир.

Замонавий дидактикада болаларнинг фаолиятини, борлиқни билиш йўллари билгиларни кўргазмалар, амалий ва сўзли методлар қўлланилади. (А.В.Запорожец, Т.А.Маркова, В.И.Логинова, П.Г.Саморукова).

Ривожланишида нуқсонли бўлган болаларнинг мактабда уч турдаги Мактабгача таълимда қўлланиладиган этиладиган кўргазмалар методлар гуруҳига қўйиладиган: кузатиш, расмларни томоша қилиш, кинофилм ва диафильмларни намойиш қилиш, шунингдек, айрим ҳолларда мустақил методлари вазифасини бажарадиган баъзи усуллари: вазифа-намунаси, ҳаракат усулини кўрсатиш ва бошқалар қилиди (В.И.Логинова, П.Г.Саморукова).



Ўргатиш методлари-педагогикада қабул қилинган таърифга кўра қўйилган масалани ечиш учун танланган ягона йўл

сифатида таърифланади. У машғулотдаги боланинг ва дефектологнинг бутун фаолиятини ўргатиш усуллари-айрим ёрдамчи восита бўлиб, машғулотдаги фаолиятнинг хусусиятини аниқламайди, у таълимда тор маънодаги аҳамиятга эга. Айрим методлар машғулот ишининг умумий йўналишини аниқламай, балки усул сифатида намоён бўлади.

Мактабгача таълим муассасасида болаларнинг мустақил ишлари катта ўрин эгаллайди, фақат бу мустақил ишларга болаларнинг мураккаб муаммолар масалаларни ечиши қийин, чунки бундай мураккаб масалалар ўзоқ вақтни талаб қилади. Қолган методлар мактабгача ёшдаги болалар учун мураккаблик қилади, чунки уларнинг деярли барчаси муаммолар масалаларни ечиш билан боғлиқдир. Мактабгача таълим муассасаси учун ўзига хос бўлган асосий гуруҳни ўзининг усуллари ташкил этади ва бу ўринлардан турли методлар ичида фойдаланиш мумкин.

Кўргазмалар метод ва ўргатиш усуллари. Ривожланишида нуқсонли бўлган болаларнинг борлиқни билишда курув идрокнинг, кўргазмалар образли тафаккурининг аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда, уларнинг таълим-



тарбиясида кўргазмали методларни энг самарали метод деб ҳисоблаш мумкин. Кузатиш- мактабгача таълимнинг асосий, етакчи методларидан биридир. Бу методнинг етакчи аҳамияти шундаки, кузатиш жараёнида қуйидагилар амалга ошади: буюмлар ва атроф- муҳитдаги ҳодисалар ҳақидаги тасаввурлар шаклланади; б) бу метод мактабгача тарбия ёшдаги болаларнинг билиш имкониятларига мос келади; в) кузатиш методи кўпинча бошқа методлар билан бирга келади, ёки улар таркибига усул сифатида қўшилади. Билиш вазифаларининг характериға кўра кузатишнинг турли кўринишларидан фойдаланилади:

1. Буюм ва ҳодисаларнинг хусусиятлари ҳамда сифатлар (катталиги, қурилиши, шакли, ранги ва ҳоказо), шунингдек, кузатиладиган объектнинг бошқалари билан алоқаси ҳақидаги билимларни шакллантирувчи кузатишлар;

2. Объектларнинг ўзгариш ва қайта ўзгаришини кузатиш материалларнинг меҳнат фаолияти давомида буюмга айланиши, ўсимлик ва ҳайвонларнинг ўсиши ва ривожланиши, табиатдаги, одамлар меҳнати ва турмушидаги мавсумий ўзгаришлар ва ҳоказо). Бу кузатишлар мавжуд борлиғдаги жараёнлар, объектларнинг динамикаси, ўзаро ҳаракати ҳақидаги билимларни беради;

3. Ҳодисалар ва объектнинг белгилари ўртасидаги мантиқий алоқадорлигини ўрнатишга ёрдам берувчи кузатишлар(чуночи, болалар барглар рангига қараб йил фаслини, меванинг рангига қараб пишган-пишмаганини, ернинг рангига қараб унинг намлигини аниқлайдилар) Кузатиш методи болалар билан олиб бориладиган барча таълимий ишларда, чунончи машқулот ва

экскурсияларда, сайр ва кундалик қаётда, шунингдек, болалар билан алоҳида-алоҳида иш олиб борилганда фойдаланилади.

Кузатиш методининг самарадорлиги қуйидаги шартларга амал қилингандагина таъминланади:

1. Кузатиш объектларини танлашда, шаклланадиган тушунча ва тасаввурларни белгилашда болаларнинг ёш имкониятларини ҳисобга олиш. Бир қанча объектларони бараварига кузатиш, болаларга яхши тушунарли бўлмаган объектларни кузатиш мақсадга мувофиқ эмас.

2. Болалар олдиға қўйиладиган кузатиш вазифалари мақсадининг лўнда ва аниқлиги (вазифани қабул қилиш малакасининг шаклланганлик даражасига қараб) кузатиш мақсади асосланган бўлиши керак. Бунда кузатиш объектнинг ёрқинлиги, кўркемлиги ва ҳаракатчанлиги бевосита қизиқиш уйғотади ва беихтиёр диққатни тортади.

3. Кузатиш жараёнининг режали, изчил олиб борилганлиги туфайли кузатиш жараёнининг муайян стереотипини ишлаб чиқувчи ягона чизмага

амал қилишга эктиёж йўқ. Куатиш мантиқи қўйилган вазифанинг табиати, кузатиладиган объектларнинг кўринишларига, болаларнинг ёшига, объект билан танишганлик даражасига боғлиқ.

4. Болаларнинг юксак ақлий фаоллиги ва мустақиллиги. Бунга куатиш мақсад ва вазифасини аниқ-равшан қўйиш, унинг режаланганлиги билан, болаларни кузатиш учун вазият яратишга жалб этиш, шунингдек, текширув, изланиш меҳнат ва ўйин ҳаракатларини ташкил этиш билан эришилади. Кузатиш давомида тасдиқловчи ва изланиш табиатидаги саволларни бирга қўшиб олиб бориш, шунингдек, қиёслаш усулларини кенг қўлланиш ҳам болаларда ақилӣ фаоллик уйқотади.

5. Кузатишни аниқ ва лўнда гаплар билан олиб бориш. Кузатиш давомида объектларни кўрсатиб, уларнинг қисмлари, сифат ва хоссаларини оғзаки баён этади, ёзувли карточкаларни кўрсатади. Каттароқ ёшдаги болаларга номларни оғзаки-дактил баён этиш мумкин бўлади. Кузатиш давомида болалар билан суҳбатлашиш объектларни бир мунча аниқ идрок этишга, тасаввурларнинг бир қадар тўла ва онгли тарзда шаклланишига, луғат бойлиги ва нутқ алоқаларининг ривожланишига ёрдам беради. Кузатиш давомида дефектолог тушунтиради, болалар томонидан кузатилган нарасаларни қисқача ҳикоя ёки ахборот билан тўлдиради. Кузатиш олиб бориш чоғида кузатиладиган нарсага қизиқиш уйқотишга ҳаракат қилинади, кузатишни ҳикоя, расмларни кўриб чиқиш билан тўлдиради. Кузатишдан аввал, болларинг диққати предметга жалб этилади, "қаранг" деган кўрсатма берилиб, қўл билан кўрсатилади.

Каттароқ ёшдаги болаларга нимага қараш, нимани кузатиш кераклига тушунтирилади. Педагог кузатиш давомида болалар олдида уларнинг ёшига мос эслаш, изланиш, умумлаштирувчи табиатдаги саволлар қўяди, ўйин, меҳнат, текширув ва изланишга оид ҳаракатларни қўлланишни ташкил этади. Кузатишни барча учун умумий объект билан ҳам, ҳар бир боланинг қўлига берилган алоҳида-алоҳида объектлар билан ҳам олиб бориш мумкин.

Расмларни кўздан кечириш (намойиш қилиш) мактабгача тарбия ёшидаги болалар таълим-тарбиясида улар билан расмларни кўздан кечириш алоҳида аҳамиятга эга бўлади. Шунингдек, диапозитив, диафильмлар ва кинофильмларни кўриш алоҳида аҳамиятга эга бўлади. Бундай ҳол мактабгача тарбия ёшидаги болалар билан олиб бориладиган таълимий ишлар мазмуни, шунингдек, улар билиш фаолиятининг асосий шакллар билан белгиланади.



Таълим-тарбия жараёнида расмларни кўриб чиқиш методидан

- хилма-хил дидактик, ўқув вазифаларни ҳал этиш учун;

- буюмлар ва атроф-муқитдаги ҳаёт ҳодисалари ҳақидаги тасаввурларини аниқлаштириш ва бойитиш учун;
- билимларини умумлаштириш ва системалаштириш учун;
- луғат бойлигини фаоллаштириш ва боғланишли нутқини ривожлантириш учун;
- эстетик идрокни шакклантириш, эстетик таассурот ва ҳис-туйғуларни бойитиш учун фойдаланилади.

Шуни таъкидлаш жоизки, ривожланишида нуқсони бўлган болалар ҳар доим ҳам расмлар мазмунини тўғри идрок эта олмайди, тасвирни реал буюм, ҳодиса, ҳаракатлар билан таққослай олмайди. Шу сабабли расмларни кўздан кечириш билан бирга, расм мазмуни бола учун тушунарли эканини расм чизиш, тегишли ҳаракат ва предметларни кўрсатиш воситасида аниқлаш мумкин.

Мактабгача тарбия амалиётида расмлар асосида суҳбат ўтказиш, ҳикоя тузиш, ижодий ҳикоя, расмларга ном ўйлаб топиш каби иш турлари ташкил этилади. Дефектолог зарур ҳолларда тушунтириш беради, болаларнинг ҳикоялари ёки фикр-мулоқазаларини тўлдиради.

Диапозитивлар, диафильм ва кинофилмларни намойиш қилиш Мактабгача тарбия ёшидаги болалар билан олиб бориладиган таълимий ишда ўқув экранидан фойдаланиш учта вазифани ҳал этишга ёрдам беради: болалар билимини кенгайтиради, улар нутқини ривожлантиради ва филмни онгли равишда чуқурроқ идрок қилишга қодир бўлган маданиятли томошабинни тарбиялайди.



Ўқув филмларни намойиш этиш қуйидаги тартибда олиб борилади:

1. Намойишдан олдин суҳбат ўтказилиб, унда болаларнинг кўрсатладиган ҳодиса ҳақидаги тажрибалари, билимлари жонлантирилади. Муҳокама сўнггида болалар олдига билишга оид янги вазифа қўйилади. Кейин филм кўрсатилади.

2. Фильм намойишидан сўнг болалар қисқа суҳбатда тенгқурлари ва устозла орасида ўз таассуротлари билан ўртоқлашадилар. Педагог ўртага фақат болаларнинг филм мазмунини қай даражада ўзлаштирганини аниқлашга имкон берувчи саволлар ташлайди, бу билан у уларга филм ғоясини аниқ тушуниб олишга, боғланишлар ўрнатишга ёрдам беради.

3. Бир неча кундан (3-4 кун) сўнг филмнинг қайта намойиши ўтказилади, бунда дефектолог намойиш олдидан болалар диққатини филмнинг етарлича идрок қилинмаган еки тушунилмаган жиҳатларига қаратади.

4.Такрорий намоишдан сўнг суҳбат ўтказилади. У ўз ичига филм мазмунини қайта ҳикоя қилиб беришни, унинг тақлилини муҳим ҳодиса ва улар ўртасидаги алоқаларни ажратиб кўрсатишни олади.

Шундай қилиб, мактабгача тарбия муассасаларида қўлланиладиган барча кўргазмали методларнинг мақсади болаларда буюмлар ва атроф-муҳитдаги воқелик ҳақидаги аниқ тасаввурларни шакллантиришдан иборатдир.

Кўргазмали методлардан фойдаланиш идрокнинг етакчи билиш жараёни сифатида ривожланишни, шунингдек, нутқ ва тафаккурнинг кўргазмали -ҳаракат ва кўргазмали-образли шакллариининг, мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг асосий фаолият турларининг, тасвирий ва меҳнат фаолиятининг ривожланишини таъминлайди.

Кузатиш методи тасвирий фаолиятга ўргатиш тизимининг умумий асосини ташкил қилади. Чунки у атроф-муҳитни ўрганишда, билиш, ҳамда уни акс эттиришда муҳим омил сифатида хизмат қилади. Болаларда қанчалик кузатиш, атроф-олам кўриниши билан алоқа ўрнатиш, умумийлик ва яқкаликни ажратиш малакаси ривожланган бўлса, шунча болалар ижодий қобилиятининг ривожланиши боғлиқ бўлади. Лекин кузатишнинг ўзи кўрганни тасвирлаб беришга тўла имкон бермайди. Болаларни тасвирлашнинг муҳим усуллариға, турли тасвирлаш материаллардан фойдаланиш йўллариға ўргатиш зарур. Кўргазмали метод ва ўргатиш усуллариға натурадан, расм репродукцияларидан, намунадан, бошқа кўргазмали қўлланмалардан фойдаланиш, алоҳида предметларни кўриб чиқиш, дефектолог тамонидан тасвирлаш усуллариини кўрсатиб бериш, болаларнинг бажарган ишларини машғулот якунида кўрсатиш, уларни баҳолаш киради.

Натурадан фойдаланиш. Тасвирий санъатда натурадан фойдаланиш деганда, кузатиш асосида предмет ёки кўринишни тасвирлаш тушунилади. Натурадан фойдаланиб ишланганда чизаётган кишининг кўзига нисбатан натуранинг қай ҳолатда турганини хисобға олган ҳолда маълум бир нуқтаи назардан туриб, предмет кўриниши тасвирланади. Бу натурадан олиб тасвирлаш хусусияти машғулот мобайнида ўзгача идрокнинг ривожланишиға кўмак беради. Бунда асосийси томашабиннинг идроки бўлиб, текисликда тасвирланган предмет (расм, аппликация) фақат бир тамондан идрок қилинади; лойдан буюм ясаганда ва қуриш-ясашда болаларда натурани ўгириб қуриш, ҳамда хажм-шаклни турли хил бурилишда таҳлил қилиш имкони бўлиши керак. Мактабгача ёшдаги болалар билан ишлашда натурадан фойдаланишнинг айрим хусусиятларини кўриб чиқамиз. Натура хотиранинг ишини енгиллаштиради, негаки тасвирлаш жараёни идрок билан бирлашади, яна эса у предметнинг шаклини, тузилишини, рангини тўғри тушиниб, етказиб бера олишға ёрдам беради. 4-5 ёшдаги мактабгача таълим болаларининг қобилиятларидан қатъий назар, мактаб ўқувчиси ёки рассомнинг натура билан ишлашиға нисбатан қараганда, болаларнинг тасвирланган объектни таҳлил қилишлари, шу натура билан ишлашларининг ўзига ҳос фарқи бор.

Мактабгача таълим ёшдаги болалар учун содда шаклли, аниқ чизмали ва қилишлари керак. Масалан: Болалар машинани ён томонидан, кўғирчоқни олдидан чизадиладар ва бунда хажмини етказиб беролмайдилар. Агар гуруҳда болалар сони кўп бўлса, барчасига тенг кўриниши учун 2-3 та бир хил предмет қўйилади. Дефектолог натурани болалар билан биргаликда деталларга ажратиб кўриб чиқади, бунда у таҳлил жараёнини осонлаштириб, ўз сўзлари, ҳаракатлари билан йўналтиради. Бу жараёни



маълум бир идрок маданиятини, ривожланган аналитик фикр юритишни талаб қилади. Бундай кўникмалар болаларда 5-6 ёшда ривожлана бошлайди. Бу ёшда болалар тасвирлаётган ишларини натурага нисбатан таққослашга уринадилар. Масалан: катта гуруҳда натурадаги арча шохларини тасвирлаётганда, болалар шохни фазода

жойлаштирадилар (вертикалика ёки қия ҳолатда) ва шохдаги шохчаларнинг сонини, ўлчамларини чап ва ўнг тамондан, тўқ ёки оч ранг билан чизадиладар. Натура сифатида тирик қушлар, ҳайвонлардан фойдаланиш мумкин эмас. Уларнинг ҳаракатлари, товушлари болаларни расм чизишдан чалғитади, болаларнинг предметни керакли ҳолатда идрок қилишларига, диққатларини бир нуқтага қаратишга ҳалақит беради. Шундай қилиб, ўргатиш методи сифатида натурадан фойдаланиш тасвирлашнинг бутун жараёнини ўз ичига мужассамлаштиради:

Натижадаги расм ва натурани таққослаш йўли билан баҳолаш: **Машғулотда предметларни кўриб чиқиш.** Кичик ва ўрта гуруҳларда кўпинча машғулот бошида алоҳида предметлар кўрсатилади. Болалар диққатини топшириққа қаратиш ва тасаввурларини жонлантириш мақсадида болаларга копток, лента (тасма), белкурак ва шу кабилар кўрсатилади. Машғулотнинг қолган вақти мобайнида эса болалар ўз тасаввурлари асосида чизадиладар. Улар расмларини кўрган предметларига нисбатан таққослай олмайдилар ва предметларни идрок қилишларига қайтиб мурожат қилмайдилар. Катта гуруҳда ҳам предметларни кўриб чиқиш учун имкон бўлади. Масалан: «Уч айиқ» эртаги мавзуси бўйича расм чизишдан ёки буюм яшадан аввал, дефектолог болаларга ўйинчоқ айиқни кўриб чиқишни, предмет шаклининг асосий хусусиятларини ва айрим қисмларнинг пропорция нисбатларини аниқлашни, сўнг предметнинг бурилишига нисбатан шу айрим қисмларнинг ўзгаришини кузатишни таклиф қилади. Болалар расм чизишда эртакнинг қайси эпизодини танласалар, айиқни ҳам шу эпизодга нисбатан мос ҳолатда тасвирлайдилар.

Намунадан фойдаланиш.

Намунадан фойдаланиш кўпроқ ўргатиш усулига тааллуқлидир. Намуна ўргатиш методи сифатида тасвирий фаолиятининг шундай турларида фойдаланиладики, қаерда атрофни идрок қилиш таассуротини мустахкамлаш



мақсади эса, балки шу фаолиятнинг айрим алоҳида моментларини ривожлантириш масаласи турса. Кўпроқ декоратив ва конструктив (аппликация) ишларида фойдаланилади. Декоратив–нақшни ҳосил қилиш усулига ўргатиш ва бадиий дидни ривожлантиришдир. Болаларнинг умумий эстетик дидларини ошириш учун чиройли предметларни томоша қилдириш керак. Масалан: гиламлар, ваъзалар, вишивкалар, ва хоказо. Декоратив расм чизиш машғулотларида болалар кўрган предметларини акс эттириб, улардаги нақшларни қайта чизибгина қолмай, балки мустақил равишда нақшларни акс эттириб, ёрқин ранг ва шаклларни мослаштириб чизишни ҳам ўрганадилар. Шунинг учун бошланғич босқичда болалар намунадан нақш элементларини чизиб оладилар, кейинчалик элементларни ўрнини ва рангини ўзгартириб борадилар. Болалар маълум бир малакага эга бўлганларидан кейин, бир неча хил намуналарни болалар ихтиёрига кўрсатиш мумкин. Баъзи машғулотларда дефектолог намунани кўяди ва болалар кўриб чиқиб, танишиб, дефектолог нинг кўрсатмасисиз мустақил равишда ишлайдилар. Предметли расм чизиш ёки буюм ясашда намуна 29 кўчириб олиш учун эмас, балки тасвирланаётган предмет ҳақидаги тасаввурни аниқлаш учун қўйилади.

Расмлардан фойдаланиш. Расмлар асосан болаларнинг атроф-мухит ҳақидаги тасаввурларини аниқлаш учун ва тасвирий усулларини, воситаларини тушунтириш учун хизмат қилади. Педагог ва психологларнинг ташвиқотлари шуни кўрсатадики, 2 ёшдаги болалар расмни предмет тасвири сифатида тушуниб



етадилар. Лекин расмдаги персонажларнинг ўртасидаги боғлиқликни, яъни ҳаракатларни тушуниш кечроқ, 4-5 ёшларда юзага келади. Масалан: 2 ёшли бола расмдаги ҳайвонларни «турибди» дейди, 4-5 ёшлигиси эса «гапиряпти», «юряпти», «келяпти» ва хоказо. дейди. Болаларнинг кузатишлари кўпинча қисқа муддатли бўлади (масалан: шаҳар шароитида ҳайвонларни кузатиш). Шунинг учун расмлардан фойдаланиш қайта идрок қилишга ва кейинги тасвир учун ҳарактерли бўлган энг асосийсини

аниқлашга ёрдам беради. Расмлар ана шундай шароитларда керак бўлади: керакли предмет қўл остида йўқ пайтида, ёки бўлмаса текисликда тасвирлашнинг айрим усуллари билан таништириш учун хизмат қилади. Масалан: дефектолог болаларга узоқлашган предметни тушунтириш учун расмни кўрсатади. Ҳаётда болалар шу узоқдаги предметларни бир чизикда жойлашган деб идрок қилсалар, расмда дефектолог узоқлашганини кўрсатиб, тушунтириб беради, 6 ёшдан бошлаб шу мақсад билан расмдан фойдаланиш мумкин. Расмни кўра туриб, бола ерни бир чизик билан эмас, балки кенг ер бўлаги билан чизишни, узоқлашаётган предметлар юқорида, яқиндагилари пастроқда ва қоғоз четига жойлашишини тушуниб етади. Расм машғулоти давомида болалар олдида қолдирилса, болалар тушуниб етмай нусха кўчиришга ўрганиб қоладилар. Бу ёшда эса болалар нусха кўчириш билан эмас, балки ижод билан расм чизишлари керак. Баъзида машғулоти давомида болаларга айрим деталларни аниқлаб олиш учун расмни кўрсатиш керак бўлади. Кейин эса расм олиб қўйилади, чунки болалар нусха кўчира бошлайдилар.

Болалар ишларини таҳлил қилиш. Болалар ўзлари бажарган ёки дўстлари бажарган ишни мустақил равишда таҳлил қилиб, баҳо беришлари 5 ёшга бориб тўла шаклланади. Кичик гуруҳдаги болалар ўз ҳаракатларини ва уларнинг натижаларини назорат қила олмайдилар, шунинг учун улар ўз ишларини бажараётган вақтда мамнун бўлган бўлсалар, уларнинг натижасидан ҳам мамнун бўлиши учун дефектологдан мақтов эшитишни кутадилар. Кичик гуруҳда дефектолог болаларнинг ишларини баҳолаётганда таҳлил қилмайди, балки 4-5 яхши бажарилган ишларни болаларга кўрсатади. Шу билан бирга қолган болалар ишларини ҳам мақтайди чунки мақтов болаларнинг ушбу машғулоти нисбатан қизиқишини сақлаб қолишга ёрдам беради. Расмларни кўрсатишнинг мақсади эса болаларнинг ўз ишларини натижасига жалб қилишдир. Ўрта ва катта гуруҳларда дефектолог болаларнинг ишларини кўрсатади ва камчиликларини айтиб ўтади. Болалар камчиликларини қанчалик кўра билсалар, шунчалик кейинги расмларини онгли равишда чизиб борадилар. Машғулоти якунида дефектолог болалар ишларидан бирини олиб, ижобий тамонларини кўрсатади. Масалан: «Рангларини яхши танлаганини-оч ранг билан тўқ ранг ёнма-ён яхши кўриниши, чизикларнинг озода ва аниқ чизилганлигини ва хоказа». Агарда камчиликлар кўпчилик болаларда учраса, шу камчиликни бартараф қилиш учун болаларга савол беради ва диққатини қаратади. Агарда бир боланинг камчилиги бўлса, у ҳолда яккама якка тушунтириш муносибдир, чунки жамоа олдида биргина боланинг ишини таҳлил қилиш фақатгина шу боланинг ўзи учунгина



тушунарли бўлади. Катта гуруҳда таҳлилга барча болаларни жалб қилмоқ зарур. Баъзида эса дефектологнинг ўзи баҳо беради. Масалан: яхши чизмайдиган боланинг ишидаги камчиликларни бошқа болалар айтишларини дефектолог олдиндан била туриб, ўзи аввал шу бола бажарган ишининг ижобий тамонларини айтиб ўтади. Вақтни тежаш мақсадида дефектолог 5-6 та боланинг ишини олиб, таҳлил қилади, фақат ҳар машғулотда бир хил болаларнинг ишларини олиб баҳолаш ярамайди. Чунки доимий мақтов асосида ўша болаларда хаддан ташқари ишонч, бошқалардан ажралиб туриш ривожланади. Ўта қобилиятли болалар билан уларнинг лаёқатларини ҳисобга олган ҳолда, алоҳида иш олиб борилади. Баъзида дефектолог таҳлил қилиш учун бажарилган ишларни болаларнинг ўзларига топширади. Бунда барча болаларнинг ишлари столга ёйилади ёки стендга маҳкамланади ва болалар ўзлари энг яхши бажарилган ишларини танлайдилар. Сўнг дефектолог таҳлил қилади. Кўпроқ болаларга (6 ёшда) ўз ишини натурага нисбатан ўзи баҳолашга имкон бериш керак. Чунки бола ўз ишига, ҳамда дўстларининг ишларига салбий тамондан баҳо беришга ўрганади.



Оғзаки метод ва ўргатиш усуллари.

Суҳбатнинг мақсади болалар хотирасидаги аввалги идрок қилинган образларни қайта эсга олиш ва машғулотга бўлган қизиқишини уйғотишдир. Болалар ўз тасаввурлари асосида ижод қиладиган машғулотларда суҳбатнинг роли каттадир. Суҳбат қисқа, мазмунли ва ҳис-

хаяжонли бўлиши керак. Дефектолог асосий диққатини машғулотда қилинадиган ишга қаратади. Болаларнинг мавзу бўйича ёки янги тасвирлаш усуллари ҳақидаги тасаввурларини аниқлаб олишдан аввал, суҳбат мобайнида ёки, суҳбатдан кейин дефектолог керакли предмет ёки расмни кўрсатади. Топшириқни бошлашдан аввал эса, иш усулини болаларга



кўрсатади **Суҳбат ўргатиш методи** сифатида 4- 7 ёшли болалар билан ишlashда асосий рол ўйнайди. Кичик гуруҳларда суҳбат болалар тасвирлашлари керак бўлган предметни эслатиш учун ёки янги иш усулини ўргатиш

учун керак бўлади. Бундай ҳолларда суҳбат тасвирлашнинг мақсадини ва вазифаларини болаларга яхшироқ тушунтириш учун хизмат қилади. Болаларнинг тасаввурлари ва хиссиётлари тез жонланиб, ижодий кайфиятлари тез йўқолиб қолмаслиги учун суҳбат метод сифатида ҳам, усул сифатида ҳам қисқа ва 3-5 минутдан ошмаслиги керак. Яхши уюштирилган суҳбат машғулотда мақсадга яхши эришиш учун қулай шароит яратади.

Бадий адабиётнинг образларидан фойдаланиш. Бадий образни ўзига мужассамлаштирган нутқ ўзига яраша кўргазмаликка эгадир. Масалан: Шеър, хикоя, топишмоқ ва хоказо. Ифодали ўқилган бадий асар ижодий кайфиятнинг ошишига, тафаккурнинг, ҳаёлнинг фаол ишлашига ёрдам беради. Шу мақсад билан бадий сўздан фақатгина ифодали ўқиш машғулотларида эмас, балки предметларни идрок қилгандан сўнг тасвирлаш жараёнларида ҳам фойдаланилади. Барча ёш гуруҳларда машғулотларни мақсадга йўналтирилган ҳолда топишмоқ айтишдан бошлаш мумкин. Масалан: «Боши тароқ, думи ўроқ». Бу топишмоқ орқали хўрознинг бошқа қушлардан чиройли тожиси, думини бетакрорлиги каби детал шакллари ажратилади. Баъзида кичик шеърларни ёки асарлардан парча ўқиш ҳам мумкин. Агар керак бўлса асарни ўқиш билан бирга оғзаки образга қўшиб натура ёки предметнинг тасвири болаларга кўрсатилади. Расм чизиш, лойдан буюм ясаш машғулотларида бадий асар ўқиш ҳар доим ҳам қўл келавермайди, уни бошқа ўргатиш усули билан алмаштирган маъқул. Чунки бола оғзаки сўзни эшитгандан кўра натурани кўрганида кўпроқ жонланади.

Дефектолог бадий образни танлаётганида жуда ҳам эҳтиёткорлик билан танлаш лозим. Негаки, тўғри танланган асар предметни, қиёфаларини кўриш идрокини ўз ичига олади (рангини, шаклини, ҳолатини). Масалан: «Буғирсоқ» эртаги орқали бўғирсоқнинг образи, «Олтин балиқ» эртаги орқали эса балиқ образи янада ёрқинроқ тасвирланади.



Дефектологнинг кўрсатмалари ва тушунчалари. Дефектологнинг кўрсатмалари барча кўргазмали усуллари ўз ичига олади, ҳамда ўзи мустақил ўргатиш усули сифатида хизмат қилади. Кичик ёшдаги боғча болалари учун оғзаки кўрсатмалар камдан-кам берилади. Болаларнинг тасвирлаш малакалари етарли бўлмай, сезги анализаторининг иштирокисиз дефектологнинг кўрсатмасини тушунмайдилар (кўриш, эшитиш, қўл, там билиш сезгилари). Агарда болалар мустахкам кўникмага эга бўлсалар, дефектолог кўргазмали кўрсатмасиз тушунтириши мумкин. 5-6 ёшли болалар учун бир сўзнинг ўзи хотирадаги чизиш усули ҳақидаги тасаввурни

эслашга ёрдам беради. Дефектолог нинг кўрсатмалари бутун гуруҳ болаларига ва алохида болаларга қаратилган бўлиши мумкин. Бутун гуруҳ учун бериладиган кўрсатмалар машғулотнинг бошида берилади. Улар қисқа, лўнда, тушунарли бўлиши керак. Ўрта ва катта гуруҳларда дефектолог болалар топшириқларини қандай ўзлаштирганликларини билиш учун бирор боладан топшириқнинг кетма-кетлигини ва қайси усуллардан фойдаланиб бажариш кераклигини сўрайди. Бундай қайта сўраш яхши тушинишларига ёрдам беради. Кичик гуруҳда тушинтириб, кўрсатгандан сўнг, дефектолог яна ишни нимадан бошлаш кераклигини қайта эсга солади. Катта гуруҳда эса болаларга: нимани чизишини ёки ясашини, асосийси нимадан иборат, предметларни қандай жойлаштириш кераклиги ҳақида ўйлашни таклиф қилади. Болалар ишга киришгандан сўнг, дефектолог ҳар бир болага

кўрсатма беришга киришмасдан, балки ишга кириша олмаётган болаларга нима нарса тушунарли бўлмаганини сўраши лозим, бундай болаларга қайтадан вазифа тушинтирилади ва кўрсатма берилади. Ҳамма болаларга ҳам кўрсатма бериш зарур эмас. Кўрсатма



иккиланувчан, уялчанг, ўзига

ишонмайдиган болаларга керакдир. Юзага келадиган қийинчиликларни дефектолог ҳар доим ҳам олдиндан айтиб бериши керак эмас. Баъзи бир болалар ўзи мустақил бажаришига дефектолог нинг кўзи етса, у ҳолда дефектолог кўрсатма беришдан бош тортиши ҳам мумкин эмас. Асосийси, тасвирий фаолиятда бола қийинчиликка дуч келиб, уни ечишга йўл топа олиши керак. Кўрсатма шакллари ҳамма болалар учун ҳар хил бўлиши керак. Айрим болаларга мақтовли тон билан кўрсатма берилса, ўзига ишонган болаларга эса кўпроқ талаб қўйилади. Дефектологнинг кўрсатмалари тўғридан-тўғри, буйруқ шаклида бўлиши керак эмас. У болани ўйлашга, фикрлашга ундаши керак. Бола қилган хатони кўрсатиш билан бирга, тасвирнинг маъноси ўзгараётганига диққатни қаратиш лозим. Масалан: «Қизчанинг кўйлаги худди ғижимга ухшайди» (яхши бўялмаган), «Дарахтлар йиқилиб кетаётганга ўхшайди» (яхши жойлаштирилмаган), «Бу одам бирам катта, аммо уйга кира олмаяпти». Шу билан бирга хатони қандай қилиб тўғрилаш кераклигини айтиб бермаслик лозим. Боланинг ўзи фикр юритсин. Кўрсатма ёқимли товуш билан берилиши болаларнинг қизиқишини орттиради. Индивидуал кўрсатмалар бошқа болаларнинг диққатини жалб қилмаслиги учун пастроқ товуш билан берилади. Машғулот давомида қачон кўрсатма берилади? қачонки, кўпчилик болалар хатога йўл қўйсалар ва дефектолог барча болаларнинг диққатини ўзига жалб қилади ва қайтадан тушунтиради. Бундай машғулот давомида бериладиган кўрсатмаларни камроқ бериш керак, негаки у ижодий

фаолиятини бузади. Ўйинли ўргатиш усуллари. Тасвирий фаолиятда ўйин моментларидан фойдаланиш кўргазмали амалий ўргатиш усулига киради. Бола қанча кичик бўлса ўйин унинг тарбиясида шунча катта ўрин тутади. Ўйин усуллари қўйилган масалага нисбатан болаларнинг ишини диққатини яхши жалб қилади ва ҳаёл билан тафаккурнинг ишини енгиллаштиради. Кичик ёшдаги болалар учун ўйин машқларидан расм чизишда кенг фойдаланилади. Мақсад болаларнинг оддий чизиқли шаклларни чизишга ўргатиш, ҳамда қўл ҳаракатларини ривожлантиришдир. Болалар дефектолог нинг ортидан қўллари билан хавода, сўнг қоғозда турли чизиқларни чизадилар. Дефектолог : «болакай йўлда чопиб кетяпти», «машина юриб кетяпти» ва хоказа, деган иборалар билан тушунча ҳосил қилади. Образ билан ҳаракатнинг бирлашуви бола тамонидан чизиқларни ва содда шаклларни тасвирлаш малакасига эга бўлишни анча тезлатади. Кичик гуруҳда предметларни тасвирлашда ҳам ўйин усулларида фойдаланилади. Масалан: мехмонга қўғирчоқ келади ва болалар унга нозу- неъматлар ясайдилар, нон, пирог, печенье, ва хоказа. Бундай иш мобайнида болалар шарни яссиласига уринадилар. Ўрта гуруҳда болалар айикни юмшоқ ўйинчоғига қараб чизишлари керак. Шунда қизиқарли ўйин ўтказиш учун, айикча эшикни тақиллатади, сўнг болалар билан саломлашиб, болалардан унинг расмини чизиб беришларини илтимос қилади. Машғулот якунида у расмларни баҳолашда қатнашади ва яхши расмларни ўзи танлайди. 6 ёшли болалар билан ҳам тасвирлаш фаолияти давомида ўйинлардан фойдаланилади. Лекин кичик гуруҳга қараганда бу ўйинлар анча камаяди. Масалан: сайрда болалар ўзларининг фотоаппаратлари билан атрофни расмга оладилар: дарахтлар, қушлар, ҳайвонлар ва хоказа. Боғчага келиб, ўзлари олган «расмларни проявкага қиладилар ва расмларни чиқарадилар», яъни кўрганларини қоғозга тушурадилар. Дефектолог ўйиндан фойдаланганида бутун машғулотни ўйинга айлантириб юбормаслиги керак. Чунки бу болаларнинг диққатини топшириқни бажаришдан тортиб, кўникма, малакаларга эга бўлиш системасини бузади.

Амалий методлар. Амалий методлар. Болалар боғчасида ўқитишнинг амалий методлари гуруҳига машқлар, ўйин методлари (дидактик ўйинларни қўшган ҳолда) элементар тажрибалар ва моделлаштириш киради. Бунда болаларнинг билиш фаолияти оғзаки-мантикий тафаккур билан ўзаро алоқадаги кўргазмали-ҳаракат ва кўргазмали-образли тафаккурга асосланади.



Машқлар- бу берилган мазмуннинг ақлий ва амалий ҳаракатларини бола томонидан кўп мароталаб такрорлашдир. Машқлар моҳиятан билимларни амалга татбиқ этилиши бўлиб, у билимларнинг ўргатувчи ва ривожлантирувчи аҳамиятини белгилайди: болалар машқлар ёрдамида турли ақлий усулларни эгаллайдилар, уларда ўқув ва амалий кўникма ҳамда малакалар шаклланади: ақлий ва амалий заминдаги билимлар бирмунча мустаҳкам ва онгли бўла боради. Натижада болаларнинг билиш қобилиятлари мустаҳкамланади.

Билим ва кўникмаларни ўзлаштириш- узоқ давом этувчи жараён. У турли табиатидаги кўп мартали машқларни талаб этади. Педагог таълимий вазифаларга мувофиқ, болалардан тақлидий-ижрочилик, қуриш-яшаш ва ижодий даражасида бўлган фаоллик ва мустақилликни талаб қилувчи машқлардан фойдаланиши мумкин. Тақлидий-ижрочилик машқларни ташкил этишда болалар олдига ўқув-билиш вазифалар қўйилади, уни ҳал этиш усули, ҳаракат ва улар изчиллигини кўрсатилади, ҳамда натижани баҳолаш мезонлари кўрсатилади. Болалар машқларни кўрсатилган намунага кўра бажарадилар. Педагог такрорий машқлар пайтида ҳаракат усулларини ўзлаштириш даражасига қараб ҳаракатларни кўргазмали намоиш қилишни тобора кўпайтира боради. Бунда у уларни оғзаки эслатишлар билан алмаштиради, шу аснода болаларни ҳам ҳаракатларнинг табиати ва изчиллигини оғзаки белгилашга жалб қилади.

Болалар томонидан кўрсатилган ҳаракат усулининг етарлича ўзлаштирилиши қуриш-яшаш машқларига ўтишга имкон беради. Уларнинг ўзига ҳослиги ўзлаштирилган ҳаракат усулининг янги мазмунига, дастлаб унга яқинроқ, сўнг бирмунча ўзгачароқ мазмунга ўтишдан иборатдир. Бунда болалар ўзларига маълум ҳаракат ва операсиялардан тегишли ечим усулини яратадилар. Ижодий машқлар ўзлаштирилган усулларни янги шароитда фойдаланишни, шунингдек, болалар ҳали ўрганмаган янги ҳаракат ва операсияларни қўлланишни кўзда тутди. Оз даражадаги фаол ва мустақил машқлардан изчил равишда мустақил, ижодий машқларга ўтиш билим ва оқилона ҳаракат усулларини ўзлаштиришни ҳам, болаларнинг ақлий ва амалий мустақиллигининг ривожланишини ҳам таъминлайди.

Билимларнинг тасаввурлар даражасида шаклланиши машқлар жараёнида хилма-хил буюмлардан, ўйинчоқлар ва дидактик материаллардан "тарқатма" материал сифатида фойдаланишни талаб қилади. Болалар томонидан билимлар ва ҳаракат усулларининг ўзлаштирилиши кенг миқёсдаги буюм соҳасида амалга оширилади.

Буюмли машқлар жараёнида ҳаракатларни мослаштириш болаларни буюмлардан фойдаланилмайдиган соф ҳаракат табиатидаги оғзаки машқларга тайёрлайди. Болаларнинг ақлий тарбиясида нутқий машқлар алоҳида аҳамиятга молик, чунки бундай машқлар жараёнида ўз фикрини аниқ ва ёрқин ифодалаш, исботли мулоқазалар юритиш, равон сўзлаш каби кўникмалар шаклланади.

Мактабгача тарбия ёшидаги болалар таълимида ўйин машқлардан кенг фойдаланилади. Бундай машқлар ўз ичига мавжуд ҳаракат қатори тақлидий ҳаракатларни, ҳаёл қилинадиган

вазиятни олади. Ўйин машқлари болаларни, айниқса, кичик мактабгача ёшдаги болаларни қизиқтирилади, ижобий ҳис-туйғулар уйғотади, болаларда машқлар давомида баъзан юз берадиган чарчоқни ёзади.

Мактабгача тарбия ёшидаги болалар билан олиб бориладиган машқларнинг асосий қоидалари:

Болалар олдида қўйиладиган ўқув вазифасининг аниқ ва ёрқинлиги, бажариш усуллари кўрсатиш;

Кичкинтойлар ҳар бир элементни ёки операсияни катталар намойиш этиб бўлиши билан бажарадилар;

Ўрта ёш гуруҳидаги болалар бутун бошли машқни уни намойиш қилингандан сўнг намойиш эта олади, катта ёшли болалар ҳаракатларнинг айрим янги элементларни кўрсатган ҳолда оғзаки тушунтириш асосида бажара оладилар;

Машқларни болаларнинг кучига қараб аста-секин мураккаблаштириш;

Машқ натижаларини болаларнинг ёш ва ўзига ҳос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда табақалаштирилган ҳолда тақлил қилиш ва баҳолаш;

Машқлар давомида болаларнинг ўзини-ўзи назорат қилиш, унинг натижаларини ўзи баҳолашнинг мезонини белгилаш;

Машқларни турли ташкилий шакллардан(машғулотларда, кундалик ҳаётда, ялпи тарзда ва алоҳида-алоҳида) ҳилма-хил материаллардан фойдаланиб кўп марталаб такрорлаш;

Машқларни такрорлашни вақт бўйича тақсимлаш(у ёки бу кўникма ҳосил қилиб бўлингача, унутиб юбормаслик учун вақти-вақти билан машққа қайтиб туриш жоиз. Машқлар методлардан бири ҳисобланган ҳолда усл ўрнида қўлланиши ва бошқа методлар таркибига кириши ҳам мумкин.

Расм чизиш, лойдан буюм ясаш, аппликация турли методлардан, ҳамда ўргатиш усулларида фойдаланишни талаб қилади, шу жумладан болаларда кўникма малакаларни ҳосил қиладиган амалий методлардан ҳам фойдаланиш талаб қилади. Амалий методлардан асосийси бўлмиш, техник ва баъзан тасвирий малакаларни ўргатадиган машқлардир. Кичик гуруҳда бу машқлар болалар учун сезиларли эмасдир юмалок шакли предметларни ясашни ўрганиб, болалар коптокни, олмани, апелсинни ва шу каби предметларни ясайдилар. Йўллари, ёмғирларни чизиб, улар горизонтал ва вертикал чизиқларни чизишни машқ қиладилар. Катта гуруҳдаги болалар олдида эса, тўғридан тўғри маълум бир топшириқ қўйилади, чиройли ва тўғри штрих билан чизишга ўрганиш. Штрихлаб чизишни кўрсатиб бергандан сўнг, болаларга мураккаб бўлмаган предмет контурини (Масалан: уй, кўзиқорин, олма) чизиб олиб, уни озода қилиб бўямаслик расми хунук қилиб қўйишини биладилар ва сидқидилдан машқ қиладилар. Машқлардан тасвирий характерга эга бўлган топшириқларни тушиниш учун фойдаланилади. Масалан: дефектолог бир чизиқ билан инсон бошининг ёнмача қиёфасини чизишни кўрсатиб берганидан сўнг, болалар бир неча марта одам бошининг расмини қайта- қайта чизадилар. Дефектолог нинг вазифаси болаларнинг тасвирий фаолиятини шундай ташкил қилиш

керакки, у фаол ва ижодий бўлсин. Ҳар бир машғулот фақатгина дидактик вазифасини эмас, яъни маълум бир предметни тасвирлашни ўргатиш эмас, балки боладан ишни мустақил бажаришни ҳам талаб қилади. Шу мақсад билан дефектолог турли хил усуллардан фойдаланиши мумкин: маслахат, мактов,



топшириқни бажариш усулини кўрсатмаси (тўлиқ бўлмаган), ўйинчоқ кўрсатмаси, эслатма ва шу кабилар. Болани шундай ҳолатга қўйиш керакки, у ўйлаган ўйини бажариши учун ўзи йўл топсин. Шундай қилиб у ёки бу метод ва усулларни танлаш қуйидагиларга боғлиқдир:

Машғулот мазмунига ва машғулот олдида турган мақсадга, шу билан бирга, тасвирий фаолиятнинг вазифаларига;

Болаларнинг ёши ва ривожланиш даражасига;

Болалар фойдаланадиган тасвирлаш материалларига боғлиқдир. Атроф олам ҳақидаги тасаввурларни мустаҳкамлаш мақсадли машғулотларда, асосан оғзаки методлар қўлланилади: суҳбатлар, болаларнинг кўрганларини хотирадан қайта эслаш учун ёрдам берадиган саволлар. Тасвирий фаолиятнинг турли кўринишларида ўргатиш усуллари турличадир, чунки бир образ турли воситалар ёрдамида вужудга келтирилади. Масалан: мазмунли (мазмунли) мавзуларда композицияга ўргатиш вазифасини расмда картиналарга қараб тушинтирилади, узоқлашаётган предметлар юқорироқда, яқиндагилари эса пастроқда чизилади. Бу масала лойдан буюм ясаганда шаклларнинг уларнинг ҳолатига қараб жойлаштирилади; ёнма-ён ёки кетма-кет ва хоказа. Бу ерда алоҳида тушунча ёки кўрсатма бериш шарт эмас. Ҳар бир усулдан ўйлаб, машғулот олдида турган вазифаларга нисбатан, дастурда берилган машғулотнинг мазмунига нисбатан ва асосан ушбу гуруҳ болаларининг қай даражада ривожланганлигини ҳисобга олган ҳолда фойдаланиш керак. Машғулотда алоҳида метод ва усуллар кўргазмали ва оғзакилари-ўзаро қўшилади, мужассамлаштирилади ва бир-бирига умумий таълим жараёнида боғланади. Кўргазмалилик болалар тасвирий фаолиятининг моддий ҳиссий асосини янгилайди, сўз эса тўғри тасаввурни, таҳлилни, идрок қилинганларни ва тасвирлаётганларини умумлаштиришни шаклланишига ёрдам беради.

Ўйин методи ранг-баранг ўйин фаолияти компонентларини саволлар, кўрсатмалар, изоҳ ва тушунтиришлар, намоёниш қилиш ва хоказолар каби бошқа усуллар билан биргаликда қўлланилишини кўзда тутати. Ўйин методи таркибига кирадиган ўйиннинг асосий компонентларидан бири тўла, кенг тарзда ҳаёл қилинадиган ўйин вазиятидир. Масалан, болаларни боғланишли нутққа машқ қилдириш учун ўйинчоқлар доконидаги вазиятга таҳлид қилинади. Болалар сотувчи ва

харидор ролларини бажариб, бир-бирлари билан тегишлича муомала қиладилар, ўйин ҳаракатларини бажарадилар ва ҳоказо. Ўйин методи ўз таркибига ўйинчоқ ва ўйин материаллари билан бажариладиган ҳаракатларни, таҳлидий ҳаракатларни, буюмларни яшириш ва топиш ҳаракатларни олади. Буларнинг барчаси болаларда ижобий ҳис-туйқу кайфияти ҳосил қилади, улар фаоллигини, қизиқувчанлигини орттиради. Ўйин методидан фойдаланишда педагог етакчи рол ўйнайди: у ўқув вазифасининг мазмунини, ўйин ва амалий ҳаракатларнинг табиати ва изчиллигини белгилайди, топшириқни бажариш намунасини кўрсатади, тушинтиради, болалар йўл қўйқан хатоларни тузатади, шунингдек, саволлар ташлайди, болаларда фаоллик уйғотади, уларни мустақиллика ундайди. Ўйин методининг кўринишларидан бири дидактик ўйин ҳисобланади. Унда болаларнинг барча ҳаракатлари ўйин топшириқлари ва қоидалари билан бошқариб турилади. Ўйинга раҳбарлик қилиш болаларни ўйин мазмуни ва қоидалари билан таниқтиришдан, шунингдек, қоидаларнинг бажарилишини назорат қилишдан иборатдир. Дидактик ўйиннинг моҳияти шундаки, бу ўйин давомида қўшимча ахборот берилмайди. Шунинг учун ҳам бундай ўйинга маълумот бериш ва билимларни тўлдириш методи сифатида қарамаслик лозим. Унда мавжуд билимлардан фойдаланиш, уларни қўлланишнинг фаол жараёни кечади. Бу жараён билимларнинг такомиллашувини таъминлайди: қўлланиш туфайли билимлар янада мустақам ва онгли, тушуниладиган бўла боради. Дидактик ўйинлар чоғида фаол идрок юзага чиқади ва ўйин мазмунига қараб, таҳлил, қиёслаш, тавсифлаш, умумлаштириш каби хилма-хил ақлий операсиялар ҳам ривожланади болади. Бу ўйинлар диққатни бир жойга тўплашни, топқирликни, аниқликни, тез хотирлашни, фаолликни ва нутқни тушуниш ва ундан фойдаланишни талаб қилади.

Шундай қилиб, дидактик ўйинлар ўқитиш методи сифатида билимларни мустақкамлаш, уларни умумлаштириш ва системалаштириш, шунингдек, билиш жараёнларини такомиллаштириш ва ривожлантириш мақсадида қўлланилади.

Назорат саволлари:

1. Махсус мактабгача таълим муассасаларда таълим-тарбия ишини ташкил қилиш жараёнларини ўзига хослигини тавсифланг.
2. Эшитишида, кўришида ёки ақлий ривожланишида нуқсони бўлган ўқувчиларни нутқий жараёнларини ёритинг.
3. Ривожланишида нуқсони бўлган мактабгача тарбия ёшидаги болаларга таълим-тарбия бериш тамойилларини тавсифланг.
4. Мактабгача тарбия ёшидаги болаларга таълим-тарбия бериш методлариини ёритинг.
5. Мактабгача тарбия ёшидаги болаларга тарбия йўллари ва усуллари очиб беринг.
6. Дидактик ўйинлар ўқитиш методи сифатида билимларни мустақкамлаш, уларни умумлаштириш ва системалаштириш, билиш

жараёнларини такомиллаштириш ва ривожлантириш мақсадида қўлланилишини ёритинг

7.Оғзаки, суҳбат ўргатиш усуллар тузилмасига изох беринг..

Адабиётлар рўйхати

1. Florian Geyer. The Educational System in Belgium CEPS Special Report/September.ISBN 978-92-9079-921-4 Available for free downloading from the CEPS website <http://www.ceps.eu>)© CEPS, 2009.

2. Выгоцкий Л.С. Вопросы детской психологии. – М.: СПб. 1999.

3. Белтюков В.И. Взаимодействие анализаторов в процессе восприятия и усвоения устной речи (в норме и патологии) – М.: Педагогика. 1997.

4. Богданова Т.Г. Сурдопсихология. –М., 2002.

8. Л.Мўминова, Ш.Амурсайдова ва бошқалар Махсус психология -Т.: Фан ва технологиялар ,2013.

9. П.Пўлатова, Л.Нурмухамедова, Ш.Амурсайдова Махсус педагогика -Т.: Фан ва технологиялар, 2014.

10. З.А.Рахмонкулова, М.Файзуллаева, М.Нуриддинова. Мактабгача ёшдаги болаларни атроф-муҳит билан таништириш (*катта, тайёрлов гуруҳлари*учун). Методик қўлланма, Т., 2015.

11. Амирова. Г.А., Сулаймонов А.П., Джураева Б .Р. Мактабгача таълим муассасаларда апликация машғулоти. Т., 2014.

12. Р.Ш.Шомаҳмудова, Л.Р.Мўминова. Боғча ва кичик мактаб ёшидаги болалар талаффузидаги нуқсонларни тузатиш. – Т., 1981.

2-мавзу: Мактабгача ёшдаги болаларни мактаб таълимига тайёрлаш технологиялари

Режа

1. Ривожланишида нуқсонли бўлган болаларни болаларни мактаб таълимига тайёрлаш тамойиллари

2. Мактабгача ёшдаги болаларни мактабга тайёрлашда махсус мактабгача таълим муассаси ва оила ҳамкорлиги

Таянч тушунчалар: тақлид,мотор-ҳаракат асос, қўл моторикаси, нутқий фаоллик, лексик маъно, конверсияли алоқалар.

2.1.Ривожланишида нуқсонли бўлган болаларни болаларни мактаб таълимига тайёрлаш тамойиллари

Мактабгача тарбия ёшидаги болаларни ҳар томонлама камол топтириш ҳамда мактаб таълимига тайёрлаш- мактабгача тарбия муассасаларнинг асосий вазифасидир. Ривожланишида нуқсонли бўлган болаларни болаларни мактаб таълимига тайёрлаш қуйидаги тамойиллар асосида ташкил этилади:

1. Ривожланишида нуқсони бўлган болаларга таълим беришда уларнинг нутқини ўстириш вазифаси уларни ҳар томонлама ривожлантириб бориш негизида ҳал этилади.

Ривожланишида нуқсони бўлган болаларнинг нутқий ривожланиши уларнинг кундалик ҳаётида ҳамда таълим дастурида белгиланган барча фаолият турларинини ташкил этиш жараёнида ва уйғунликда таъминланиши зарур.

2. Таълимий, тарбиявий ва коррекцион вазифалар махсус йўналтирилган таълим воситасида ҳал этилади. Бунда таълим беришнинг умумий ва махсус метод ва усулларида фойдаланиб, эшитиш, кўриш ва билиш қобилиятининг бузилиши билан боғлиқ камчиликларни компенсациялаш вазифалари кўзланади.

Ривожланишида нуқсони бўлган болаларни болаларни мактаб таълимига тайёрлашда педагогнинг предметли ва нутқий хатти-ҳаракатларга тақлид қилишга ўргатиш, уларнинг диққатини сўзлаётган шахсларга жалб қилиш, тақлид асосида сўзлаш кўникмаларини шакллантириш кўзда тутилади. Педагог хатти-ҳаракатларига тақлид қилиш йирик ва майда моторикани ривожлантиришга қаратилган «Кўзгу», «Маймунчалар», «Мана шундай бажар» каби педагогик технология жараёнида ўргатиб борилди. Уларда болалар турли-туман ҳаракатлар ва тана ҳолатлари, юз мимикаси ва эмоционал ҳолатни такрорлашга ўрганадилар. Нутқнинг мотор-ҳаракат асосини яратиш, шунингдек, кейинчалик дақтил нутқ шаклини ўзлаштириш мақсадида асосий эътибор майда га қаратилади. Нутқни ривожлантиришга оид машғулотлар мавзуйи тамойилга риоя қилинган ҳолда ташкил этилади. Мавзуми, дастурда берилган мавзулар мазмунининг болалар ҳаётига яқин ва боғлиқлиги («Ўйинчоқлар», «Оила», «Мевалар ва сабзавотлар», «Озиқ-овқатлар», «Кийимлар», «Оёқ кийимлар», «Тана аъзолари», «Ҳайвонлар», «Жиҳозлар», «Идиш-товуқлар», «Байрам», «Об-ҳаво»), таълим муддатлари, муайян мавсумий давр билан боғлиқ ҳолда йил давомида такрорланиб келади. Теварак-атроф билан танишиш, ўйинлар, тасвирий фаолият жараёнида мана шу мавзулар бирдек эътибор марказида бўлдики, бу нутқий материал мазмуни устида иш олиб боришда пухта кўргазмали асос яратишга имкон берди. Тақдим этилувчи луғат материали турли маиший вазиятларда, болаларнинг эркин фаолиятида, дефектолог ва педагогнинг барча машғулотларида ишлатилади. Муайян мавзу бўйича нутқий материал ҳажмининг унча катта бўлмаслиги эътиборга олиб борилади. Бу материалларнинг болалардан турли фикрий ва нутқий фаолликни талаб қиладиган турли хилдаги ўйинларда, шунингдек, бошқа қатор иш турларида иштирок этишлари жараёнида кўп марталаб такрорланишига алоҳида эътибор қаратилди. Масалан, «Кийимлар» мавзуси бўйича машғулот ўтказишда ҳар хил кийимларни уларнинг номларини атаган ҳолда кўриб чиқиш, турли кўринишдаги кўйлақлар, шимлар ва ҳ.к. тасвирланган расмларни танлаш, қирқилган расм қисмларини жой-жойига қўйиб чиқиш, кийимларнинг етишмаган қисмларини чизиб тўлдириш, қўғирчоқларни

кийинтириш каби усуллардан фойдаланилади. Ана шундай педагогик технология билан сўз маънолари ва иборалар мазмунини асосли ўзлаштириш учун шарт-шароит яратилади.

Нутқий мулоқотни шакллантириш етакчи масалалардан бири бўлганлиги туфайли, ўрганиш учун тақдим этилган сўзлар, уларнинг маънолари аниқлаштирилганидан сўнг, нутқий мулоқот учун хос бўлган синтагматик алоқалар устида ишлаш мақсадида иборалар таркибига қўшиб борилади. Болалар билан мулоқотда педагоглар ўз нутқларини чекламадилар, ҳатто, анча содда ва кундалик турмушда кўп такрорланадиган ибораларни тушуниш болалар учун қийинчилик туғдиришини ҳисобга олиб, у ёки бу жиҳатдан кенг қўлланадиган базавий конструкцияларнинг маъноларини аниқлаштириш ва улар устида ишлашга кўпроқ диққат қаратадилар. Бундай конструкциялар аста-секин мураккабланиш асосида қўлланилади. Аввало, болаларнинг кундалик фаолиятини ташкил қилишга ёрдам берувчи оддий даъват конструкциялари қўлланилади: *Айланишга чиқ(-инг). Ухла(-нг). Қўлингни юв (арт). Қўғирчоқ (машина, шар)ни бер (ол, кўрсат). Кел, ўйнаймиз (расм чизамиз, уй ясаймиз).*

Таълим-тарбия жараёнида мулоқотга оид (коммуникатив) умумлашмаларни тушунишга ўргатиш таниш сўзлар ва иборалар билан катталарга мурожаат қилиш усули орқали амалга оширилади: *Ҳалима она, беринг (кўрсатинг, олинг).*

Иккинчи ярим йилликда нутқ жараёнига жумлаларнинг маъноларини аниқлаштириш ва ўзлаштириш учун таркибида ҳозирги замон феъли бўлган ибора-хабарлар киритиб борилади: *Ана у бола (хола, қиз бола) йиқилиб тушди (ухлаяпти, овқатланаяпти, югуряпти, ўтирибди).* Бундай конструкцияларнинг тушунилишини хатти-ҳаракатни расмда кўрсатиш ва унинг имитацияси (тақлиди) ни оғзаки ва ёзма шаклдаги глобал идрок этилаётган ибора билан қиёслаш жараёнида таъминланишига, шунингдек, феълларнинг лексик маъноларини шакллантириш учун ҳар бир сўз билдирган хатти-ҳаракатнинг турли тасвирлари намоёни этилишига диққат қаратилади.

Ялпи ва якка машғулотларда, илгари ўзлаштирилган нутқий кўникмаларнинг тез унутилишининг олдини олиш мақсадида, таълимнинг дастлабки босқичида эгалланган луғатнинг муттасил фаоллаштириб борилишига эътибор қаратиб борилади. Луғат янги сўзлар ҳисобига ҳам, таниш сўзларнинг янги шакллари қўллаш ҳисобига ҳам бойитиб борилади. Бунда сўзларнинг мавзулараро алоқалари, антонимик алоқалари (*кийин-эчин, ёқ-ўчир*), конверсияли алоқалари (*ташла – ил, ювинтираяпти – ювинаяпти*) ҳисобга олинади.

Турли мавзуларга оид машғулотларда болаларга таниш бўлган сўзларнинг кўплаб такрорланиши ҳамда янгиларининг киритилиши ва ўзлаштирилишига алоҳида аҳамият берилади. Феъллар ва сифатлар бошқа туркумдаги сўзларга нисбатан фаолроқ киритиб борилди. Шунингдек, болалар томонидан умумлаштирувчи сўзларнинг маъноларини яхшироқ

ўзлаштириб олишлари учун оғзаки нутқда «Ўйинчоқларни олиб кел», «Идишларни йиғиштир (кўрсат)» каби ибораларни қўллаш кўпайтирилади.

Сўзларнинг маъноларини яхшироқ эгалланиши мақсадида тарбияланувчилар нутқига антонимлар (*китобларни очинг – ёпинг, ручкаларни тарқат – йиғиб чиқ*), бутун ва унинг қисмларини билдирувчи сўзлар (*тулкининг боши, танаси, оёқлари, думи бор*) ҳам аста-секинлик билан киритиб борилади.

Болаларнинг нутқий кўникмаларини фаоллаштириш, мулоқот жараёнида ўзлаштирилган нутқ воситаларидан фойдаланиш мақсадида педагогларнинг болаларнинг сўз воситасида мулоқот қилишга бўлган интилишларини қўллаб-қувватлаб боришлари йўлга қўйилади. Бунга педагогларнинг болаларга нутқий хулқ-атвор намуналарини намоиш қилиш: саломлашиш, хайрлашиш, миннатдорчилик билдириш, болаларга илтимослар ва хабарлар билан мурожаат этишлари орқали эришиб борилди. Болаларнинг «*Неча ёшдасан? Қаерда яшайсан? Оилангизда (уйингизда) кимлар яшайди? Онангнинг исмлари нима?*» каби оғзаки ва ёзма саволларга жавоб бериб боришлари шу мақсадга йўналтирилади.

Машғулотлар, шунингдек, улардан ташқаридаги ишларда саволларни идрок этишга, жавобларда ўзлаштирилган нутқий материалдан фойдалана олиш кўникмаларининг шаклланишига алоҳида эътибор қаратилади. Шу мақсадда ишнинг яширин (яшириб қўйилган) предмет билан, кейинчалик эса ёпиқ расм билан ишлаш каби усулларида фойдаланишга ҳам кенг ўрин берилади. Аввало болалар яшириб қўйилган предмет ҳақида сўраб суриштиришга ўргатилса («*У ерда нима бор?*», «*У қандай?*», «*У каттами (кичикми)?*», «*Ранги қанақа?*» каби), сўнг катталарнинг парда ортида бажараётган хатти-ҳаракатлари («*Улугбек нима қиляпти?*»), шунингдек, расмлардаги қаҳрамонлар ҳақида («*У ерда ким бор?*», «*У бола нима қиляпти?*», «*Қайси бола?*», «*Унинг исми нима?*» ва ҳ.к.) сўрашга ўргатиб борилди. Бунга дастлаб болалар табличкаларни ўқиш ва педагогга тақлид қилиш орқали жалб қилиндаи.

Ўқитишнинг ижобий натижаси – деярли барча болаларда дастлабки **тасвирлаш** истаги, шунинг ўз мақсадларини сўз орқадан аниқлаш имконияти юзага келган. Болаларнинг баъзилари ишнинг бошланишига қадар қандай кетма-кетликда ҳаркат қилишларини айтиб беришга ҳаракат қилганлар. Аммо барча ишнинг босқичларини аввалдан режалаштириш катта гуруҳдаги Эшитишда нуқсонни бўлганболалар учун ҳам жиддий қийинчиликлар туғдиради, улар асосан энг яқин босқичларни аниқлаш билан чегараланадилар.

Ўқитишнинг энг муҳим ютуқларидан бири болаларда, нутқий ва шахсий алоққа киришиш хоҳишларини, таассуротлар билан алмашиши, биргаликдаги фаолиятнинг мазмуни бўйича келишиб олишларнинг юзага келишидир.

2.2 Мактабгача ёшдаги болаларни мактабга тайёрлашда махсус мактабгача таълим муассаси ва оила ҳамкорлиги

Мактабгача ва илк мактаб ёшидаги нутқий нуқсонли бўлган болаларнинг ижтимоий ўқитилиши, тарбияланиши билан бир нутқий нуқсонга эга бўлган болани махсус муассасага жойлаш билан кифояланиб бўлмайди. Ота – оналар ёки бола тарбияси билан шуғулланувчи бошқа оила аъзолари нуқсонли боланинг уйида бўлган вақтида дефектологик ишининг давомчилари саналиб унинг раҳбарлиги остида таълим – тарбия борасидаги келгуси барча ишлар учун замин ҳозирлайдилар. Боланинг компенсатор хусусиятига эга бўлганлигига таянган ҳолда сўзлашув нутқини ривожлантириш ҳамда коммуникатив малакаларини шакллантириш бўйича ишлар ташхис қўйилган илк кунлардан бошланиши самарали натижа беради.

Уй шароитида бола луғатининг бойишига, сўзлашув нутқи тўғри, талаффуз малакаларининг шаклланиши, билим ва тушунчаларининг кенгайишида турли – туман табиий ҳолатларни юзага келтиради. Агар ногирон бола мустақил равишда нутқни эгалламаган бўлса, мулоқотда нутқ қандай ёрдам беришини кўрсатиш жуда фойдалидир. Шунинг учун дастлабки айрим топшириқларни тушуниб бажаришга ўргатиш лозим. Масалан, “*тур*”, “*ўтир*”, “*бер*”, “*онангни олдига бор*”, “*олиб кел*”, “*кўрсат*” каби буйруқлар нормал тенгдоши ёки яқинларидан бирига берилиб, уларнинг ушбу топшириқларга хос ҳатти – ҳаракатлари кузатилади. Шундан сўнг ушбу вазифани бажариш ногирон боладан талаб қилинади. Ушбу машқлар бола томонидан тўлиқ равишда ўзлаштиргунга қадар такрорланиб турилиши лозим. Бола ўзига қаратилган сўзлар маъносига тушунаётганига ишонч ҳосил қилгач, ушбу сўзлар қоғозга ёзиб кўринарли жойга осиб қўйилади. Натижада атрофдагилар болага қайси сўзлар билан мурожаат этиш мумкинлигини билиб оладилар. Аста – секин сўз бирикмаларини турли предметлар номларидан фойдаланган ҳолда тузиш мумкин.

“*бер*”, “*олиб кел*”, “*кўрсат*”, “*олиб бор*” сўзларидан фойдаланиб, болага атрофни ўраб турган кўпгина предметларни билдирувчи: “*машинани бер*”, “*ручкани бер*”, “*дафтарни бер*” топшириқлари берилади. Бола топшириқларни бажариш жараёнида зарурий предметлар номларини ўзлаштира боради. Предметларнинг айнан ўзи бўлмаган ҳолда уларнинг расмларидан фойдаланиш мумкин. Ушбу сўзлар маъносини бола томонидан етарли даражада ўзлаштирилишини назарда тутган ҳолда бу машқлар турли ҳолатларда бир неча бор такрорланиши мақсадга мувофиқ бўлади. Бола у ёки бу сўзларни тушуна бошлагач улардан жонли мулоқотда фойдаланиш: “*кўрсат*”, “*қани*” сўзларидан китобчаларни кўришда “*олиб кел*”, “*олиб бор*” сўзларидан уй топшириқларини бажаришда, овқат тайёрлашда, ўйин вақтида фойдаланиш мумкин. Сўз заҳирасини бойитиш билан бир каторда ушбу сўзларни талаффуз этишга ўрганиб бориш лозим. Лекин ногирон боланинг нутқ товушларни ҳосил қилувчи нутқ органларининг

ҳаракатланиши барқарор бўлмаганлиги сабабли уни аста – секинлик билан фаолликка нутқий тортиш зарур. Ушбу босқичда бола “ *сенинг исминг ким ?* ”, “ *дадангни исми ким?* ”, “ *онанги исми ким ?* ” саволларига жавоб беришни билиш лозим. Бола жавобида талаффуз равшан бўлмаса – да , сўз шаклининг тўғри эгалланишига эътибор берилади, сўнг унли ва баъзи жарангли ундошларнинг тўғри талаффузига ўргатилиб борилади.

Бу даврда бола кундалик мулоқотда зарур бўлган атрофидаги предмет ва ҳодисалар туркуми билан таништириб борилади. Туркумлар қуйидагича бўлиши мумкин: “ *ҳайвонлар* ”, “ *мактаб* ”, “ *сабзавотлар* ”, “ *мевалар* ”, “ *кийимлар* ”, “ *ўйинчоқлар* ” ва ҳ.к.

Луғат заҳирасининг бойишида, экскурсиялар, дўкон, почта ва шунга ўхшаш муассасаларда бўлиши фойдали бўлиб, бу ерларда суҳбатга тортилади ҳамда боланинг диққати предмет ҳодисаларни ифодаловчи сўзларга жалб этилади. Сўз заҳираси бойишининг асосий манбаи уни ўраб турган атроф – муҳитдир. Шу сабабли ҳам бола ўзи мулоқотда бўлган предметлар ва шохиди бўлган ҳаракатлар, ҳодисалар ҳақида хабар беришига ҳар қандай йўллар билан эришиш лозим. Масалан, бола ўрнидан туриб кийинаётган вақтда унинг исмини келтирган ҳолда шундай дейиш мумкин: “ *Жаҳонгир ўрнидан турди* ”, “ *Жаҳонгир пайпогини кийди* ” ва ҳ.к. Дарс тайёрлаш вақтида эса қуйидагича: “ *Жаҳонгир ёзаяпти* ”, “ *Жаҳонгир расм чизаяпти* ” ва ҳ.к.

Агар бола яхлит гапни ўзлаштириши олмаётган бўлса, у ҳолда ҳар бир предмет номини алоҳида айтиш мумкин, кўйлак, пайпоқ ва ҳ.к. бир вақтнинг ўзида боланинг ювиниши ва кийиниши билан боғлиқ предмет ва ҳодисаларни кўрсатиб номлашга ўргатиш мумкин. Масалан: сув, совун, кўлни ювяпти, юзини ювяпти, тоза ва ҳ.к. (идиш – товоқ ва анжом номлари) пиёла, коса лаган, чойнак, қошиқ, пичоқ ва ҳ.к. билан таништириб бориш мумкин. Шу вақтнинг ўзида “ *Жаҳонгир овқат еди* ” дейиш мақсадга мувофиқдир.

Турли ҳодисаларнинг номини ўргатиш учун ҳар қандай кичик воқеалардан фойдаланиш кичик воқеалардан фойдаланиш жуда муҳимдир. Масалан, “ *йиқилиб тушди* ”, “ *сирғалиб кетди* ”, “ *куляпти* ”, “ *хурсанд* ”, “ *голиб бўлди* ”, “ *билиб олди* ” ва ҳ.к.

Сўз заҳирасини бойитиш манбаларидан яна бири ҳолат ва ҳаракатлар акс эттирилган воқеавий расмлар асосидаги суҳбатлардир. Бу ишни ўқитувчи бошлаши ва ота – оналар давом эттиришлари зарур. Бундай ҳикоялар расмлар тўплами мактабгача ва илк мактаб ёшидаги болалар билан машғулоти ўтказиш учун албом, китобча тарзида ота – оналар томонидан тайёрланиши самарали натижалар беради.

Турли қўғирчоқ, ўйинчоқ, ҳайвонлар ёрдамида бола билан “ *ошхонада* ”, “ *дўконда* ”, “ *ҳайвонот боғида* ” ва ҳ.к. ўйинларини уюштириш мумкин. Ота – оналар бундай ўйинни уюштиришда ўзи, бола ва ўйинчоқлар ўртасида ролларни тақсимлаши лозим. Ўйин жараёнида ўзлаштирган сўзларни такрорланиб, болага янги сўзлар ўргатилиб борилади.

Боланинг луғат заҳирасини бойитиб бориш лозим. Бунда ногирон бола аста – секин фикр ифода этиш усуллари эгаллаб боради.

Расмлар ёрдамида предмет ҳажмини билдирувчи сўзлардан фойдаланишга ўргатиш мумкин. Аввало болага турли ҳажмдаги ўхшаш предметлар кўрсатиш изоҳ берилади. Масалан: “ *катта – кичик копток, катта – кичик шкаф, катта – кичик уйча* ” ва ҳ.к. Бола катта ва кичик предметларнинг жуфтлигини куриш жараёнида “ *катта* ” ва “ *кичик* ” сўзларини ўзлаштиради.

Ранг номларини ўргатиш мақсадида турли хил ранглардаги ўхшаш предметлардан уларнинг расмларидан фойдаланиш мумкин. Рангли қаламлар билан ишлаш ҳам яхши натижа беради.

Предметларнинг хусусиятлари ногирон болалар томонидан бирдан ўзлаштирилмайди. Предмет хусусияти предмет билан чамбарчас боғлиқдир. Кам нутқий тажрибага эга бўлган бола предмет хусусиятлари туфайли бошқа предметлардан фарқли номига эга бўлишини ранг ва кам тушунчаларини қийинчилик билан тушуниб олади. Кўпинча бундай болалар нутқларида биз ушбу тушунчаларни қориштирилиб юборилишини кузатдик. Масалан “ *қизил* ” ўрнига “ *кўйлак* ”, “ *думалоқ* ” ўрнига “ *копток* ”, “ *ширин* ” ўрнига “ *конфет* ” ва ҳ.к. Ўхшаш хатоларнинг олдини олиш, бартараф этиш мақсадида дастлаб турли ранглардаги бир хил предметлар (масалан: шарлар, кубиклар, қаламлар) шундан сўнг бир хил рангдаги турли предметлар (қизил шарлар, қизил кубик, қизил қалам) ни кўрсатиш мумкин.

Ранг номларининг бола томонидан ўзлаштирилишини назарда тутган ҳолда унга “ *Кўк қаламни кўрсат* ”, “ *кўк қаламни бер* ”, “ *кўк қаламни қўй* ”, сўнгга “ *кўк қаламни кўрсат* ”, “ *қизил қаламни кўрсат* ”, “ *қора қаламни ол* ” ва ҳ.к. буйруқлар берилади.

Шунингдек, ранг номларини онгли қўллашга эришиш мақсадида “ *қандай ?* ” савол бериб турилишига “ *қандай қалам ?* ”, “ *қандай қоғозлар ?* ” болани эса бир сўз билан жавоб беришга ўргатиб бериш лозим (қизил, яшил ва ҳ.к).

Боланинг ўргатувчи катталарга ундаш, буйруқ билан мурожаат этишга рухсат этилиши ҳам ранг номларини, ҳамда уларнинг талаффузини ўзлаштиришларига имконият яратади.

Предметларнинг хусусиятлари устида ишлаш жараёнида узунлик (узун – қисқа), кенглик (кенг – тор, баланд – паст), йўғонлик (йўғон – ингичка), чуқурлик (чуқур – саёз), оғирлик (оғир – енгил) тушунчалари юқоридагича предметларни таққослаш жараёнида ўзлаштирилиши мумкин.

Шуни айтиб ўтиш лозимки, номланган хусусиятлари ҳақида тушунчалар болага бир вақтда маълум қилинмайди. Бола сўз заҳирасини тартиб билан аста – секин ўзлаштириши лозим. Масалан: предметнинг қандай ашёдан эканлиги (пластмасса, ёғоч, темир ва ҳ.к) нисбатан кейин ўргатилади.

Кейинроқ бола билан кўрсатмали равишда намоёниш қилиб бориш мумкин бўлган хусусиятлар устида ишланди. (масалан: раҳмдил – раҳмсиз,

шод – хафа, қизиқарли – зерикарли) бу ишни олиб боришда ҳам ҳар бир сўзга оид бир неча сўз бирикмаларини танлаган ҳолда махсус шароитларни яратиш зарурдир. Қизиқарли китоб, қизиқарли мултифилм, қизиқарли ҳикоя ва ҳ.к.

Юқорида тилга олинган иш турлари ногирон болалар нутқларини ривожлантириш борасида ота – оналарга методик йўлланма сифатида хизмат қилади.

Бола нутқи устида мунтазам шуғулланиш акли заиф, Ривожланишида нуқсонли бўлган болаларнинг нутқий нуқсонларини бартараф этишга, демакки, жамиятнинг фаол шахси бўлиб етишишига, ҳаётда ўз ўрнини топишга самарали таъсир кўрсатади.

Алоҳида эҳтиёжли болаларни таълим- тарбияси махсус муассасаларда амалга оширилса-да, бундай болаларни таълим-тарбиясида оила асосий ўринда туради. Шунинг учун ҳам фарзанд қай ҳолатда бўлишидан қатий назар уни ўқитиш ва тарбиялаши, жамиятга мослаштириш, нуқсонларини имкони борича тўғрилаш йўллари излаб топишлари шарт. Кўпинча ота-оналар ўз фарзандини нуқсонини аниқлашда ва унга тиббий, психологик, педагогик ёрдамларни ташкил этишда етарлича билимга эга эмас. Ҳозирги кунда эса турли хил методик тавсиялар, ахборот, матбуот воситалари орқали бундай болалар билан шуғулланиш учун машғулотлар тарғибот қилиниб, маслаҳатлар бериб боришмоқда.

Хулоса шуки ҳар қандай имконияти чекланган болага оилада илк ёшдан эътибор бериб ундаги нуқсонларни бартараф этиш, тарбиялаш, даволаш ва коррекцион педагогик омилларни болани нуқсон турига кўра қўллаб билиши ва ўқув методик адабиётлардан фойдаланиб, мунтазам равишда мактабгача ва мактаб таълимига тайёрлаб борилса, кейинчалик бу болалар махсус таълим тизимида чегараланиб қолмасдан, балки улар барча тенгдошлари қатори умумтаълим тизимида ҳам ўқиш имкониятига ҳам эга бўлади. Бундай ҳамкорликнинг заифлиги туфайли айрим ривожланган мамлакатлардаги каби ногирон болаларни оила шароитида ўқитишдан хайрли иш бизнинг республикамизда камдан-кам қўлланилмоқда. Бу фақат махсус таълим мутахассисларининг вазифаси бўлиб қолмай, балки давлат ва жамоатчилик даражасидаги енг муҳим ва савобли иш бўлмоғи лозимдир.

Жаҳон миқёсидаги тарғибот этилаётган интеграция инклюзив усулидаги таълимни жорий қилиш яъни айрим ногиронларни, соғлом болаларга бириктириб ўқитишни ташкил қилиш йўл-йўриқлари аниқлаш ҳаётий эҳтиёжга айланмоқда.

Жамиятнинг имконияти чекланган шахсларга ғамхўрлик кўрсатиши замирида, уларни ижтимоий, маънавий, ахлоқий ривожлантириш ва соғломлаштиришдан иборат. Кўпгина мамлакатларнинг мутахассислари имконияти чекланган шахсларни айниқса болаларни ижтимоий реабилитациясини, соғлигини тиклаш, ижтимоий ҳаётга фаол қатнаши, иш қобилиятини тиклаш ва соғлом жамиятга тайёрлашнинг самарали дастурини ишлаб чиқиш йўллари изламоқда. Бу вазифа анча мураккаб албатта бу муаммони ҳал қилиш учун барча соҳа мутахассислари:

шифокорлар, психологлар, педагоглар, дефектологлар, спорт ва маданият соҳасида фаолият кўрсатувчи мутахасислар, ижтимоий ходимлар ва бошқаларнинг, ҳамкорликда илмий тадқиқотларни, бирлаштириб комплекс равишда олиб бориш мақсадга мувофиқдир.

Нуқсонли болалар ота-оналарига ўз педагогик маслаҳатлар бериш ҳамда улар билан узвий алоқада бўлиш мақсадида имконияти чекланган болаларнинг ота-оналари учун “Ота-оналар университети” клублар, марказлар ва ассоциациялар очиб унинг тармоғини кенгайтириб семинар, давра суҳбатларини ўтказишни фаоллаштириш масалаларига ҳам эътибор қаратиш давр талабидир.

Назорат саволлари:

1. Мактабгача ёшдаги болаларни мактаб таълимига тайёрлаш технологиялари тавсифланг.
2. Ривожланишида нуқсони бўлган болаларни мактабга нутқий тайёрлаш жараён мазмунини ёритинг.
3. Ривожланишида нуқсони бўлган болаларни мактабга тайёрлаш тамойилларини тавсифланг.
4. Ривожланишида нуқсони бўлган болаларни мактабга тайёрлаш методларини ёритинг.
5. Ривожланишида нуқсони бўлган болаларни мактабга тайёрлашда махсус мактабгача таълим муассаси ва оила ҳамкорлигини ёритинг

Фойдаланган адабиётлар :

1. Выготский Л.С. Вопросы детской психологии. – М.: СПб. 1999.
2. Белтюков В.И. Взаимодействие анализаторов в процессе восприятия и усвоения устной речи (в норме и патологии) – М.: Педагогика. 1997.
3. Богданова Т.Г. Сурдопсихология. –М., 2002.
4. Боровлёва Р.А. Родителям маленьких оглохших детей (начало коррекционной работы с детьми, потерявшими слух в 2,5 – 3 года) // Дефектология, -2004. -№.4 -с. 78-82.
5. Зыкеев А.Г. Формирование и коррекция речевых навыков и умений в употреблении сложносочиненных предложений младшими школьниками с нарушениями в развитии //Дефектология. -2005. - №3. – с. 67-75.
6. Коррекционное обучение как основа личностного развития аномальных дошкольников / Под ред. Л.П.Носковой. – М.: Педагогика, 1999.
7. Л.Мўминова, Ш.Амирсайдова ва бошқалар Махсус психология -Т.: Фан ва технологиялар .2013.
8. П.Пўлатова, Л.Нурмухамедова, Ш.Амирсайдова Махсус педагогика -Т.: Фан ва технологиялар, 2014.

3-мавзу: Махсус мактабгача таълим тизимида коррекцион ишлар самарадорлигини ошириш йўллари

Режа

1. Махсус мактабгача таълим тизимида коррекцион ишлар мазмуни

2. Махсус мактабгача таълим тизимида коррекцион ишлар самарадорлигини ошириш йўллари

таянч тушунчалар: Нутқ, товуш маданияти, таълим тизими, коррекцион ишлар, самарадорлик, йўллар, усуллар, машқлар.

Махсус мактабгача таълим тизимида коррекцион ишларга доир бир канча вазифалар товуш талаффузи, суръати, дикция, тасвирийлик ва имфодалиликни шакллантиришнинг асосий йўли ишнинг фронтал шаклидир. Бундан болалар боғчасининг ҳамма гуруҳларида фойдаланилади. Бу иш аввало машғулот формасида амалга оширилади ва унга ҳар хил мазмундаги машқлар киритилади. Товуш талаффузи, нутқда нафас олиш, эшитиш машқлари ҳар куни олиб борилади. Баъзи машқлар нутқ ўстиришга оид бошқа машғулотлар жумласига киритилади. Кичик гуруҳларда болалар билан олиб бориладиган ишлар фронтал тарзда ҳамма болалар билан ўтказилади. Шунингдек индивидуал тарзда ҳам олиб борилади. Болалар билан йил давомида ундош товушлардан п, б, м, н, т, д, қ, к, г, ф, в, н сирғалувчи с, з унли товушлардан а, о, у, и, ў, э ларни талаффузи нутқ орқали нафас олиш, эшитиш идрокини, нутқ аппаратининг ҳаракатини, нутқ аппаратини ривожлантирувчи шовқинли товушларни талаффуз этишга тайёрлаш ишлари олиб борилади. Товушларни мустаҳкамлаш машқларини бошқа машғулотларга қўшиб олиб бориб, унинг таркибий элементи ёки махсус қисми сифатида киритиш мумкин. Масалан: машғулотларнинг биринчи қисмида «Қўғирчоқни ухлатамиз» дидактик ўйин ўйналса, иккинчи қисмида эшитиш идрокини ўстирадиган машқлар бажарилади. «Овозидан топ» ўйин ўйналади (4-5 дақиқа) эшитиш нутқини, диққат билан эшитишни, нафас олишни, нутқ аппаратининг ҳаракатини ривожлантирувчи машқлар эрталабки, кечки соатларда, сайр вақтларида ўтказилади. Ўрта гуруҳда қийин товушларни талаффуз қилишга ўрганиш махсус машғулотлари бир неча қисмдан иборат, бир мазмунга бирлашган ҳолда тузиб ўтказиш яхши натижа беради. Масалан: машғулотларнинг биринчи қисмида болалар олдида ўқув вазифаси қўйилади. - ш товушни айтишга ўргатиш: бунда товуш артикуляцияси кўрсатилади, тушунтирилади ва болаларга машқ қилдирилади. машғулотнинг иккинчи қисмида эса болалар шу товушнинг талаффузини сўзларда (шамол, шаҳар, эшиқ мушук бош, тош, йўлдош) машқ қиладилар. Бу қисм дидактик ўйин, драмалаштирилган ҳикоя, инсценировка шаклида берилиши ҳам мумкин.

Нутқнинг товуш маданияти устида ишлаш катта ва тайёрлов гуруҳларида давом эттирилади. Системали равишда олиб борилган ишлар натижасида мактабга тайёрлов гуруҳидаги барча болаларда она тилидаги ҳамма товушларни тўғри талаффуз этадиган бўлишлари лозим. Лекин шунга қарамай, катта ва тайёрлов гуруҳларида ҳам машғулотлар ҳамма

болалар билан фронтал тарзда ўтказилади. Бунда махсус машғулотларнинг мақсади ўзгаради. Бунда болалар товушларни тўғри талаффуз этишни машқ қиладилар ва уларда нутқдаги товуш маданиятининг бошқа томонлари (турли овоз кучидан, турли нутқ суръатидан фойдалана билиш) тарбияланади. Мактабгача тарбия ёшидаги Ривожланишида нуқсони бўлган болаларга турли нутқ товушлари: шеър ўқиш, тез айтиш, сўзлар, мақолалар, саноклар қайта ҳикоя қилиш, суратларни ифодалаш асосида товушларни тўғри талаффуз этишни машқ қилдириб бориш лозим. Катта гуруҳларда ҳафтада 2-3 марта машғулотлардан ташқари вақтда коллектив бўлиб ўйналадиган ҳаракатли ўйинлар, нафас, эшитишни ривожлантирувчи такрорий ўйинлар ўтказилади. Катта гуруҳларда фронтал ишдан ташқари товуш талаффузида нуқсонни бўлган болалар билан индивидуал тарзда қўшимча машғулотлар жорий қилинади. Текширувлар ўтказилгач талаффуздаги нуқсонларига қараб болалар гуруҳчаларга ажратилади. Масалан: Анвар, Насиба, Дилбар р товушини талаффуз эта олмайдилар. Дефектолог бу болалар билан ҳар ҳафтада 2-3 марта қўшимча машғулотлар ўтказади (эрталабки ёки кечки соатларда). Бу машғулотларнинг ҳар бири 10-12 дақиқа давом этади.

Масалан:

1. Тўғри гапиришни ўрганишни зарурли ҳақида суҳбат.
2. Товуш артикуляциясини кўрсатиш ва тушунтириш.
3. Шу товушни талаффуз этишни болалардан сўраш

Эшитув идрокини шакллантириш.

Нутқнинг товуш томонини ўзлаштиришда эшитиш бошқарувчи анализатор ҳисобланади. Фонематик эшитувнинг ривожланиши боланинг она тилидаги товушларни, айниқса, сўзнинг товуш тизимини тез ва тўғри ўзлаштириб олишларида муҳим аҳамият касб этади. Сўзнинг товуш таркибини тўғри идрок қилиш уни тўғри эслаб қолишнинг асосий омилларидан биридир.

Мактабгача ёшдаги Ривожланишида нуқсони бўлган болаларда эса фонематик идрок кеч шаклланади. Болалар атрофдаги одамлар нутқидаги товушларни фарқлай олмайдилар, янги сўзларни ўзлаштира олмайдилар, артикуляцион жиҳатдан ўхшаш товушларни яхши ажрата олмайдилар. Фонематик идрокнинг яхши шаклланмаганлиги бир товушни иккинчи товушга алмаштиришга, сўзнинг товуш таркибини анализ қилишда қийинчиликларга олиб келади.

Махсус ташкил қилинган машғулотларда мактабгача ёшдаги Ривожланишида нуқсони бўлган болаларнинг фонематик идрокини шакллантиришда товушларни аниқлаш, сўздаги товушларни ажратиш, сонини, ўрнини аниқлаш ишларини олиб бориш лозим.

Эшитув идроки болада эрта ривожланади. 2-3 ҳафталик меъёрда ривожланаётган болада нутққа, овозга нисбатан баъзи бир терма реакция бошланади.; 5-6 ойларда у интонацияга, кейинчалик нутқнинг ритмига эътибор беради. 2 ёшга етганда она тилидаги ҳамма товушларни эшитади ва уни бир-биридан ажрата олади. 2 яшар болада эшитиш нутқи таркиб

топган деб ҳисоблаш мумкин, чунки у она тилидаги ҳамма товушларни ажратади, эшитиш нутқининг бундай даражада бўлиши нутқ орқали амалий алоқа қилиш учун етарлидир.

Товушларни анализ қилиш ёки фонематик идрок қилиш, сўзда қайси товуш эшитилганлигини ва миқдорини аниқлаш қобилияти текшириш мақсадида ҳамма ёш гуруҳларида эшитув идрокини таркиб топтириш иши олиб борилади.

Эшитиш диққатини ривожлантиришда дидактик ўйинлар муҳим аҳамиятга эга. Кичик гуруҳларда эшитув идрокини таркиб топтириш машғулотларида музика асбоблари, овоз чиқарадиган ўйинчоқлардан фойдаланилади. Улар воситасида болалар овозининг кучи ва характерини ажратишни ўрганадилар. Масалан: «қаерда чалинди?» ўйинида бир бола кўзини юмиб, қай томонда қўнғироқнинг овози келаётганини қўли билан кўрсатиш керак. Агар бола тўғри топса тарбиячи «тўғри!» дегандан кейин кўзини очади. Қўнғироқни чалган бола қўлини кўтариб, қўнғироқни кўрсатади. Агар янглишса, топиш учун унга яна бир марта имкон беради, сўнг бошқа бола ўйинга чиқарилади. «Топ-чи, нимани чалдилар?» ўйини ҳам кенг тарқалган ўйинлардан биридир. Катта гуруҳларда эшитиш идрокини ўстириш фақат шунга ўхшаш ўйинлардангини эмас, балки радио, грампластинкалар эшиттириш усулидан ҳам фойдаланилади. «Бир мунча тинчлик» ўйинини тез-тез тажриба қилиб кўриш, уни «Ким кўп эшитади», «Хонада нима ҳақида гаплашаётирлар» деган машқлар билан алмаштириб туриш лозим. Бу машқлар давомида алоҳида болаларга эшитган нарсаларни талаффуз эшитишни таклиф қилиш мумкин. (жўмракдан сув томчилаяпти, кўчада машина шовқини эшитилди, чумчук чирқиллаяпти ва бошқалар). Нутқ ва сўздаги товушларни идрок қилиш ва яхши тушуниш учун эшитиш нутқини ривожлантирувчи ўйинлар, масалн: «Мен нима дедим, топ» дидактик ўйини ўтказилади. Дефектолог болалардан бир неча метр нарида туради, кейин болалар эшитиб топишлари учун лозим бўлган сўз ёки жумлани аввал секин, кейин шивирлаб талаффуз этади. Болаларга ўйин қоидаси тушунтирилади: «Мен бир сўзни секин айтаман, сиз диққат билан эшитинг ва нима айтганимни топинг. Мен кимни чақирсам, шу бола нима эшитганини аниқ ва баланд овоз билан айтиб беради» Кичик гуруҳларда бу ўйин дастлаб кўрсатма материаллар билан ўтказилади. Дефектолог болалар олдида турган ўйинчоқларнинг номини секин айтади ва болаларга қийин бўлмаган топшириқ берилади. («Дилбар қўғирчоқни каравотга ётқиз», «Қосимжон байроқчани вазага қўй»). Дефектолог бу топшириқларни болаларга қараб туриб, бу эса болаларни айтилган сўзларнинг артикуляциясини кўриб, тез топишларига ёрдам беради. Бир неча такрорланишдан сўнг ўйин топшириғи мураккаблаштирилади. Дефектолог сўзни болаларнинг орқасида туриб талаффуз этади, топшириқ бир марта айтилади. 4-5 бола чиқиб нима эшитганларини айтади, сўнг ким тўғри топганини аниқланади. Катта гуруҳларда бу ўйин вариантлари анча мураккаблаштириб ўтказилади. Дефектолог болаларга эшитиши жиҳатидан бир-бирига яқин бўлган сўзни

топишларини таклиф қилади. (Масалан: кўк-кўп, йил-йўл, сув-сут, тиз-тис, туз-тус) «Мен нима дедим, топ» ўйини 3-7 дақиқа давом этади. Овоз суръатини фарқ қилиш учун турли вариантлардаги ўйинлардан фойдаланилади. Масалан: «Топ-чи, ким чақирди?» деган ўйинда болалар ўртоқларини овозларидан топадилар. Болаларга қандай чақирганлигини (секин, қаттиқ, тез, мулойим) аниқлаш топшириғи берилади. Дефектолог ўйинда қўлланиладиган сўзларни олдиндан танлаши лозим. Танланган сўзларнинг мазмуни болаларга таниш бўлиши, биринчи навбатда танланган сўзлар товуш таркиби жиҳатидан қийин бўлмаслиги, сўнг овоз чиқариш (эшитиш) жиҳатдан осон. Лекин мазмуни ҳар хил бўлиши лозим. (Масалан: сув-сут, тиз-туз).

Эшитув диққатини ривожлантириш бўйича машғулотлардан намуна келтирамиз.

Ўйинчоқни топ» ўйини.

Болалар ярим доира шаклида ўтиришади. Тарбиячи яширилиши лозим бўлган ўйинчоқни болаларга кўрсатади, сўнгра болалардан биттасини чақиради. Чиққан бола юзини тескари ўгириб ёки кўзини юмиб туради. Бу вақтда тарбиячи ўйинчоқни болалардан бирортасини орқасига яширади. Тарбиячи бўлди дейиши билан чақирилган бола ўтирган болаларни олдига яқинлаша бошлайди. Болалар эса секин-секин чапак чала бошлашади. Бола ўйинчоқ яширилган жойга яқинлашиб келса, чапакни тез-тез, баланд чалишади, агарда ўйинчоқ яширинган жойдан узоқлашса, чапак садоси яна пасаяди. Товушнинг кучи билан бола ўйинчоқ қайси боланинг орқасида эканлигини топиб олади. Ўйинчоқ топилгандан сўнг, ўйин қайта бошланади.

Методик кўрсатма: тарбиячи болаларни чапаги кучли ва секин чалинишига доимо эътибор беришга ва уни бошқариб туриши керак. Агар бола ўйинчоқни кўп қидирса-ю, топа олмаса, у вақтда тарбиячи ёрдам бериши даркор.

Нутқда нафас олиб нафас чиқаришни ривожлантириш.

Нафас олиш товуш чиқариш ва нутқ билан маҳкам боғланган. Нафас олиш 2 хил бўлади: нутқсиз ва нутқли. Нутқсиз нафас ўз-ўзидан чиқади. Бола нафас олади ва чиқаради. Мактабгача тарбия ёшидаги Ривожланишида нуқсонли бўлган болаларда нутқли нафас олиш ўзига хос хусусиятларига эгадир. Бу хусусиятлар аввало ўпканинг кичиклиги ва нафас мускулларининг бўшлиғига боғлиқдир, болалар нафасини чуқур эмас, шунинг учун улар тез, кескин кўп вақт шовқинли нафас олиб чиқарадилар, елкалари кескин кўтарилади, уларда ҳар бир сўз олдида, ўртасидан нафас олиш, нафас олиб сўзлаш каби холлар учрайди. Нутқи тезлашган бола энтикади, сўзнинг, жумланинг охири ямлаб юборади. Мускулларнинг заифлигидан кўпчилик болаларда гавданинг ҳолати нотўғри: бош пастга эгилган, кифтлар олдинга чиққан кўкрак ичига кириб кетган бўлади. Дефектологнинг вазифаси болани нутқ жараёнида тўғри нафас олишга ўргатиш ва нутқ давомида нафас олишда учрайдиган

нуқсонларни йўқотиб боришдир. Нутқсиз ва нутқда нафас олиш бири-биридан фарқ қилади. Нутқсиз нафас олишда нафас олиш билан чиқариш вақти баробар, тартибли навбатлашиб туради. Нафас бурун орқали олинади. Нутқда нафас олганда нафас олиш вақт жиҳатидан тез, нафас чиқариш нафас олишга қараганда бирмунча узун бўлади. Нафас ҳам оғиз, ҳам бурун орқали олинади. Нутқда нафас олишнинг энг яхши тури диафрагмали, қуйи қовурға ёрдамида нафас олишдир. (нафас олганда диафрагма пастга тушади ва пастга қовурға икки томонга кенгаяди, шунинг учун кифтлар кўтарилмайди). Болада аввало тинч, шовқинсиз, кифтни кўтармай нафас олишни ривожлантириш лозим. Нутқ вақтида узок нафас чиқариш боланинг ёшига мос бўлиши керак. Кичик гуруҳларда бола нафас чиқариш вақтида 1-2 сўздан иборат жумлани, ўрта ва катта гуруҳда бола 3-4 сўздан иборат жумлани талаффуз этиши лозим. Мактабгача ёшдаги болаларни шошмасдан сўзлашга, ҳар бир жумлани сўзлаб ёки ҳар бир шеър мисрасини ўқиб бўлгандан сўнг пауза қилишга одатлантириш керак. Нутқда нафас олишни ривожлантириш учун бола ёшига мос нафас оладиган ўйин ва машқлардан фойдаланиши зарур. Дефектолог физиологик тўғри, осойишта нафас олиш учун болаларга нафасни бурундан олиб, кейин оғиздан чиқариш мақсадга мувофиқ эканлигини тушунтиради. Машқ олдин болалар жамоаси билан кейин ўзлаштириш имконияти суи болалар билан якка тартибда ўтказилади. Қуйидаги нафас машқлари ўтказилади: пахтага пуфлаш, ёниб турган шамни бир нафас чиқаришда ўчириш, иссиқ чойни пуфлаш, оловни ўчириш. Нутқий нафасни такомиллаштириш учун қуйидаги нафас –овоз машқлари таклиф қилинади: гулни ҳидлаш ва «оҳ» дейиш, қўлларни иситиш, совун пуфагини ишириш, «йиғлаш», «шамол эсяпти» кабиларга таклид қилиш. Кичик гуруҳларда болаларга жуда ёқадиган совун кўпигини учуриш, пар, юпка, рангли қоғозларни пуфлаб учуриш ўйинлари ўтказилади. Бундай ўйинларни ўтказган вақда болаларни нафас олганда елка қисмларини кўтариб юбормасликларига эътибор бериш лозим. Бундай нафас оладиган ўйинларни уч минутдан ортиқ ўтказмаслик ва ўйин вақтида дам бериб боришга эътибор бериб бориш керак. Катта гуруҳларда қўлларни оҳиста юқорига-елка баробарида кўтариш- нафас олиш, секин-аста қўлларни пастга тушириб с-с-с деб нафас чиқариш машқлари ўтказилади. Болалар с-с-с-с товушини то дефектолог тўхтатгунга қадар чўзиб айтадилар. Нутқда нафас олиш ва нафас чиқаришни ривожлантиришга ўргатиш бўйича машғулотлардан намуна келтирамиз.

«Бу қачон бўлади» ўйини

Дефектолог доскага йилнинг тўрт фаслини тасвирловчи расмни осиб кўяди. Ҳар бир фасл тасвирини тагида қоғоздан ясалган чўнтакчалар бўлиб, унга у ёки бу фаслда бўладиган ходиса ва воқеаларни тасвирловчи кичик-кичик расмларни солиб қўйиш мумкин («Болалар қорбобо ясяпти», «Ўғил болалар қушлар учун уялар осияпти», «қизлар гулдасталар тайёрлашяпти», «Сарғайган барглар тўкиляпти» ва бошқалар). Тарқатма материалларни «Йил фасллари» деган лотодан ёки турли журналлардан,

китоблардан танлаб олиш мумкин. Тарбиячи болаларни навбатма-навбат чақириб биттадан расм беради. Бола стол олдида келиб, қўлидаги расмни болаларга кўрсатади ва дефектолог томонидан берилган саволга жавоб беради. Масалан: «Болалар дарёда қачон чўмилади?» (Болалар дарёда ёзда чўмилади). Бола саволга тўлиқ жавоб бериб бўлгач, расмни тегишли йил фаслининг тагидаги қоғоз чўнтакка солиб қўяди.

Методик кўрсатма: тарбиячи ўйинни бошлашдан аввал болаларга шундай дейди, ҳар бир сўздан кейин тўхталиб, бўлиб-бўлиб гапирмаслик керак. Агар бола тарбиячи берган саволга тўғри жавоб бера олмаса, ёки бўлиб-бўлиб гапирса, тарбиячи тўғри нутқ намунасини беради. Сўнгра бола такрорлайди.

Артикуляция ва бурро гапиришни (дикцияни) тарбиялаш.

Артикуляция товушларни аниқ ҳосил қилиш учун нутқ аппаратини тўғри ҳолатда туриш ва ишлатиш муҳимдир. Дикция эса сўзлашганда ва ашула айтаётган сўзларни аниқ тушунарли талаффуз этишдир. Мактабгача тарбия ёшидаги Ривожланишида нуқсони бўлган болаларда нутқнинг ноаниқлиги, лабнинг бўшаши, тилнинг суст эринчоқ ҳаракат қилиши, пастки жағнинг кам ҳаракатланиши натижасида оғизнинг ёмон очилиши каби ҳоллар учраб туради. Буларнинг сабаби артикуляция аппаратининг лаб, тил, пастки жағнинг суст ва етарли ҳаракатланмаслигидир. Тўғри артикуляция ва ҳаммадан аввал унли товушларни тўғри талаффуз этиш сўзларни аниқ талаффуз этишни таъминлайди.

Дефектологнинг вазифаси Ривожланишида нуқсони бўлган болаларда нутқ аъзоларининг ҳаракатини ривожлантириш йўли билан дикцияни тарбиялашдир. Артикуляция ва дикцияни тарбиялашга ёрдам берадиган асосий воситалардан бири болаларнинг товушларга тақлид қилиб ўйналадиган ўйинларидир. Бу ўйинларда фақат артикуляция ва дикциягина эмас, балки умумий нутқ малакаси: суръат, ритм, овоз ҳам тарбияланади. Бу ўйинлар жараёнида дефектолог товушларни кўп талаффуз этишни кўрсатади, болалар унга тақлид қилиш орқали ўз нутқ аъзоларини машқ қилдирадилар.

Товушга тақлид қилишда ҳайвон ёки овоз чиқарувчи нарсаларнинг овозига тўлиқ ўхшатишга ҳаракат қилмаслик керак. Товушларга тақлид қилиш ўйинлари учун артикуляция ҳаракатлари секин-аста қийинлашиб борадиган товушлардан фойдаланиш мумкин: Автомобиль би-би-иб, трамвай дин-дин, соат чиқ-чиқ, болта уриши тук-тук поезд ту-ту ёки пиш-пиш, сигир мў-мў, қўй ба-ба, эчки бе-бе, мушук миёв-миёв, ит вов-вов, товуқ қо-қо-қо, жўжа пи-пи-пи, ғоз ға-ға-ға, ўрдак ғақ-ғақ-ғақ, самолёт р-р-р-, асалари з-з-з, қўнғиз ж-ж-ж, қарға қарр-қарр-қарр. Артикуляцион аппаратларни товушларни тасдиқ қилиш шаклида машқ қилдириш учун турли хилдаги дидактик ўйинлардан фойдаланиш мумкин. Масалан: «Ажойиб халтача» ўйинида тарбиячи халтача ичига 10-12 та ҳайвонларни тасвирловчи ўйинчоқ солади, чақирилган бола халтача ичида бирон-бир ўйинчоқни олиб унинг номини айтиш ва у қандай овоз чиқаришни овоз билан кўрсатиш лозим. «Топ-чи, бу нима?» дидактик ўйинида болалар

товуш тақлидига қараб ҳайвоннинг номини айтиш керак. Бу ўйиннинг вариантлари жуда кўп. Масалан: кичик гуруҳларда бундай ўтказиш мумкин.

Дефектолог: Топинглар-чи, нима шундай маърайди. Мў-мў!

Болалар: Сигир.

Дефектолог: Миёв-миёв-миёв!

Болалар: Мушук.

Дефектолог: Ҳозир сизлар айтасизлар, мен топаман.

Дефектолог ҳайвонлар тасвирланган суратни ўзи қарамай, болаларга кўрсатади, Болалар эса ҳайвоннинг овозини тақлид қилиб айтадилар, дефектолог уни «топади» ва номини айтади.

Бу ўйинни мана бундай ҳам ўтказиш мумкин. Стол устига турли буюмларнинг суратини тескариси билан қўйилади. Болалар дефектологнинг чақириши билан стол олдида келадилар, хоҳлаган суратларини оладилар ва суратда тасвирланган ҳайвонларнинг овозини тақлид қиладилар. Ҳамма болалар шу ҳайвоннинг номини айтадилар ва хор билан такрорлайдилар. Товушга тақлид қилишда ҳаракатли ўйинлардан ҳам фойдаланилади. Масалан: «Поезд» ўйини. Болалар бу ўйинда поезднинг гудок беришга (ду-ду), ғилдиракларининг тақирлаб юришига (тақир-тукур, тақ-тақ), тўхташ ва юриш олдидан (пиш-пиш-ш-ш-ш) овоз чиқаришига тақлид қилиб уни акс эттирадилар. «Чумчуқлар ва автомобиль» ўйинида чумчуқлар йўлларда сакраб-сакраб юриб, чириқ-чириқ-чириқ деб чириллайдилар, автомобиль эса юриб кетаётиб, би-би-биб деб сигнал беради. чумчуқлар йўлдан учиб кетадилар. Товуш тақлид қилиш ҳикоя, эртақ шеърлар орқали ҳам ўтказилиши ҳам мумкин. Дефектолог товушларга тақлид қилувчи қисқа дидактик ҳикояларни тузиш ҳам мумкин. Масалан: боққа ўтказилган сайр ҳақида ҳикоя қилиш мумкин. Бунда болалар ўзлари эшитган қушларнинг овозини, баргларнинг шитирлашини ва бошқаларни акс эттирадилар. Ҳикоя давомида бир неча бор товушларга тақлид қилиш орқали болалар уларни тез ўзлаштириб оладилар. Товушларга тақлид қилиш машқларини суратлар орқали ҳам ўтказиш мумкин. Мактабгача ёшда болалар билан тез айтишдан фойдаланишда қуйидагиларга аҳамият берилади. Аввало дефектолог бола учун тушунарли, мураккаб бўлмаган тез айтиш лозим бўлган матнни танлайди. Агар болалар бир ойда 1-2 та тез айтишни ёдласалар, у ҳолда ўқув йили учун ундан 8-15 тасини танлаш лозим (аввало содда, сўнгра мураккаб берилади). Дефектолог энгил тез айтишни ўзи ёддан, шошмасдан, аниқ, равон, тез учрайдиган товушларни ажратган ҳолда талаффуз этади. Уни бир неча марта, аста-секин оҳангдор қилиб ўқийди. У болалар олдида тез айтишни қандай талаффуз этилишини диққат билан эшитиш ва кўриб туриш, уни аниқ, равон айта олишга ўрганиш каби вазифалар қўяди. Сўнг болалар уни мустақил равишда ярим овоз билан айтадилар. Тез айтишни такрорлаш учун дефектолог дастлаб хотираси, дикцияси яхши болаларни чақиради. Болалар жавобидан олдин уларга такроран аниқ ва оҳиста гапириш ҳақида кўрсатма беради. Шундай сўнг

тез айтишни ҳамма болалар бирга хор билан айтадилар. Бундай машқлар узоғи билан 3-10 минут давом этиши лозим. Таниш тез айтишларни нутқ ўстириш машғулотларнинг иккинчи қисмига кўнгли очиш вақтига, адабий эртакларга киритиш мукин.

Ритм, суръатни тарбиялаш.

Нутқ суръати нутқнинг тезлик даражасидир. Нутқ ритми эса бўғинлар сўзларнинг вақт жиҳатидан бир меъёрида навбатлашиб келишидир.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, кичик синфлардаги Ривожланишида нуқсони бўлган ўқувчиларнинг кўпчилигини ифодали ўқиши, интонациялари (В.А. Артемов) жуда кучсиз кўзга ташланади. Уларнинг нутқи монотон интонациялари камбағал, уруғларни нотўғри куллаш ва кераксиз паузаларни қўллаш билан характерланади. Айримларда кўзғалувчан олигофренларда ўта тезлашган нутқ кузатилади. Импульсив шошқалоқ, безовта бўлган бу болалар ўз фикрларни ташкиллаштира олмайдилар ва ташқи тузилишини умуман кузата олмайдилар. Ўқувчиларнинг бундай нутқини характерлаб М.Ф. Гнездилов сўзлар оқими ва чалкаш товушларда охирига етмаган ва айтилмай қолган деб ёзган. Ривожланишида нуқсони бўлган болаларнинг бошқа тормозланган уятчан ёки бўшашган қисмида нутқ потологик секинлашган бўлади. Улар паст, секин, худди тили зўрға ҳаракатга келаётгандек сўзларни чўзиб гапиришади. Нутқ темпини бузилиши болани атрофдагилар билан алоқа боғлашга, уларга қаратилган нутқни тушунишга салбий таъсир кўрсатади.

Мактабгача ёшдаги болаларнинг ифодали гапиришга ўргатиш борасида систематик йўналтирилган иш олиб боради. Шуни сезиш мумкинки Ривожланишида нуқсони бўлган болалар кўп ҳолда дефектологга тақлид қилишади. Турли хил ифодаларни қўллаб болаларда гапиришга қизиқиш уйғотади ва чиройли, аниқ гапиришга ўрганади.

Ривожланишида нуқсони бўлган болалар нутқнинг интонацион томонини чуқур эгаллашни, гапирувчиларнинг овози ва гапириши белгиларига диққат билан ўрашани ва ўзлари ҳам шундай фойдаланишга ҳаракат қилишлари учун талим жараёнида турли хил методлардан фойдаланади. Буларга ёд олинган шеърни ифодали ўқиш, ролларга бўлиб ўқиш, қийин бўлмаган эртакларни сахналаштириш бир жумлани ўзини хиссиятга берилиб ўқиш (кўрқув билан, хурсандчилик билан) ва хоказолар.

Махсус коорекцион иш болаларни нутқ темпини нормаллаштириш учун олиб борилади. Нутқ темпи тезлашган болалар билан дефектолог маълум даражада босиқ, секинроқ гаплашади.

Агар болалар нутқ темпи кескин секинлашган бўлса биринчи навбатда бўлаётган воқеаларга қизиқиш уйғотиш, актив мулоқатга киришини фаолияти шакллантирилади..

Коррекция ишни амалга ошириш жараёнида ўқувчи ўз нутқидаги камчиликка танқид билан қарашга ўргатиш лозим. Ана шундан кейин шу

камчиликларни бартараф этишга ва хоҳиш истак билан ҳаракат қилишга ўргатиш керак.

Нутқ ритмининг бузилиши нафас олишнинг такомиллашмаганлигидан, лозим бўлган сўзни дарҳол топа олмасликдан келиб чиқади. Болаларда нутқ суръатини ва ритми тўғри таркиб топиш учун уларнинг теварак-атрофдаги катталар аниқ ҳамда осойишта сўзлашлари лозим.

Боғча болаларида тўғри ритм ва суръатни тарбиялаш учун таниш шеърларни доира ва чапак садолари остида ўқиш, ашулали ўйинларни оҳиста суръатда пауза билан айтиб ўйнаш, музика машғулотида ашула айтиш ҳаракати билан шеърлар ўқиш ва бошқа усуллардан фойдаланилади.

Овознинг бундай сифатини (кучли ва баланд-пастлигини) таркиб топтириш учун тушунтириш методидан масалан, кичкинтойларга нима учун уйку хонасида секин гапириш кераклигини. Катта гуруҳларда дидактик ҳикояларни, масалан: «Катта қурилишга экскурсия» сингари ҳикояларни тушунтириш методидан фойдаланиш лозим.

Мактабгача тарбия ёшидаги боланинг бўғзи катталарникига қараганда қисқа, товуш пардалари ингичка ва қисқа, ўпкаси кичкина бўлади. Шунинг учун ҳам уларнинг овозлари паст кучсиз, бир оз чинқирок, нутқи эса бир оҳангдир. Дефетологнинг муҳим вазифаси болалар овозини сақлашдан иборат бўлиб болалар учун зарарли шовқин-суронга қарши курашиш, болаларни совуқ ва нам ҳавода ашула айтишларига йўл қўймаслик керак.

Овозни тарбиялашда турли машқлардан фойдаланилади.

Овоз кучини ривожланиш учун пайчалари остидаги ҳаво босимининг даражасига ун пайчаларининг зичлигига боғлиқ. Овоз кучини ўзгартира билиш - нутқнинг ифодалилиқ воситаларидан биридир. Болани баланд овозда, лекин бақирмасдан, аниқ, овозининг кучини секин-аста ўзгартарган ҳолда гапиришига, баланд овоздан ўрта ва секин овозга ўтиш ва аксинча, ўрта овоздан баланд овозга ўтишга ўргатиш лозим.

Овоз баланлигини ўзгартириш, ривожлантириш нутқнинг ифодалилиқ воситаларидан биридир.

Овоз баландлини ривожлантириш учун овоз диапазонини кенгайтирувчи модуляциясини, яъни овоз тембрини ривожлантирувчимашқлар бажарилади.

Овоз тембри оғиз-бурун-ҳиқилдоқ резонаторининг фаолиятига, тузилишига ва функциясига боғлиқ.

Оғиз-бурун-ҳиқилдоқ резонаторининг барча қисмлари ўзаро мувофиқ ҳолда ишлаганида овоз жарангли, текис, аниқ, мустаҳкам ва чидамли бўлади.

Овоз тембри устида ишлашда қуйидаги вазифалар ҳал қилинади:

- а) овознинг жаранглигини ҳосил қилиш;
- б) бўйин ва бўғиз мускулларини бўшаштириш йўли билан тамоқнинг ва овознинг қисилишини йўқотиш;
- в) овоз чиқариш учун тўсиқ бўлаётган ҳолатларни йўқотиш;
- г) овознинг текислиги, турғунлигини ҳосил қилиш;

д) овознинг чидамлилигини ҳосил қилиш, яъни овоз нагрузкасини канча давом этишдан қатъи жарангланиш сифатини сақлаш.

Овоз кучи ва баландлиги жиҳатидан индивидуал физиологик имкониятларидан ишламаслиги керак.

Овоздан фойдаланиш характери ва унга баҳо бериш кишилар билан алоқа муносабати учун муҳимдир. Чунки овознинг ифодалилиқ даражасига қараб одамнинг руҳий ҳолатини аниқлаш мумкин.

Овоз кучини бошқара олиш малакасини ва овоз баландлигини ривожлантириш бўйича машғулотлардан намуна келтирамиз.

«Гудок» ўйини. Болалар бир қатор бўлиб ўтиришиб, қўлларини ^андан юқорига қўтарилади. Сўнгра аста-секинлик билан ^анлари туширалади. ^йўлни ^андан пастга тушира^атганда у товушини аввал баланд овозда, сўнгра паст ва янада пастроқ овозда талаффуз этадилар. ^йўлларини пастга туширганда у товушини талаффуз этишдан тўхтайдилар.

Методик қўлланма: Ўйинни аввал тарбиячининг ўзи кўрсатади, сўнгра иккита болани чақиради ва биргаликда гудок чалинишини тасвирлайдилар. ^йолган болалар фақат қўллари билан ҳаракат қиладилар. Сўнгра ҳамма болалар биргаликда ўйнайдилар.

Овоз баландлигини ривожлантириш.

Машғулотнинг мавзуси: «Бўғирсоқ» эртагининг расмларини кўрсатиб туриб эртани айтиб бериш.

Машғулотнинг мақсади: овоз баландлигини ўзгартириш малакасини ривожлантиш.

Методик кўрсатма: болалар ҳар бир образни, яъни қуён, айиқ, бўри, тулкининг овозига тақлид қилганларида жуда баланд ёки жуда паст гапирмасликлари даркор. Болаларнинг ^ашига мос равишда овозни баландлатиш ёки пастлатиш керак.

Овоз машқлари болалар учун таниш бўлган товушларга тақлид қилиш орқали олиб борилади. Олдин дефектологнинг ўзи арининг овозига тақлид қилиб кўрсатади. («з-з-з-з»).

Овозни тарбиялаш болага секин ва қаттиқ, паст ва баланд товуш билан гапириш, ўртача овоз кучи билан сўзлашиши, сўзлаганда қисилмаслиқ овозни ўзгартира олиш (баланд ва паст қила билиш) имконини беради, бу эса тасвирий нутқни тарбиялашда жуда муҳимдир. Мактабгача ёшдаги ривожланишида нуқсони бўлган болаларда товуш маданиятини шакллантириш қийинчилик билан амалга ошади. Чунки уларда бош миянинг органик жароҳатланиш натижасида, билиш фаолиятида турғун бузилишлар кузатилади. Бу ўз вақтида нутқни ривожлантиришига салбий таъсир кўрсатади. Мактабгача ёшдаги Ривожланишида нуқсони бўлган болалар кўп товушларни, яъни сирғалувчи (с, з), шовқинли (ш, ж, ч), тил орқа (қ г, х), чуқур тил орқа (қ, ғ, х), сонор (п, р) товушларни талаффуз қила олмайдилар ёки нотўғри талаффуз қиладилар. Бундай ҳолат бола нутқини ҳаракатга келтирувчи аппаратнинг сусти ёки ривожланмаганлигидан далолат беради.

Шунингдек баъзи болалар сўздаги бўғинларнинг жойини ўзгартириб, сўзни нотўғри айтадилар. Масалан, «дахлиз – далхиз», «дераза-дезара». Мактабгача ёшдаги Ривожланишида нуқсони бўлган болаларда товушларни талаффуз қилиш ҳар хилдир.

5-6 яшар ривожланишида нуқсони бўлган болаларнинг айиримлари бошқаларга нисбатан нутқни бир мунча яхши эгаллайди, баъзиларининг нутқини умуман тушуниб бўлмайди.

6-7 ёшга келиб болаларнинг нутқи бир мунча ўзгаради, улар нутқда баъзи бир товушлар пайдо бўла бошлайди. Дастлаб болалар бу товушларни аниқ талаффуз эта олмайдилар. Дефектолог ёрдамида бу товушлар ўзлаштириб борилади. Бунда талаффузнинг турғун бўлмаслиги Ривожланишида нуқсони бўлган болалар учун характерли хусусиятлардандир. Болалар товушларни баъзан тўғри баъзан нотўғри талаффуз қиладилар. Бу тасодифий бир ҳол бўлмай, бола янги товушни эски товуш билан чалкаштириб юборади, янги товушни ўринли, ўринсиз ишлатаверади. Мактабгача ёшдаги Ривожланишида нуқсони бўлган болаларнинг нутқини ҳаракатга келтирувчи аппаратларнинг суст ёки ривожланмаганлиги сабабли нутқ аъзоларининг ҳаракатчанлигини ошириш мақсадида машқлар олиб борилиши лозим. Товуш ва сўзларнинг тоза, аниқ талаффуз этилиши артикуляция ҳаракатининг аниқлиги ҳамда кучига боғлиқ. Шунинг учун Ривожланишида нуқсони бўлган болаларда товушларни тўғри талаффуз этишни таркиб топтириб бориш билан бирга алоҳида нутқ аъзоларини ҳаракатга келтирувчи аппаратларини: лаб, тил, лунж мускулларини доимий машқ қилдириб бориш ва жаҳнинг ҳаракатчанлигини ўстириш учун артикуляцион машқлардан фойдаланилади. Масалан,

- лаб учун умумий артикуляцион машқлар: лабни кулги ҳолатига келтириш, лабни чўчайтириш;

- тил учун – тилни юқори-пастга, ўнг-чапга ҳаракатлантириш, тилни кенгайтириш, ингичка ҳолга келтириш, тилни кенгайтириб пастки, сўнг юқори лабларни ёпиш, пастки ва юқorigи тишларни тил билан айлана ҳаракат қилдириш;

- жағ учун – оғизни очиб, ёпиш, пастки жағни ўнгга ва чапга фазовий муносабатни акс эттирувчи ҳаракат қилдириш;

- лунж учун – лунжни шиштириш, ҳавони бир текис чиқариш, ҳавони куч билан чиқариш.

Кўпинча артикуляцион машқлар ўйин характерида бўлади.

Ўйинда болалар керак бўлган сўз ва товушларни бир неча бор такрорлайдилар.

Бундай ишларни ўтказиш методлари қуйидагилардан иборат: кўрсатма материаллар билан ўйналадиган дидактик ўйинлардан, масалан: лозим бўлган товушлар иштирок этадиган ўйинчоқлар тўплами билан «Ажойиб ҳалтача» ўйинидан ёки оғзаки дидактик «Бу кимнинг уйи» (хайвонларнинг овозига тақлид қилиш учун), «Оркестр» (музика

асбобининг овозига тақлид қилиш учун) ўйинларидан фойдаланиш мумкин.

Булардан ташқари, ҳаракатли : От-отакам» (болалар отга тақлид қилиб, туёқларнинг овозини чиқарадилар, аравакашни тасвирлаб, тилларини чўпиллатадилар. Хар икки ҳолда ҳам болалар тилнинг ҳаракатчанлигини тарбиялашга қаратилган ўйин ҳаракатини бажарадилар) . «Поезд», «Чумчуқлар ва автомобиль» ўйинлари ўтказилади. Товушларга тақлид қилувчи ҳикоялар ўқилади (Қарғавой эртагини қайта айтиш), махсус танланган ашула, шеърлар ёддан айтилади, катта гуруҳларда эса тез айтиш машқлари ўтказилади. Асосий усуллар тўғри талаффуз намунасини кўрсатиш якка-якка ва хор бўлиб такрорлаш кўрсатма бериш ҳамда тушунтиришдир. Бу усуллардан нутқ ўстиришдан ўтказиладиган бошқа машғулотларда ҳам жумладан, нарсалар ва суратларни кўриш, сайрда кузатиш вақтида ҳам фойдаланиш мумкин

Ўқув йилнинг бошида ҳамма гуруҳларда ўйин ва машқларга талаффуз жиҳатидан осон (п, б, м, т, д, л) товушлар киритилади. Дефектолог болалар артикуляцион апаратининг ишини кузатиб боради, кимнинг лаб ва жағи кам ҳаракат қилса, уни активлаштиради.

Бундай машғулотлар бир неча марта ўтказилгандан кейин ўйин мазмунига қийинроқ шовқинли товушлар (ж, ш, ч) шунингдек тил орқа (қг), чуқур тил орқа (к, ғ, к), сонор (р) товушлар ҳам киритилади. Сўзларни тўғри талаффуз этиш юзасидан олиб бориладиган ишлар алоҳида аҳамиятга эга. Мактабгача тарбия ёшидаги Ривожланишида нуқсони бўлган бола сўзнинг бўғин таркибини бузиб айтади. Бу эса кўпроқ кичик ёшдаги Ривожланишида нуқсони бўлган болаларда учрайди (сўздаги бўғинларнинг ўрнини алмаштириб юборади). Сўз тузилишини тўғри сақлаб қолишда нутқ суръатининг оҳисталиги, талаффузнинг равон бўлиши жуда муҳим. Болаларда, ашулали матнларда, қийин бўлмаган шеърларни секин ўқиш давомида тарбиялаб борилади.

Сўзларни талаффуз қилиш устида ишлаш учун «Магазин», «Кутубхона» сингари дидактик ўйинлардан ҳам фойдаланилади. «Магазин» ўйинида болалар бошқарувчига, яъни сотувчига мурожаат этиб, ҳар бир сўзни равон айтишга ўрганадилар.

Катта гуруҳларда намуна бўйича ҳикоя қилишдан фойдаланилади. Бунда болалар хато қиладиган сўзлар қўлланилади, болалар мана шу берилган намуна асосида ўзларининг кичик ҳикояларини тузадилар. Бу тузган ҳикояларида берилган сўзлардан албатта фойдаланадилар. Дефектолог катта гуруҳларда радио эшиттиришларини тинглаш, телевидение кўрсатувларини томоша қилиш (машғулотда ва машғулотдан ташқари вақтларда) ишларини система равишда ташкил этиш лозим. У болаларнинг эътиборини сўзлаётган кишининг нутқининг тўғрилиги ва талаффузининг гўзаллигига жалб қилади. Умуман нутқларининг орфоэпик жиҳатдан тўғри бўлишига болалар катталар нутқига тақлид қилиш билан эришадилар.

Болаларнинг адабий тил талаффузини тўғри ўзлаштиришлари ва уни такомиллаштиришлари учун дефектолог томонидан жуда кўп куч сарфланиши лозим. Болалар умумлашган хулоса чиқаришлари учун кузатишларда маълум бир тизим бўлиши керак. Масалан, «Қиши билан ётиб, баҳорда ариққа югуриб қолди». Топишмоқни топиш учун болалар илиқ баҳорги кунлар бошланиши билан қорларни эрий бошлаши ҳақида тасаввурга эга бўлишлари керак ёки «Езда яшил рангда, кузда сариқ рангда топишмоғини топишга болаларнинг баҳорда, езда дарахтларни кузатишларига ёрдам беради. Кузатиш вақтида ўз таасуротларни аниқ ва образли сўз билан ифодалай олишлари жуда муҳимдир. Сайр ва экскурсияларда педагог болалардан: «Бугун қуёш қандай? Гулзор нимага ўхшайди?»- деб сқрайди. Таққослаш қанчалик мустақиллик касб этган бўлса, болалар топишмоқнинг маъносини шунчалик осон пайқаб оладилар. Агар болалар буюмларнинг белгиларини, сўз ва тушунчаларнинг маъносини билмасалар, топишмоқни топа олмайдилар. Баъзан болалар топишмоқни тополмай, дефектолог айтиб беришни сўрайдилар. Дефектолог топишмоқни болаларга тушунтириб беради. Мактабгача ёшдаги Ривожланишида нуқсони бўлган болалар билан бирга топишмоқни жавобини топадилар. Болаларни топишмоқни тушуниб олишга ўргатиш учун дефектолог ҳар гал топишмоқни бола қайси йўл билан топганини аниқлаши керак. Бунинг учун болага: «Сен қандай топдинг? Нимага шундай қарор қилдинг? Каби саволлар бериши мумкин. Бундай саволлар болани исботлаш, муҳокама қилиш вазифани хал қилиш жараёнини тушунтириб беришга ўргатади. Топишмоқ хайвон, нарса ва бошқа нарсалар қисқа тасвирининг намунаси бўлганлиги учун дефектолог болага ўз фикрини қисқа қилиб ифодалашни ўргатиш вақтида, ўйинчоқлар, суратлар ва буюмларнинг қисқа тасвирларини тузиш пайтида топишмоқдан фойдаланиши лозим. Дидактик ўйинларда, суҳбатларда, суратларни кўздан кечиришда топишмоқдан қисқа тасвирлаш намунаси сифатида фойдаланилади. Масалан: сабзавотларни кўриш ва суҳбатдан кейин (Бу нима? Ранги, шакли, мазаси қанақа? Уни қандай ейилади?) қисқа бадий намунасини бериб, топишмоқ тўқиш ва кейин сабзавотларнинг устини беркитиб, болаларга уларни хамма топа оладиган қилиб тасвирлашни буюриш лозим. Бу ишлар катта гуруҳларда олиб борилади. Бунинг учун ўтилган мавзу барча болалар учун танланган топишмоқлар ўтилган мавзуга мос бўлиши керак. Болаларнинг топишмоқларни топишларига эришиш учун бир машғулотнинг ўзида турли соҳалардан олинган топишмоқлар берилмайди. Масалан, «Ўй хайвонлари» мавзуси ўтилса, фақат шу мавзуга оид топишмоқлар берилади. Топишмоқлар танлашда Ривожланишида нуқсони бўлган болаларнинг ақлий имкониятларини ҳисобга олиш муҳимдир.

Педагогик ишда топишмоқлардан болаларнинг фикрлаш фаолиятини фаоллаштириш нутқини ўстириш уларда қизиқиш уйғотиш ва кузатувчанликни кучайтириш усули сифатида кенг фойдаланилади.

Назорат саволлари

1. Махсус мактабгача таълим тизимида коррекцион ишлар мазмунини ёритинг
2. Махсус мактабгача таълим тизимида коррекцион ишлар самарадорлигини ошириш йўллари тавсифланг
3. Эшитув идрокини шакллантириш бўйича қандай ишлар олиб борилади?
4. Ритм, суръатни тарбиялаш. бўйича қандай ишлар олиб борилади?
5. Махсус мактабгача тарбия муассасаларида нутқ ўстиришнинг мазмунини айтиб беринг
6. Махсус мактабгача тарбия муассасаларида нутқ ўстиришга оид қандай иш формаларидан фойдаланилади?
7. Овозни тарбиялаш. бўйича қандай ўйинлар ўтказилади?
8. Ривожланишида нуқсони бўлган болаларнинг сўз бойлигини оширишда дидактик ўйинларнинг аҳамиятини очиб беринг
9. Ривожланишида нуқсони бўлган болаларнинг сўз бойлигини оширишда дидактик ўйинларнинг аҳамиятини очиб беринг
10. Нутқ ўстиришга оид қандай иш формаларидан фойдаланилади?

Фойдаланган адабиётлар :

1. Выгоцкий Л.С. Вопросы детской психологии. – М.: СПб. 1999.
2. Белтюков В.И. Взаимодействие анализаторов в процессе восприятия и усвоения устной речи (в норме и патологии) – М.: Педагогика. 1997.
3. Богданова Т.Г. Сурдопсихология. –М., 2002.
4. Боровлёва Р.А. Родителям маленьких оглохших детей (начало коррекционной работы с детьми, потерявшими слух в 2,5 – 3 года) // Дефектология, -2004. -№.4 -с. 78-82.
5. Зыкеев А.Г. Формирование и коррекция речевых навыков и умений в употреблении сложносочиненных предложений младшими школьниками с нарушениями в развитии //Дефектология. -2005. - №3. – с. 67-75.
6. Коррекционное обучение как основа личностного развития аномальных дошкольников / Под ред. Л.П.Носковой. – М.: Педагогика, 1999.
7. Л.Мўминова, Ш.Амирсайдова ва бошқалар Махсус психология -Т.: Фан ва технологиялар .2013.
8. П.Пўлатова, Л.Нурмухамедова, Ш.Амирсайдова Махсус педагогика -Т.: Фан ва технологиялар, 2014.

4- мавзу: Инклюзив таълимнинг мазмун ва моҳияти.

Режа:

- 1.Инклюзив таълимнинг мазмун-моҳияти.
2. Инклюзив таълимда амалга ошириладиган вазифалар
3. Инклюзив таълимнинг ҳукукукий-меъёрий асослари.

Таянч сўзлар : инклюзив, таълим, вазифалар, инклюзив таълимнинг ҳуқуқий-меъёрий асослари, конвенция, таълим, тарбия, коррекцион-педагогик иш.

Алоҳида ёрдамга муҳтож болалар ва ўсмирларга нисбатан ғамхўрлик, уларнинг ҳуқуқларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, таълим-тарбия жараёнини бу болаларнинг эҳтиёжи ва қобилятига мос равишда ташкил этиш, соғлом жамиятга тенглаштириш ишлари бугунги куннинг ўта долзарб масалалардан биридир. Ҳозирги кунда Республикамизда махсус мактабгача таълим муасасалари ва мактаб-интернатлар мавжуд бўлиб, ушбу таълим муасасаларида имконияти чекланган болалар учун барча шарт-шароитлар мавжуд. Аммо кўплаб сабабларга кўра айрим имконияти чекланган болалар уйда якка тартибда ўқишмоқда ёки айримлари эса батамом таълимдан четда қолиб кетмоқдалар. Бундан ташқари махсус мактабгача таълим ва тарбиянинг коррекцион-педагогик иш сифати юқори даражада бўлсада, бироқ айнан алоҳида эҳтиёжли болаларнинг соғлом муҳитда таълим-тарбия олмаётганликлари сабабли ижтимоий ҳаётимизга мослашишларида кўплаб қийинчиликлар ва муаммоларга дуч келмоқдалар. Шунинг учун ҳам имконияти чекланган болаларнинг ёпиқ-сегрегацион таълим тизимида ўқитилишининг кўплаб салбий оқибатларни юзага келтириши жаҳон ҳамжамияти томонидан ҳам тан олинди.

Зеро, БМТ томонидан 1949 йилда қабул қилинган “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси”да “Таълим олиш ҳар бир инсонинг асосий ва ажралмас ҳуқуқи” эканлиги алоҳида эътироф этилган.

Шунингдек, БМТ 1975 йилда “Ногирон шахслар ҳуқуқлари тўғрисида”ги Декларацияни қабил қилди. Мазкур Декларацияда таъкидланишича: “Ногиронлар шахсиятини ҳурмат қилиш ҳуқуқи уларда туғилиши билан мавжуд бўлади. Ногиронликнинг келиб чиқиши, табиати ва жиддийлик даражасидан қатъий назар, фуқаро ўз ёшидаги тенгдошлари билан бир хил ҳуқуқларга эгадирларким, шу билан бирга улар мумкин қадар тўлақонли яхши ҳаёт кечириш ҳуқуқига ҳам эга” (“Ногирон шахслар ҳуқуқлари тўғрисида”ги Декларация (3-модда).

БМТ томонидан 1989 йилда қабул қилинган “Болалар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция” барча болаларнинг ҳуқуқларини ҳамма жойда амалга ошириш мақсадида ишлаб чиқарилган инсон ҳуқуқлари борасидаги ҳаларо шартнома ҳисобланади.

“Болалар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция” барча болаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилади. Мазкур Конвенциянинг 2-моддасида “Болалар уларнинг ота-оналари, боқувчиларининг ирқлари, терисининг ранги, жинси, тили, дини, сиёсий ва бошқа эътиқоди, миллий, этник ёки ижтимоий келиб чиқиши, моддий аҳволи, соғлиғи, қандай ҳолатда туғилганликлари ва бошқа ҳолатларидан қатъий назар камситишларга маҳкум этилмасилиги керак” – деб қатъий белгиланган. Конвенциядаги барча ҳуқуқлар махсус ёрдамга муҳтож болалар учун ҳам тегишли бўлиб, уларга барча болалар қатори тенг муносабатда бўлиш кафолатланади.

Имконияти чекланган болалар таълимини ташкил этиш масаласи энг долзарб масалалар қаторида қарала бошлади. Натижада, 1990 йилда Таиландда ўта муҳим Умумжаҳон Конференцияси бўлиб ўтди. Бу конференцияда “Таълим ҳамма учун” Умумжаҳон Декларацияси қабул қилинди. “Таълим ҳамма учун” Умумжаҳон Декларациясини дунёнинг 155та давлат ҳукуматлари ва 150 дан ортиқ нодавлат ташкилотлари қабул қилдилар. “Таълим ҳамма учун ” Умумжаҳон Декларацияси ҳар бир боланинг тўлақонли ва мукаммал таълим олишини кафолатлади.

Ушбу Декларацияда қуйидагича баёнот қилинган: “Мактаблар болаларнинг имкониятига қараб эмас иш сифати ва мактаб таълимига жавоб бериши билан характерланади. Улар қуйидагилардан иборат:

- ҳар бир боланинг ҳуқуқи оммавий мактабда таълим тарбия олишни талаб этади;

- ўқитишнинг метод ва методикалари боланинг нуқсонига қараб танланади;

- мактабда тўлалигича коррекцион педагогик ёрдам ташкил этилади;

- болалар тўғрисидаги қарор комплекс тарзда қабул қилинади;

- боланинг ҳар бир шахсий ҳуқуқи кафолатланади;

- мактабда интеграция тамойилига ўқув режанинг асоси сифатида қаралади;

- инклюзив мактабларнинг моддий таъминоти яхшиланади”.

1994 йилнинг 7-10 июнь кунларида Испаниянинг Саламанка шаҳрида 2-йирик Умумжаҳон Конференцияси бўлиб ўтди. Мазкур Конференция “Саламанка Декларацияси ва алоҳида ёрдамга муҳтож болалар таълимининг келгусида ижросини таъминлаш Рамкаси” деб аталиб, шу йили “Саламанка баёноти ва Иш фаолият Режаси” ном билан унинг иш мазуни нашр этилди. Саламанка баёноти ва Иш фаолияти Режасининг асосий етакчи тамойили шундан иборатки, мактаблар барча болаларни, уларнинг жисмоний, ақлий, ижтимоий, ҳиссий, тили ва бошқа хусусиятларидан қатъий назар ўқишга қабул қилишлари лозим. Мазкур ҳужжатда таъкидланишича:

“Ҳар бир бола таълим олиш ва ўзига мувофиқ даражада билимга эришиш ҳуқуқига эга:

- Маъориф тизими ва таълимий дастурлар турли хил хусусият ва эҳтиёжларни ҳисобга олган ҳолда тузилиб, шу ишга йўналтирилсин. Махсус ёрдамга муҳтож болалар учун оддий мактабларга бориш имконияти яратилсин;

- Махсус ёрдамга муҳтож болалар билан ишлаш оддий мактабларнинг иш фаолияти доирасига кирар экан, бу жараён қуйидаги мақсадларга эришишнинг энг самарали воситаси бўла олади:

- Ажратиб қўйиш иллатига қарши кураш;

- Дўстона инсонпарвар жамоаларни яратиш, ўз таркибига махсус эҳтиёжлари бўлган шахсларни олган жамиятни қуриш;

- Барча болаларнинг таълим олишига эришиш” (Саламанка баёноти 2-банд);

Саламанка Баёоти ва Иш фаолият Режасининг ишлаб чиқилиши жаҳон миқёсида “Таълим ҳамма учун” мазмунидаги таълим сиёсати илгари сурилиб, махсус эҳтиёжли болаларни умумтаълим тизими шароитида ўқитишнинг йўллари белгилаб берилди. Аммо бу таълим тизимининг мазмун-моҳиятини янада аниқроқ ва мустаҳкамроқ ҳуқуқий жиҳатдан асослаш, қатъий белгилаб бериш лозим эди. Шунинг учун 2000 йилнинг 26-28 апрел кунлари Дакарда таълим тўғрисида халқаро Форум қатнашчилари томонидан “Дакар ҳаракат дастури” қабул қилинди. Улар 10 йил олдин қабул қилинган “Таълим ҳамма учун” Халқаро Декларация (Джомтъян-Таиланд-1990 йил) ни қайта тасдиқлаб, радификация қилдилар. Дакар ҳаракат дастури “2000 йилга қадар жаҳон миқёсида таълим ҳамма учун амалий фаолиятининг даражасини баҳолаш” мақсадига асосланилди. Бу баҳолашда ҳар бир давлат ўзининг таълимни барча болалар учун таъминланганлик даражасини таҳлил қилиб чиқиш вазифаси топширилди.

Дакар ҳаракат Рамкасига кирган барча давлатлар 2002 йилга қадар “Таълим ҳамма учун” режасини мукамал тузиб, 2015 йилга қадар бу таълим тизимини амалиётга тўлиқ жорий этишлари лозим деб топилди.

Ушбу ҳаракат Рамкаси таркибига кирувчи давлатларнинг барчаси “Ҳар бир инсонга ва ҳар бир жамиятга” шиори остида барча инсонлар ва болалар таълимини тўлақонли таъминлаш мажбуриятини оладилар. Бу ҳаракат дастурида “Таълим хавсиз, сифатли, боланинг соғлиғини ҳимоя қилиб, мустаҳкамлайдиган, ҳамма учун бирдек, инклюзив тарзда ва барча зарурий ресурслар билан таъминланган бўлиши лозим. Ўқитувчилар савияси ва ўқув режалар “Таълим ҳамма учун” мақсадларига жавоб бериши керак”-деб белгиланган («Дакарские рамки действий»-Франция 2000 йил, 20-21 бетлар).

Шундай қилиб, махсус эҳтиёжли болалар ҳам жамиятнинг тўлақонли ва тенгҳуқуқли аъзоси эканлиги эътироф этилиб, улар таълимида алоҳида янгича ёндашув майдонга келди. Бу таълим тизимлари барча болаларнинг тили, дини, миллати, ижтимоий келиб чиқиши, ирқи, жисмоний ва руҳий ҳолатларидан қатъий назар таълимга жалб этишни кўзлабчи “инклюзив” таълим номи билан аталди. **Инклюзив таълим** (инглиз тилидан олинган бўлиб, inclusive, inclusion–уйғунлашмоқ, уйғунлаштириш, қамраб олмақ, қамраб олиш маъноларини билдиради) бу давлат сиёсати бўлиб, нормал ривожланишдаги ва махсус эҳтиёжли болалар ўртасидаги тўсиқларни бартараф этиш, махсус таълимга муҳтож болалар ва ўсмирларни ривожланишидаги нуқсонлар ёки иқтисодий қийинчиликлардан қатъий назар оиланинг фаол иштирокида умумтаълим тизимида тўлиқ қўшишни ва ижтимоий ҳаётга мослаштиришни ифодаловчи таълим тизмидир.

Юқорида келтирилган меъёрий ҳужжатлар асосида имконияти чекланган болалар ва ўсмирларни ҳам умумтаълим муассасаларида тенгҳуқуқлилиқ асосида ўқитиш ва тарбиялаш масаласи ҳуқуқий жиҳатдан кафолатланди.

Чунки алоҳида эҳтиёжли болалар инклюзив таълимнинг самарали ташкил этилиши натижасида

- имконияти чекланган фарзандлари мавжуд бўлган оилаларнинг моддий ва маънавий муаммоларига барҳам берилади ва маҳалларда ажратиш исканжасидан қутулишга имкон яратилади;

- имконияти чекланган болаларни мактаблар ва жамоатчилик орасида камситишларнинг олди олинади, болалар ўртасида тенгҳуқуқлилиқ таъминланади, дўстона муносабатлар шаклланади;

- махсус эҳтиёжли боланинг ўз оиласи ва жамият давраида бўлишдек улкан имконият яратилади;

- жамиятнинг янада инклюзивлашувига олиб келади;

- барча учун таълим сифати янада яхшиланади;

- имконияти чекланган болалар соғлом тенгдошлари орасида табиий шароитларда яшаш ва меҳнат қилишга мослашадилар;

- имконияти чекланган болаларнинг ижтимоий жамиятга эрта ва самарали мослашишлари таъминланади, яъни жамиятда бошқалар кўмагига қарамлар сони камаяди.

Юқорида самарадорликка эришиш учун инклюзив таълимда қуйидаги вазифалар амалга оширилади:

- барча таълим муассасаларида имконияти чекланган ўқувчиларнинг таълим олишлари учун зарур моддий-техник, психолого-педагогик ва коррекцион йўналтирувчи шароитларни яратиш;

- ўқувчилар ўртасидаги таълимдаги тенглик ҳуқуқини кафолатлаш;

- имконияти чекланган болалар ва ўсмирларни оилалардан ажрамаган ҳолда яшаш ҳуқуқини таъминлаш;


- жамиятда имконияти чекланган болалар ва ўсмирларга нисбатан дўстона ва меҳр-муҳаббатли муносабатни шакллантириш;

- жамиятнинг ва оиланинг фаол иштирокида ногирон ва соғлом болалар ўртасидаги тўсиқларни бартараф этиш, ижтимоий ҳаётга эрта мослаштириш;

- жамият ривожининг фаол иштирокчиларини кўпайтириш, ишсизлар сонини янада камайитириш;

- барча учун таълим сифатини ошириш асосида давлат иқтисодини ўстириш ва ҳалқ маънавиятини юксалтириш.

Имконияти чекланган болалар инклюзив таълими асосан умумий, махсус эҳтиёжли болаларнинг яшаш жойига яқин бўлган муассасаларда ташкил этилади. Бундай муассасалар барча болаларнинг турли жисмоний эҳтиёжлари, яқка хусусиятлари, уларнинг қобилиятлари, ўқитиш усуллари ва таълим босқичларидаги фарқларни аниқлайди ҳамда уларнинг имкониятлари, ўзлаштириш даражаларини инобатга олган ҳолда, табақалаштирилган таълим-тарбия тизимини ташкил этади.



Назорат саволлари:

1. Инклюзив таълимнинг мазмун-моҳияти ва ҳуқуқий асослари хусусида маълумот беринг
2. Имконияти чекланган ўқувчиларни ташхис қилиш ва умумтаълим мактабларига қабул қилиш йўллари, синф-дарс жараёнини ташкил этиш усуллари ҳақида маълумот беринг.
3. Инклюзив таълимни жорий этишда раҳбарлик функцияларини белиглаб баринг.
4. Инклюзив таълимнинг самарали ташкил этиш шакллари тавсифланг
5. Инклюзив таълимнинг самарали ташкил этиш усуллари ёритинг.

Фойдаланган адабиётлар :

1. Выготский Л.С. Вопросы детской психологии. – М.: СПб. 1999.
2. Белтюков В.И. Взаимодействие анализаторов в процессе восприятия и усвоения устной речи (в норме и патологии) – М.: Педагогика. 1997.
3. Богданова Т.Г. Сурдопсихология. –М., 2002.
4. Боровлёва Р.А. Родителям маленьких оглохших детей (начало коррекционной работы с детьми, потерявшими слух в 2,5 – 3 года) // Дефектология, -2004. -№4 -с. 78-82.
5. Зыкеев А.Г. Формирование и коррекция речевых навыков и умений в употреблении сложносочиненных предложений младшими школьниками с нарушениями в развитии //Дефектология. -2005. - №3. – с. 67-75.
6. Р.Шомахмудова Инклюзив таълим -Т.: Фан ва технологиялар .2013.
7. Л.Мўминова, Ш.Амирсайдова ва бошқалар Махсус психология -Т.: Фан ва технологиялар .2013.
8. П.Пўлатова, Л.Нурмухамедова, Ш.Амирсайдова Махсус педагогика -Т.: Фан ва технологиялар, 2014.

1-Амалий машғулот: Махсус мактабгача таълим муассасаларда таълим-тарбия ишини ташкил қилиш тамойиллари, йўллари ва усуллари

Ишнинг мақсади : Махсус мактабгача таълим муассасаларда таълим-тарбия ишини ташкил қилиш тамойиллари, йўллари ва усуллари бўйича билим,малака ва кўникма шакллантириш ва ривожлантириш

1. Махсус мактабгача таълим муассасаларда таълим-тарбия ишини ташкил қилиш жараёнларини ўзига хослиги бўйича бахс мунозара ташкил этинг.
2. Ривожланишида нуқсони бўлган мактабгача тарбия ёшидаги болаларга таълим-тарбия бериш тамойиллари, йўллари ва усуллари

ҳақида фикр юритинг.

Назорат саволлари:

1. Махсус мактабгача таълим муассасаларда таълим-тарбия ишини ташкил қилиш жараёнларини ўзига хослигини тавсифланг.
2. Эшитишида, кўришида ёки ақлий ривожланишида нуқсони бўлган ўқувчиларни нутқий жараёнларини ёритинг.
3. Ривожланишида нуқсони бўлган мактабгача тарбия ёшидаги болаларга таълим-тарбия бериш тамойилларини тавсифланг.
4. Мактабгача тарбия ёшидаги болаларга таълим-тарбия бериш методларини ёритинг.
5. Мактабгача тарбия ёшидаги болаларга тарбия йўллари ва усуллари очиқ беринг.
6. Дидактик ўйинлар ўқитиш методи сифатида билимларни мустақкамлаш, уларни умумлаштириш ва системалаштириш, билиш жараёнларини такомиллаштириш ва ривожлантириш мақсадида қўлланилишини ёритинг.

2-Амалий машғулот: Мактабгача ёшдаги болаларни мактаб таълимига тайёрлаш технологиялари.

Ишнинг мақсади : Мактабгача ёшдаги болаларни мактаб таълимига тайёрлаш технологиялари бўйича билим,малака ва кўникма шакллантириш ва ривожлантириш

Амалий машғулот топшириқлари:

1. Мактабгача ёшдаги болаларни мактаб таълимига тайёрлаш технологиялари бўйича баҳс мунозара ташкил этинг.
2. Мактабгача ёшдаги болаларни мактаб таълимига тайёрлаш тамойиллари, йўллари ва усуллари ҳақида фикр юритинг.

Назорат саволлари:

1. Мактабгача ёшдаги болаларни мактаб таълимига тайёрлаш технологиялари тавсифланг.
2. Ривожланишида нуқсони бўлган болаларни мактабга нутқий тайёрлаш жараён мазмунини ёритинг.
3. Ривожланишида нуқсони бўлган болаларни мактабга тайёрлаш тамойилларини тавсифланг.
4. Ривожланишида нуқсони бўлган болаларни мактабга тайёрлаш методларини ёритинг.
5. Ривожланишида нуқсони бўлган болаларни мактабга тайёрлашда махсус мактабгача таълим муассаси ва оила ҳамкорлигини ёритинг

Адабиётлар рўйхати :

1. Выготский Л.С. Вопросы детской психологии. – М.: СПб. 1999.

2. Белтюков В.И. Взаимодействие анализаторов в процессе восприятия и усвоения устной речи (в норме и патологии) – М.: Педагогика. 1997.

3. Богданова Т.Г. Сурдопсихология. –М., 2002.

4. Боровлёва Р.А. Родителям маленьких оглохших детей (начало коррекционной работы с детьми, потерявшими слух в 2,5 – 3 года) // Дефектология, -2004. -№.4 -с. 78-82.

5. Зыкеев А.Г. Формирование и коррекция речевых навыков и умений в употреблении сложносочиненных предложений младшими школьниками с нарушениями в развитии //Дефектология. -2005. - №3. – с. 67-75.

6. Коррекционное обучение как основа личностного развития аномальных дошкольников / Под ред. Л.П.Носковой. – М.: Педагогика, 1999.

7. Л.Мўминова, Ш.Амирсайдова ва бошқалар Махсус психология -Т.: Фан ва технологиялар .2013.

8. П.Пўлатова, Л.Нурмухамедова, Ш.Амирсайдова Махсус педагогика -Т.: Фан ва технологиялар,2014.

3-Амалий машғулот: Махсус мактабгача таълим тизимида коррекцион ишлар самарадорлигини ошириш йўллари

Ишнинг мақсади : Махсус мактабгача таълим тизимида коррекцион ишлар самарадорлигини ошириш йўллари бўйича билим,малака ва кўникма шакллантириш ва ривожлантириш

Назорат саволлари:

1. Махсус мактабгача таълим тизимида коррекцион ишлар мазмунини ёритинг

2. Махсус мактабгача таълим тизимида коррекцион ишлар самарадорлигини ошириш йўллари тавсифланг

3. Эшитув идрокини шакллантириш бўйича қандай ишлар олиб борилади?

4. Ритм, суръатни тарбиялаш. бўйича қандай ишлар олиб борилади?

5. Махсус мактабгача тарбия муассасаларида нутқ ўстиришнинг мазмунини айтиб беринг

6. Махсус мактабгача тарбия муассасаларида нутқ ўстиришга оид қандай иш формаларидан фойдаланилади?

7. Овозни тарбиялаш. бўйича қандай ўйинлар ўтказилади?

8.Ривожланишида нуқсони бўлган болаларнинг сўз бойлигини оширишда дидактик ўйинларнинг аҳамиятини очиб беринг

9. Ривожланишида нуқсони бўлган болаларнинг сўз бойлигини оширишда дидактик ўйинларнинг аҳамиятини очиб беринг

10. Нутқ ўстиришга оид қандай иш формаларидан фойдаланилади?

11. Махсус мактабгача таълим тизимида коррекцион ишлар мазмунини ёритинг

12. Махсус мактабгача таълим тизимида коррекцион ишлар самарадорлигини ошириш йўллари тавсифланг

4-Амалий машғулот: Инклюзив таълимнинг мазмун ва моҳияти
Ишнинг мақсади : Инклюзив таълимнинг мазмун ва моҳияти бўйича билим, малака ва кўникма шакллантириш ва ривожлантириш

Назорат саволлари:

1. Инклюзив таълимни ташкил қилиш жараёнларини ўзига хослиги бўйича баҳс мунозара ташкил этинг.

2. Инклюзив таълим тамойиллари, йўллари ва усуллари ҳақида фикр юритинг.

3. Инклюзив таълимнинг мазмун-моҳияти ва ҳуқуқий асослари хусусида маълумот беринг

4. Имконияти чекланган болаларни ташхис қилиш ва умумтаълим муассасаларига қабул қилиш йўллари, таълим жараёнини ташкил этиш усуллари ҳақида маълумот беринг.

5. Инклюзив таълимни жорий этишда раҳбарлик функцияларини белиглаб баринг.

6. Инклюзив таълимнинг самарали ташкил этиш шакллари тавсифланг

7. Инклюзив таълимнинг самарали ташкил этиш усулларини ёритинг.

Адабиётлар рўйхати :

1. Выготский Л.С. Вопросы детской психологии. – М.: СПб. 1999.

2. Белтюков В.И. Взаимодействие анализаторов в процессе восприятия и усвоения устной речи (в норме и патологии) – М.: Педагогика. 1997.

3. Богданова Т.Г. Сурдопсихология. – М., 2002.

4. Боровлёва Р.А. Родителям маленьких оглохших детей (начало коррекционной работы с детьми, потерявшими слух в 2,5 – 3 года) // Дефектология, -2004. -№4 -с. 78-82.

5. Зыкеев А.Г. Формирование и коррекция речевых навыков и умений в употреблении сложносочиненных предложений младшими школьниками с нарушениями в развитии // Дефектология. -2005. - №3. – с. 67-75.

6. Коррекционное обучение как основа личностного развития аномальных дошкольников / Под ред. Л.П.Носковой. – М.: Педагогика, 1999.

7. Р.Шомахмудова Инклюзив таълим -Т.: Фан ва технологиялар .2013.

8. П.Пўлатова, Л.Нурмухамедова, Ш.Амирсайдова Махсус педагогика -Т.: Фан ва технологиялар, 2014.

КЕЙСЛАР БАНКИ

**1-Кейс Махсус мактабгача таълим муассасида машғулотларида
ананавий ва ноананавий таълим технологиялари афзаллик ёки
камчиликлари**

Муаммо (асосий ва кичик муаммолар)	Ечим	Натижа
Мактабгача таълим муассасида бадий адабиёт билан таништириш машғулотларини сифат ва самарадорлигини оширишда ананавий ва ноананавий таълим технологиялари афзаллик ёки камчиликлари	Анъанавий таълим технологияси - муайян муддатга мўлжалланган, таълим жараёни кўпроқ дефектолог шахсига қаратилган бўлиб, машғулотнинг анъанавий шакли, методи ва таълим воситаларидан фойдаланиб таълим-тарбия мақсадига эришишдир. Ноанъанавий таълим технологияси - муайян муддатга мўлжалланган, таълим жараёни марказида бола шахси бўлиб, ўқитишнинг замонавий шакли, фаол ўқитиш методлари ва замонавий дидактик воситаларнинг мажмуини таълим-тарбия ишидан кўзланган мақсад ва қафолатланган натижага эришишга йўналтиришдир.	Ноанъанавий таълим технологияси - муайян муддатга мўлжалланган, таълим жараёни марказида ўқувчи шахси бўлиб, ўқитишнинг замонавий шакли, фаол ўқитиш методлари ва замонавий дидактик воситаларнинг мажмуини таълим-тарбия ишидан кўзланган мақсад ва қафолатланган натижага эришишга йўналтиришдир.

2-Кейс топшириғи: Махсус мактабгача таълим муассасида машғулотларини ўтказиш технологиялари

Кейс топшириғини бажариш учун иш қоғози:

Асосий фарқлар	
<i>Афзалликлари:</i>	<i>Камчиликлари:</i>
1. Аниқ, маълум тушунчаларни билиш, маълум кўникмаларга эга бўлиш 2. Дефектолог томонидан ўқитиш	1. Аниқ илмий билимларга таяниш бўлиши мумкин 2. Мустақил фикрлай оладиган ўқувчиларнинг шаклланиши сусаяди 3. Тассавурларни ўзгармасдан қолиши тингловчиларнинг машғулотлардаги

жараёнини ва ўқитиш муҳитини юқори даражада назорат қилиш	пассивлиги ва бундан келиб чиқиб билим олиш самарасининг пастлиги
3. Вақтдан унумли фойдаланиш	4. Машғулотнинг бир хил қолипдалиги, бир хиллиги
	5. Дефектологнинг тўла назорати барча тингловчилар учун мотивация иштиёқини вужудга келтирмайди
	6. Тингловчилар ўқитувчи билан бевосита мулоқотга кириша олмайди
	7. Эслаб қолиш даражаси ҳаммада тенг бўлмаганлиги сабабли гуруҳда ўзлаштириш пастлиги.

3-Кейс топшириғи: Дефектологларнинг илғор иш тажрибаларини ўрганиш

Гуруҳ баҳоси	Гуруҳ хатоси	Тўғри жавоб	Якка хато	Якка баҳоси	Муомолар ечими
					Машғулот мавзусини белгилаш
					Машғулотнинг режасини тузиш
					Машғулотнинг мақсадини белгилаш
					Машғулотнинг мазмунини танлаш
					Машғулот ўтказиладиган жойни жихозлаш ҳамда керакли техникани тайёрлаш
					Машғулотни бошлаш йўлини танлаш ва унинг ишланмасини ёзиш
					Машғулотни вақтларга бўлиш
					Бўлажак машғулотнинг энг қизиқарли, таъсирли нуқталарини танлаш
					Ўтказилган машғулотнинг якуний тахлили ва кейинги машғулотга тайёргарлик

Муаммоли топшириқ. Махсус мактабгача таълим муасасасида ўқув машғулотларининг интеграциялашувига доир моделни ўрганиш ҳамда, машғулотларининг умумий коррекцион вазифаларини ёритинг:

Муаммоли топшириқ. Махсус мактабгача таълим муасасасида ривожланишида нуқсони бўлган болаларни ўқув машғулотларида нутқни (сўзлашув, боғланган нутқи) ривожлантириш моделини изоҳланг, мисол келтиринг:

Муаммоли топшириқ. Махсус мактабгача таълим муасасасида Нутқ ўстириш машғулоти дастур мазмунига мувофиқ фан бўйича маълум ҳажмдаги тушунчалари болаларнинг луғат захирасига киритилади. Луғат ёш нутқий материални танлаш моделини ўрганинг ва мазкур модел асосида “Уй ҳайвонлар”, “Ёввойи ҳайвонлар”, “Ёввойи ҳайвонлар”, мавзуси асосида мисол келтиринг:

Муаммоли топшириқ. Махсус мактабгача таълим муасасасида ривожланишида нуқсони бўлган болаларни тафаккурини ривожлантириш мазмуни моделини ўрганинг ва уни оғзаки изоҳланг:

Муаммоли топшириқ. Махсус мактабгача таълим муасасасида болаларни тафаккурини ривожлантириш таъминловчи методик шароитлар моделини яратинг.

Муаммоли топшириқ. Махсус мактабгача таълим муасасасида болаларни нутқини ривожлантириш таъминловчи методик шароитлар моделини яратинг.

МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ

VI. Мустақил таълим

1. Махсус таълимни ташкил этиш шакллари ва методлари.
2. Мактабгача ёшдаги болаларни мактаб таълимига тайёрлаш технологиялари
3. Мактабгача ёшдаги болаларни мактаб таълимига нутқий тайёрлаш технологиялари.
4. Мактабгача ёшдаги болаларни мактаб таълимига тайёрлашда ўйин, меҳнат фаолиятига киритиш, шакллантириш.
5. Мактабгача ёшдаги болаларни мактаб таълимига тайёрлаш жараёнида ўйиннинг мазмунини, қондасини, вазифасини белгилаш.
6. Мактабгача ёшдаги болаларни мактаб таълимига нутқий тайёрлашда оила ва махсус мактабгача таълим муассасаси ҳамкорлиги.
7. Махсус мактабгача таълим тизимида коррекцион ишлар самарадорлигини ошириш йўллари
8. Туғма ва орттирилган нуқсонлар билиш жараёнлари камчиликларини коррекциялашда қўлланиладиган технологиялар.

ГЛОССАРИЙ

VII. GLOSSARIY

№	Ўзбекча	Инглизча	Мазмуни
1	Махсус педагогика	Special pedagogic	Махсус педагогика (Дефектология, юнонча “дефестус” – нуқсон, камчилик, “логос” – фан, таълимот) ривожланишда жисмоний ёки психик камчиликка эга, махсус, индивидуал тарбиялаш ва ўқитиш методларига асосланган, имкониятлари чекланган болаларни ривожлантириш жараёнини бошқаришни ўрганувчи фан.
2	Махсус мактаб	Special school	Ривожланишда жисмоний ёки психик камчиликка эга, махсус, индивидуал тарбиялаш ва имкониятлари чекланган болалар учун ташкил этилган махсус таълим муассасалари
3	Ҳимояга муҳтож	Vulnerable	Ўз-ўзига хизмат қилиш, ҳаракатланиш, уюштириш, ўз ахлоқини назорат қилиш, таълим, меҳнат фаолиятига имкониятнинг бузилиши оқибатида ижтимоий мослашмаганликка олиб келувчи ҳаётий фаолиятнинг аҳамиятли чекланганлигидир.
4	Ижтимоий мослашув	Social adaptation	Улар учун оддий ҳаёт тарзини ва очик жамиятни оддий шартларини ҳаёти давомида қўллай олишга ўргатиш
5	Имконияти чекланган	Possibility be limited	Кар-соқов (сурдопедагогика), кўр (тифлопедагогика), аклий жиҳатдан ривожланишда ортида қолган (олигофренопедагогика) болалар
6	Эрта ташҳис	Early diagnosis	Ривожланишда жисмоний ёки психик камчиликка эга, махсус, индивидуал тарбиялаш ва имкониятлари чекланган болаларга эрта ташҳис қўйиш уларнинг келгуси ривожланишида самарали натижаларга эришилади.
7	Ноғиронлик	disability	Бу жамиятдаги мавжуд шарт-шароитлар туфайли юзага келган, натижада одамларнинг фаол ҳаёт кечиришига имкон бермайдиган

			жисмоний, ақлий, сенсор ва психик бузилишлари бўлган шахснинг фаолиятига тўсиқ ёки чеклашдир
8	Интеграция	integration	Имконияти чекланган, алоҳида ёрдамга муҳтож болалар ва ўсмирларга таълим бериш, касб-ҳунарга ўргатиш ишларини амалга ошириш мақсадида умумтаълим муассасаларида инклюзив синф ва гуруҳлар ташкил этиш
9	Инклюзив таълим	Education inclusive	Бу махсус ёрдамга муҳтож болалар ва ёшлар учун индивидуаллашган ва шароитга қараб ўзгарувчан, ғамхўрлик билан ёндаша оладиган таълим тизимидир.
10	Ижтимоий ҳамкорлик	Social cooperation	Имконияти чекланган, алоҳида ёрдамга муҳтож болалар имкон қадар ўзига тенгдош ногирон бўлмаганлар билан муносабатда бўлиб, ижтимоий тасаввурларга эга бўлишлари ҳамда ижтимоий ҳамкорлик ўрнатишлари
11	Коррекция	Correction	Коррексия (юнонча “correstиио” – тузатиш) – педагогик услуб ва тадбирлардан иборат махсус тизими ёрдамида аномал болаларнинг психик ва жисмоний ривожланиш камчиликларини қисман ёки тўлиқ тузатиш. Ақлий ёки жисмоний, нутқий ривожланишида муаммоси бўлган болаларнинг руҳий ёки жисмоний ривожланишидаги камчиликларини педагогик усул ва чора-тадбирлар ёрдамида қисман ёки бутунлай бартараф этиш.
12	Коррекцион педагогика	Pedagogical correction	Махсус педагогиканинг ҳар бир йўналиши учун таълим қонуниятларини тадқиқ қилади.
13	Коррекциялаш	Correction	Коррексиялашнинг аниқ мақсади, вазифалари ва усуллари боланинг индивидуал хусусиятлари ва тараққиётидаги камчиликларига қараб белгиланади. Коррексиялаш (тузатиш) боланинг

			психик ва жисмоний ривожланишидаги нуқсонларни тузатиш, йўқотиш ва пасайтиришдан иборат.
14	Анамнез	Anamnez	Анамнез (юнонча – анамнесис - эслаш) – беморнинг ҳаёт шароити ва касаллик тарихи ҳақида сўраб тўпланадиган маълумотлардир.
15	Комплекс ҳамкорлик	Complex cooperation	Педагоглар жамоасининг муайян социал муҳитда ўсаётган ҳар бир бола қобилиятларининг ривожланиш даражаси ва ҳаёт тажрибасидан қатъий назар унинг муваффақиятли таълим олиши ва ривожланиши учун қулай ижтимоий психологик шарт-шароит яратишга қаратилган касбий фаолият тизими.
16	Компенсация	Compensation	Компенсация (юнонча “компенсатио” – ўрнини тўлдириш) организмнинг бузилган ёки ривожланмаган функцияларининг ўрнини тўлдириш, қайта қуришдир.
17	Дифференциал	Differentiate	Махсус мактабларнинг турли хиллари – қарлар учун, заиф эшитувчилар ва кеч қар бўлиб қолганлар учун мактаб бўлимлари ва мактабларнинг барча турларида икки ёқлама нуқсонли болалар учун махсус синфлар ташкил қилинишидир.
18	Интеграция	Integration	Интеграция (лотинча интеграто – тиклаш, тўлдириш). 1. Тизим ёки организмнинг алоҳида қисмлари ва функцияларининг ўзаро бир бутун бўлган ҳолатини ифодаловчи тушунча, шунингдек, мана ша ҳолатга олиб келадиган жараёни. 2. Фанларнинг ўзаро яқинлашиш ва боғланиш жараёни, дифференсация жараёни билан бирга кечади.
19	Ижтимоий Реабилитация	Social rehabilitate	Ижтимоий реабилитация (юнонча “реҳабилитас” – қобилиятни тиклаш) аномал болаларнинг психофизиологик имкониятларига

			кўра ижтимоий муҳитда иштирок этиши учун шароит яратиш, уларни ижтимоий ҳаёт ва меҳнатга жалб этиш маъносини англатади.
20	Ижтимоий адаптация	Social adaptation	Ижтимоий адаптация (юнонча “адапто” – мослашиш) аномал болаларнинг индивидуал, гуруҳли хулқларини ижтимоий қоидалар, қадриятларга мос келишини таъминлаш деганидир.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сонли Фармони.

2. “Мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 сентябрдаги ПФ-5198-сонли Фармони.

3. “2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 29 декабрдаги ПҚ-2707-сонли Қарори.

4. “Мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 сентябрдаги ПҚ-3261-сонли Қарори.

5. “Нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 сентябрдаги ПҚ-3276-сонли Қарори.

6. “Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 30 сентябрдаги ПҚ-3305-сонли Қарори.

7. Мирзиёев Ш.М. “Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз” мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимидаги киришиш тантанали маросимида бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи. – Т.: “Ўзбекистон”, 2016. – 56 б.

8. Мирзиёев Ш.М. “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлиги гарови” мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 48 б.

9. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалиқ қондаси бўлиши керак. –Т.: “Ўзбекистон”. – 2017.– 102б.

10. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.

Махсус адабиётлар:

1. Richard Arum, Melisa Velez. Improving Learning Enviroment: Schol Discipline and Comporative Perspektive. Stanford Universiy Press, USA 2012.

2. H.Fry, S. Ketteridge, S.Marshall. HandbookFor teaching and Learning in Higher Education.New York, Routledge, 2009.

3. Higher education in japan. Higher Education Bureau, Ministry of Education, Culture, Sports, Science and Technology. 3-2-2 Kasumigaseki, Chiyoda-ku, Tokyo 100-8959, Japan Tel: +81-3-5253-4111 (Reception)

4. Eduscol. education.fr./ dossiers.School Education in France. ISBN 978-92-9079-921-4 Available for free downloading from the CEPS website (<http://www.ceps.eu>) © CEPS, 2009

5. Florian Geyer. The Educational System in Belgium CEPS Special Report/September.ISBN 978-92-9079-921-4 Available for free downloading from the CEPS website <http://www.ceps.eu>)© CEPS, 2009.

6.Improving Learning Environments: School Discipline and Student Achievement in Comparative Perspective (Studies in Social Inequality) Hardcover – June 13, 2012

7. Выгоцкий Л.С. Вопросы детской психологии. – М.: СПб. 1999.

8. Белтюков В.И. Взаимодействие анализаторов в процессе восприятия и усвоения устной речи (в норме и патологии) – М.: Педагогика. 1997.

9. Богданова Т.Г. Сурдопсихология. –М., 2002.

10. Боровлёва Р.А. Родителям маленьких оглохших детей (начало коррекционной работы с детьми, потерявшими слух в 2,5 – 3 года) // Дефектология, -2004. -№.4 -с. 78-82.

10. Зыкеев А.Г. Формирование и коррекция речевых навыков и умений в употреблении сложносочиненных предложений младшими школьниками с нарушениями в развитии //Дефектология. -2005. - №3. – с. 67-75.

11.Коррекционное обучение как основа личностного развития аномальных дошкольников / Под ред. Л.П.Носковой. – М.: Педагогика, 1999.

12. Л.Мўминова, Ш.Амирсайдова ва бошқалар Махсус психология - Т.: Фан ва технологиялар .2013.

13. П.Пўлатова, Л.Нурмухамедова, Ш.Амирсайдова Махсус педагогика -Т.: Фан ва технологиялар,2014.

14. Мактабгача таълимга қўйиладиган давлат талаблари. Т.: 2017

15. Такомиллаштирилган «Болажон» таянч дастури. Т.: 2016

16. Д.Джуманова, Й. К. Прусаковалар. “Қувноқ логоритмика”. Т.: 2009

17. З.А.Рахмонқулова, М.Файзуллаева, М.Нуриддинова. Мактабгача ёшдаги болаларни атроф-муҳит билан таништириш (*катта, тайёрлов гуруҳлари*учун). Методик қўлланма, Т., 2015.

18. Амирова. Г.А., Сулаймонов А.П., Джураева Б .Р. Мактабгача таълим муассасаларда апликация машғулоти. Т., 2014.

19. Р.Ш.Шомахмудова, Л.Р.Мўминова. Боғча ва кичик мактаб ёшдаги болалар талаффузидаги нуқсонларни тузатиш. – Т., 1981.

20. Д.Т Сабинова. Мактабгача ёшдаги болаларда тасвирий саводхонлик элементларини шакллантириш. (13.00.01.-Педагогика назарияси ва тарихи ихтисослиги бўйича ёзилган диссертациянинг автореферати). Т.2007

Интернет ресурслари:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот маркази сайти:

1. www.press-service.uz

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат Ҳукумат портали: www.gov.uz
3. Axborot-kommunikatsiya texnologiyalari izohli lug'ati, 2004, UNDP DDI: Programme www.lugat.uz, www.glossaiy.uz
4. Ўзбек интернет ресурсларининг каталоги: www.uz
5. Infocom.uz электрон журнали: www.infocom.uz
6. www.press-uz.info
7. www.ziyonet.uz
8. www.edu.uz
9. www.tdpu.uz
10. www.pedagog.uz